II	МЗ	تَلْتَجِي	تَلْتَجِيَانَا	تَلْتَجُونَا
	МН	تَلْتَجِيْنِي	تَلْتَجِيَانَا	تَلْتَجِيْن
I	МЗ	أَلْتَجِي		تَلْتَجِي
	МН			

III. Заиф фъеллар:

1. Солимсифат фъелларнинг истак майли солим фъелларникидан фарқ қилмайди. Масалан:

يَتَّحِدُ → يَتَّحِدُ - اَلْتَّحَدُ .

4. Ажваф фъелларнинг истак майлининг кўшимчалари солим фъеллар истак майлининг кўшимчалари каби бўлади. Масалан:

يَمْتَازُ → يَمْتَازُ - اَمْتَازُ , يَمْتَاخُ → يَمْتَاخُ - اَرْمَاخُ .

5. Ноқис фъелларнинг истак майли I боб يَكِي - يَكِي фъелининг истак майли билан бир хил тусланади. Масалан:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَحْتَلِي	يَحْتَلِيَا	يَحْتَلُوا	يُرْتَدِي	يُرْتَدِيَا	يُرْتَدُوا
	МН	يَحْتَلِي	يَحْتَلِيَا	يَحْتَلِينَ	يُرْتَدِي	يُرْتَدِيَا	يُرْتَدِينَ
II	МЗ	يَحْتَلِي	يَحْتَلِيَا	يَحْتَلُوا	يُرْتَدِي	يُرْتَدِيَا	يُرْتَدُوا
	МН	يَحْتَلِي	يَحْتَلِيَا	يَحْتَلِينَ	يُرْتَدِي	يُرْتَدِيَا	يُرْتَدِينَ
I	МЗ МН	أَحْتَلِي		يَحْتَلِي	أُرْتَدِي		يُرْتَدِي

Амалий машғулот учун топшириқлар

505-машқ. Қуйидаги феълларни шарт майлида тусланг:

اصْطَفَ - сафланмоқ; اغْتَمَ - ғам ёмоқ; اَنْظَرَ - кутмоқ; اَلْخَذَ - қабул қилмоқ; اشْتَرَى - сотиб олмоқ; اَكْتَشَفَ - билиб қолмоқ; اَحْتَمَلَ - бардош бермоқ.

506-машқ. Қуйидаги феълларни буйруқ майлида (ҳар уч шахсда) тусланг:

اِبْتَاغَ - сотиб олмоқ; اِشْتَعَلَ - ишламоқ; اِتَّفَقَ - тил топишмоқ; اِكْتَفَى - кифояланмоқ; اِتَّضَعَ - равшан бўлмоқ; اِنْتَقَى - танламоқ.

507-машқ. Қуйидаги феълларни истак майлида тусланг:

اَنْظَرَ - кутмоқ; اَلْجَمَ - юзланмоқ; اِفْتَتَحَ - қаноатланмоқ; اِمْتَلَأَ - тўлмоқ; اِضْطَرَمَ - алангаланмоқ; اِكْتَأَ - суянмоқ; اِخْتَفَى - яширинмоқ; اِخْتَارَ - танламоқ.

508-ماشқ.Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг,
VIII боб феълларини топинг, уларнинг ўзагини аниқланг,
майлини топинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) أعطيني يا سميرة آلة التصوير واصطفوا جميعا يا أصدقائي في شكل جميل أمام
- 2) النافورة. إذا أقبل الترام أو الباص فانتظر حتى ينزل الركاب أولا ثم اصعد بحسب
- 3) دورك. حينما الجديد من حسن الحظ غني بماكولاته السوقية. لقد أرسلتُ الخادم ليتاع
- 4) لنا أكلا من السوق. كان من الضروري أن يحصل على مبلغ معين كي يشتري ما يلزمه
- 5) في الطريق إلي وطنه. إخوتك يعملون والصغير ناجح في المدرسة والحمد لله ليس ضروريا
- 6) أن تشتغل أنت واكمل دراستك. تردد أمير كثيرا قبل أن يتفق مع نفسه على هذا
- 7) القرار. هذه هي الدنيا يا صاحبي بحث عن حظك ولا تنتظره. 8) هيا، أيها الصديق
- 8) الجميل، اذهب في سبيلك ودعني أعد وحدي إلي البيت ... لا أتمنى أن يكتشف أبي أمري
- 9) معك. لم يقنع أمير ولكن أراد إنهاء الموضوع. 10) صوت الناي هذا نار لا هواء فلا
- 11) كان من لم تضطرم في قلبه مثل هذه النار. لا يستطيع غر أن يدرك حال من أنضجتهم
- 12) التجارب فلنقصر القول على ما قلناه ونكتف به. 12) كن ذا أمل ولكن قف عند حد في
- 13) أملك فالقشة لا تستطيع أن تحتمل الجبل. كيف كان الذهب و الفضة ينضجان في
- 14) المنجم إذا لم يختفيا في جوف الثرى؟! 14) سوف أحمل همك فلا تغمي، فأنا أكثر إشفاقا
- 15) عليك من أبيك وأمك. 15) اختر لنفسك عشق ذلك الحمي، هو باق وهو يسقيك شرابا
- 16) ويزيد قوة روحك. 16) لا تتخذ من نفسك مقياسا لأحوال الطاهرين. 17) اتجه بوجهك
- 18) إلي الحائط واجلس منفردا واختر لنفسك الخلوة عن وجودك. 18) لا تمض في طريق اليأس
- 19) ففي الكون آمال! ولا تتجه نحو الظلمات ففي الكون شمس! 19) هي كالإناء تظل طافية
- 20) ما لم تمتلئ فالإناء إذا امتلأ غرق في الماء. 2) لقد خلق الألم والحزن حتى تتضح لك سعادة
- 21) القلب بضدها. 21) أيها الخادم، أين قصر الخليفة حتى اتجه إليه بحصاني ومتاعي؟ 22) لقد
- 23) جعلت تراب المهم كحلا لعيني حتى يمتلئ بجرا مقلتيّ بالجوهر. 23) في تلك الزاوية تنظر
- 24) السيدة إلي الصبايا لتنتقى منهن عروسة لوحيدها. 34) قالت مريم: اتكني يا أخي علي هذا

المسند واقترّب قليلا من الموقد.

1. Саволимга берган жавобингиздан мен мутлақо коникмадим. 2. Ҳаммадан ҳам олдин биз бу масалада ўзаро келишиб олишимиз керак. 3. Ҳаётимиз яхши, ризқимиз етарли, тўкин-сочин, шунинг учун отамнинг бирор жойда ишлашларига зарурат йўқ. 4. Марҳамат, ўтиринг, меҳмон (мн.), мен ўғлимни иккита иссиқ обинон ва пиширилган гўшт олиб келиш учун бозорга жўнатдим. Биргалашиб ўтириб, чой ичамиз. 5. Биз табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмаслигимиз керак, балки ўзимиз ҳаракат қилишимиз керак, айтганлар-ку, ҳаракатда баракат дёб. 6. Фарзандларим, сизлар ҳеч ғам чекманглар, ҳамма нарса жойида бўлади ва бу қийинчиликлар ўтиб кетади. 7. Агар сизлар (мз.) ёмонлик сари юзлансангизлар, ҳеч кимдан яхшилик кутманглар. 8. Дўстим янги либосларини кийди, сочларини таради ва шаҳар парки томон жўнаш учун машинасига ўтирди. 9. Мана бу ёстикқа суяниб ўтиринглар (мн.). 10. Ўқиган маърузалари яна ҳам равшан ва тушунарли бўлиши учун устозимиз маърузани секинлик билан, шошилмай ўқийдилар. 11. Шаҳримиздаги марказий универмаг ичида эскалатор бор. Сиз (мн.) эскалатор томонга юзлансангиз, унинг ўзи сизни юқори қаватга чиқариб қўяди. 12. Мана биз галантерея бўлимидамиз. Агар сиз қўлқоп сотиб олмоқчи бўлсангиз, мана бу астари жунли қўлқоплардан бирини танлашингизни маслаҳат бераман. 13. Мен сиздан ўтиниб сўрайман, бу ҳақда кўп гапирманг. Гапларингизга бардош бера олмайман. 14. Биз билган нарсаларимиз билан кифояланмаслигимиз керак, балки яна

хам кўпроқ нарсани билишга интилишимиз керак. 15. Барча талабалар ҳовлига чиқсинлар ва сафлансинлар. 16. Суод билан Набила кутубхонадан бир неча китоб олишди ва бу билан кифояланмасдан, йўлда иккита газета ва иккита журнал ҳам сотиб олишди. 17. Талабалар (мн.), аудиториядан барча чиққунигача кутиб туринглар, сўнг кириб ўринларингизга ўтиринглар. 18. Паст овоз билан гаплашайлик, бу нарсани онамиз билиб қолмасликлари керак.

510-маишқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва ибораларини ёдланг; яна бир киши иштирокида ижро этинг, ижрода сўзларнинг талаффузига, нутқдаги интонацияга эътибор беринг:

تولّفين: قل لي يا حمدي، هل أعجبتك الحفلة الموسيقية؟

حمّدي: نعم، الحفلة رائعة وعازف كمان نسيت اسمه رائع أيضا.

تولّفين: أنا أحب جدا أن أستمع إلي الموسيقى الأوزبكية الكلاسيكية لذا كنت

مبسوطا جدا بالاستماع إليها. وما هو رأيك في هذه الموسيقى يا حمدي؟

حمّدي: أما أنا فلا أفهم الموسيقى الكلاسيكية. أحب أنا الموسيقى المعاصرة والرقصات

الحديثة.

تولّفين: هل شاهدت حفلات فرقة «بهار» للرقص؟

حمّدي: نعم، شاهدت مرتين. مرة في قاعة تركستان وثانية في قاعة الاستقلال.

تولّفين: يا خسارة! أنا ما كنت موجودا في طشقند في تلك الأيام ولكن سمعت عن

نجاح هذه الفرقة وخاصة عن نجاح الرقصات الأوزبكيات في فتهن.

حمّدي: نعم، هذه الفرقة لها برنامج مؤلف من الرقصات الأوزبكية التقليدية ولكن

مفهومة لنا للعرب بدون تعليق وفعلا بعد أن انتهت الحفلة تواصل التصفيق

خلال نصف ساعة وطلب المشاهدون إعادة الرقص الأخير.

تولقین: آه، هذا الرقص رقص «تَنَاورَ» الأوزبكي القديم المشهور وهو من إخراج

الراقصة الأوزبكية الشهيرة الراحلة مُكرَّمته تورغوناييفا.

حَمْدِي: هل ستقام حفلة موسيقية للفرق الأخرى في الأيام القليلة المقبلة؟

تولقین: لا أعرف. ربما فرقة «صدي» ستقيم حفلاتها قبيل رأس السنة الجديدة وهذه

الفرقة مشهورة في جمهوريتنا بأغانها الحديثة والمعاصرة.

حَمْدِي: عظيم! يجب علينا أن نَحجز التذاكر من الآن.

تولقین: نعم، لا بد لنا أن نشترى التذاكر من قبل.

حَمْدِي: تعال لنحجز التذاكر.

511-ماشқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

Бердикул: Намангандаги «Навбахор» ашула ва рақс ансамбли ҳақида эшитганмисиз, Баҳодир?

Баҳодир: Ҳа, «Навбахор» вилоятимизнинг энг машҳур ансамблларида биридир. Унга илгари республикамизда таниқли бўлган санъаткорлар раҳбарлик қилишган. Ҳозирги раҳбари ҳам вилоятимизнинг энг таланти, энг фаол бастакоридир.

Бердикул: Бу ансамбл сўнгги марта қачон концерт берган?

Баҳодир: Ансамблнинг сўнгги концерти республикамизнинг мустақиллик байрами олдидан бўлган эди.

Бердикул: Сиз концертда иштирок этганмидингиз?

Баҳодир: Ҳа, концерт Намангандаги «Ёшлик» ўйингоҳида бўлган эди. Ўйингоҳ томошабинлар билан лиқ тўла эди. Бирорта бўш ўриндик йўқ эди.

Бердикул: Сизга хонандаларнинг ашулалари ёқдими?

Баҳодир: Хонандалар ашулани жуда маромига етказиб ижро этдилар, айниқса лирик хонанданинг замонавий ўзбекча ашуласи ҳаммага маъкул келди ва томошабинларнинг қарсағи ярим соат давом этди.

Бердикул: Ансамбл дастурида рақс номерлари ҳам бор эканми?

Баҳодир: Ҳа, албатта. Ансамблнинг раққоса қизлари рақсларни зўр маҳорат билан ижро этдилар. Улар ўзбекча рақслардан ташқари, хинд, афғон, араб, турк халқлари рақсларини ҳам қойилмақом қилиб ижро этишди.

Бердикул: Ансамбл яна қачон концерт берар экан, эшитмадингизми?

Баҳодир: Кеча Наманган телевидениеси ўз кўрсатувлари охирида эълон қилишича, «Навбаҳор» ансамбли 8 март Халқаро хотин - қизлар байрами олдида Навоий номидаги театр биносида концерт берар экан.

Бердикул: Яна олдинда бир неча кун бор экан. Лекин мен олдиндан билет олиб қўйишим керак, чунки бу ансамблнинг мухлислари жуда кўп.

Баҳодир: Билетлар концертга бир ҳафта қолганида театр биносидаги кассада сотилар экан. Сиз, Бердикул, бориб кассадан билет сотиб олишингиз мумкин.

Бердикул: Мен албатта бориб билет сотиб оламан. Маслаҳатингиз учун катта раҳмат, Баҳодир.

§ 132. VIII БОБ ФЕЪЛИНИНГ МАСДАРИ

Солим феълларнинг масдари **أَفْعَالٌ** вазнида ҳосил бўлади. Масалан:

أَقْسَمَ – ўзаро бўлиб олмоқ → **أَقْسَمَ** – ўзаро бўлиб олиш,

أَعْتَرَضَ – қаршилик қилмоқ → **أَعْتَرَضَ** – қаршилик қилиш, **أَشْتَرَكَ** – қатнашмоқ → **أَشْتَرَكَ** – қатнашиш.

Нотўғри феъллар:

I. Иккиланган феълларнинг масдари:

أَحْتَرَأَ – кесмоқ → **أَحْتَرَأَ** – кесиш,

أَرْتَدَّ – тарк этмоқ → **أَرْتَدَّ** – тарк этиш.

II. Ҳамзали феълларнинг масдари солим феълларникидан фарқ қилмайди. Масалан:

أَتَّخَذَ – қабул қилмоқ (қарорни) → **أَتَّخَذَ** – қабул қилиш,

إِتَّمَرَ – маслаҳатлашмоқ → **إِتَّمَرَ** – маслаҳатлашиш,

أَفْتَادَ – кўзгамоқ (оловни) → **أَفْتَادَ** – кўзгаш (оловни),

أَلْتَجَأَ – яширинмоқ → **أَلْتَجَأَ** – яшириниш.

III. Заиф феъллар:

1. Солимсифат феълларнинг масдари солим феълларникидан фарқ қилмайди. Масалан:

أَتَّحَدَ – бирлашмоқ → **أَتَّحَدَ** – бирлашиш.

2. Ажваф феълларнинг масдарида иккинчи ўзак ундош **و** дан иборат бўлса, **و** га ўзгаради. Агар **و** бўлса, **و** лигича қолаверади. Масалан:

أَرْتَاخَ – дам олмоқ → **أَرْتَاخَ** – дам олиш,

(سوق) - آستاق - ҳайдамоқ → آستياق - ҳайдаш.

3. Ноқис феълларнинг масдаридида учинчи ўзак ундош ўрнидаги و ёки ى харфи ҳамзага айланади.

Масалан:

اختلى - узоқлашмоқ → اختلاء - узоқлашиш,

آرتدى - киймоқ → آرتداء - кийиш.

§ 133. VIII БОБ ФЕЪЛИНИНГ СИФАТДОШЛАРИ

Солим феълларнинг аниқ нисбат сифатдоши **مُفْتَعَل** вазнида ҳосил бўлади. Масалан:

أقسَم - ўзаро бўлиб олмоқ → مُقسِمَة، مُقسِمَة - ўзаро бўлиб олувчи, اشتَرَكَ - қатнашмоқ → مُشْتَرِكَة، مُشْتَرِك - қатнашувчи,

أعترض - қаршилиқ қилмоқ → مُعْتَرِضَة، مُعْتَرِض - қаршилиқ қилувчи.

Бу феълларнинг мажхул нисбат сифатдоши **مُفْتَعَل** вазнида ҳосил бўлади. Масалан:

أقسَم - ўзаро бўлиб олмоқ → مُقسِمَة، مُقسِمَة - ўзаро бўлиб олинган, أعترض - қаршилиқ қилмоқ → مُعْتَرِضَة، مُعْتَرِض - қаршилиқка учраган.

Нотўғри феъллар:

I. Иккиланган феълларнинг:

а) аниқ нисбат сифатдоши қуйидагича ҳосил бўлади:

أحترَ - кесмоқ → مُحْتَرِزٌ → مُحْتَرٌّ، مُحْتَرَّةٌ - кесувчи,

آرتدَ - тарк этмоқ → مُرْتَدِدٌ → مُرْتَدٌّ، مُرْتَدَّةٌ - тарк этувчи.

б) мажхул нисбат сифатдоши қуйидагича ҳосил бўлади. Масалан:

أَحْتَرَّ – кесмок → مُحْتَرَزٌ → مُحْتَرَزٌ، مُحْتَرَزَةٌ – кесилган,
أَرْتَدَّ – тарк этмок → مُرْتَدَّدٌ → مُرْتَدَّدٌ، مُرْتَدَّدَةٌ – тарк этилган.

II. Ҳамзали феълларнинг:

а) аниқ нисбат сифатдоши:

أَخَذَ – қабул қилмок (қарорни) → مُتَّخِذٌ، مُتَّخِذَةٌ – қабул қилувчи (қарорни), أَفْتَادَ – қўзғамок (оловни) → مُفْتَنِدٌ، مُفْتَنِدَةٌ – қўзғовчи (оловни), أَلْتَجَأَ – яширинмок → مُلْتَجِئٌ، مُلْتَجِئَةٌ – яширинувчи.

б) мажхул нисбат сифатдоши:

أَخَذَ – қабул қилмок (қарорни) → مُتَّخِذٌ، مُتَّخِذَةٌ – қабул қилинган (қарор), أَفْتَادَ – қўзғамок (оловни) → مُفْتَأَدٌ، مُفْتَأَدَةٌ – қўзғатилган (олов).

III. Заиф феъллар:

1. Солимсифат феълларнинг:

а) аниқ нисбат сифатдоши:

أَتَّحَدَ – бирлашмок → مُتَّحِدٌ، مُتَّحِدَةٌ – бирлашувчи,
أَتَّصَلَ – алоқа ўрнатмок → مُتَّصِلٌ، مُتَّصِلَةٌ – алоқа тикловчи.

б) мажхул нисбат сифатдоши:

أَتَّحَدَ – бирлашмок → مُتَّحِدٌ، مُتَّحِدَةٌ – бирлашилган,
أَتَّصَلَ – алоқа ўрнатмок → مُتَّصِلٌ، مُتَّصِلَةٌ – алоқа ўрна-
тилган.

2. Ажваф феълларнинг:

а) аниқ нисбат сифатдошида иккинчи ўзак ундош ўрнидаги чўзиқ унли сақланиб қолади. Масалан:

أَرْتَاخَ – дам олмок → مُرْتَوِّخٌ → مُرْتَاخٌ، مُرْتَاخَةٌ – дам олувчи,

أَمْتَارَ – ажралиб турмок → مُمْتَرِزٌ → مُمْتَارٌ، مُمْتَارَةٌ – ажралиб
турувчи.

Лекин: **أَزْدَوْجٌ** – жуфтлашмоқ → **مُزْدَوْجَةٌ** – жуфтлашувчи.

б) мажхул нисбат сифатдоши ҳам аниқ нисбат сифатдоши билан бир хил бўлади. Масалан:

أَرْتَاخٌ – дам олмоқ → **مُرْتَوَّخٌ** → **مُرْتَاخَةٌ** – дам олинган,

أَمْتَارٌ – ажралиб турмоқ → **مُمْتَرٌّ** → **مُمْتَارَةٌ** – ажратилган нарса.

Лекин: **أَزْدَوْجٌ** – жуфтлашмоқ → **مُزْدَوْجٌ** – жуфтланган.

3. Ноқис феълларнинг:

а) аниқ нисбат сифатдоши:

أَخْتَلَى – узоклашмоқ → **مُخْتَلٍ** (аниқ ҳолатда - **المُخْتَلِي**), **مُخْتَلِيَّةٌ** – узоклашувчи, **أَرْتَدَى** – киймоқ → **مُرْتَدٍ** (аниқ ҳолатда - **المُرْتَدِي**), **مُرْتَدِيَّةٌ** – кийинувчи.

б) мажхул нисбат сифатдоши:

أَخْتَلَى – узоклашмоқ → **مُخْتَلَى** (аниқ ҳолатда - **المُخْتَلَى**), **مُخْتَلَاةٌ** – узоклашилган, **أَرْتَدَى** – киймоқ → **مُرْتَدَى** (аниқ ҳолатда - **المُرْتَدَى**), **مُرْتَدَاةٌ** – кийилган.

Амалий машғулот учун топшириқлар

512-машқ. Қуйидаги феъллардан масдар ҳосил қилинг ва маъноларини аниқланг:

اِخْتَلَفَ - турли хил бўлмоқ; **اِبْتَسَمَ** - табассум қилмоқ; **اِضْطَرَّ** - мажбур бўлмоқ; **اِحْتَفَظَ** - сақланмоқ; **اِمْتَارَ** - юқори даражада бўлмоқ; **اِنْكَأَ** - энгашмоқ; **اِتَّحَدَ** - бирлашмоқ; **اِسْتَوَى** - тенг

бўлмоқ; ارتاح - дам олмоқ; احتل - босиб олмоқ; اختص - хос
бўлмоқ; اضطهد - таъкиб қилмоқ; ازدحم - тиқилинч бўлмоқ;
اهتم - эътибор бермоқ; اتسع - ифлос бўлмоқ; احتمل - эҳти-
моли бор бўлмоқ; اشترك - қатнашмоқ; ارتخى - шалвирамоқ;
اختبا - яширинмоқ; اضطفى - пок бўлмоқ.

513-машқ. Қуйидаги масдарларнинг феълларини топинг:

اقتصد - тежаш; اختلاف - турли хил бўлиш; ارتياد - кезиш;
اضطرب - сабр қилиш; اتجاه - юзланиш; اتسع - кенгайиш; التفات
- ўгирилиш; اهتمام - эътибор бериш; اطلع - ўрганиш; امتلاء -
тўлиш; اختيار - танлаш; اختلال - босиб олиш; ازدهار - гуллаб -
яшнаш; اتفق - сулҳ тузиш; احتجاج - норозилик.

514-машқ. Қуйидаги феъллардан аниқ ва мажхул нисбат сифатдошлари ҳосил қилинг ҳамда маъносини аниқланг:

اقتصد - тежамок; ارتاد - бормоқ; اضطرب - сабрли бўлмоқ;
اختلف - турли хил бўлмоқ; اتسع - кенгаймоқ; اضطاد - қўлга
туширмақ; اتجه - йўл олмоқ; اطلع - ўрганмоқ; ارتعى -
ўтламоқ; التفات - ўгирилмоқ; احتل - босиб олмоқ; ازدهر -
гуллаб - яшнамоқ; اهتم - эътибор бермоқ; امتلا - тўлмоқ;
ازدرى - таҳқирламоқ; اختار - танламоқ; اتخذ - қабул қилмоқ;
اتفق - келишмоқ; احتج - эътироз билдирмоқ; اتدى - тўғри
йўлни топмоқ.

515-машқ. Қуйидаги сифатдошларнинг феълени ҳосил қилинг ва уларнинг қайси боб феъли эканлигини топинг:

مُحْتَفَظٌ - сақланган; مُمْتَنَزٌ - аъло даражадаги; مُبْتَسِمٌ - табассум қилувчи; مُسْتَوَىٌ - даража; مُشْتَرِكٌ - иштирокчи; مُرْتَاخٌ - хордиги чикқан; مُضْطَرٌّ - мажбур бўлган; مُتَسَخَّخٌ - ифлосланган; مُصْطَفَىٌ - сараланган; مُتَكَبِّرٌ - энгашган; مُهْتَمٌّ - эътибор берувчи; مُخْتَبِئٌ - яширинган; مُحْتَمَلٌ - эҳтимоли бор; مُحْتَلٌ - босиб олинган.

516-машқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг, ундаги VIII боб феъли масдари ва сифатдошларини топинг ҳамда гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) ندخل كل يوم غرفة الدرس ونستمع فيها إلى محاضرات مختلفة. (2) في السنة الماضية التمتحت في جامعتنا كلية جديدة وهي كلية الاقتصاد. (3) يؤدي تنوع المظاهر الطبيعية في البلدان الواسعة الحدود إلى اختلاف درجة الحرارة وكمية الأمطار من جهة إلى أخرى. (4) بعد غد نركب المترو إلى محطة «باختكور» من هناك سنغير القطار في اتجاه آخر إلى محطة «ميدان مستقلميك». (5) أيها الصديق اعبّر الطريق رأسياً مع الالتفات يساراً في نصفه الأول ويمينا في نصفه الثاني. (6) ما زالت ألوان النقوش داخل المساجد والمدارس محفظة برونقها وجمالها منذ القرون الوسطى. (7) اسم جمهورية مصر العربية كان الجمهورية العربية المتحدة في السابق. (8) أخي الوحيد كان فدائياً في أراضي فلسطين المحتلة. (9) وجد أحمد نفسه في صالة صغيرة مزدحمة بأحزمة المتاع والمقاعد وقطع الأثاث. (10) كان الجو رطباً ومحملاً البرودة. (11) قال رشدي باهتمام مبتسماً: ... (12) الفنادق السورية مصنفة إلى عدة درجات: منها فنادق الدرجة الممتازة والأولى والثانية. (13) في الحقيقة كل شيء جميل وأول شيء مهم هو اختيار الفندق المناسب. (14) عقدت حكومة جمهورية مصر العربية مع حكومة أوزبكستان المستقلة اتفاقيتين. (15) وقد أدى هذا التحسن في

نسبة التبادل التجاري إلى تحسين مستوى تجارتنا الداخلية والخارجية. (16) باشر الموظف المختص بفتح الحقائق والشطوط وقال بعد أن فتح العلبة الأولى... (17) أين متحف الفنون الإسلامية؟ نحن مهتمون جدا بفنون الشعوب الإسلامية في القرون الوسطى. (18) كثيرون من زملائي يريدون ارتياد الفضاء ويحلمون بهذا. (19) يقاس نجاح المصانع والمعامل بزيادة إنتاجها وبتوسع مساحتها وبسدها لحاجة البلاد. (20) لقد ساعدت أعمال المستشرقين للاطلاع على اللغة العربية وآدابها وتاريخ العرب. (21) كان عدد الدول المشتركة في هذا المؤتمر كثيرا جدا. (22) أصبح من يريد أن يتلقى شيئا من العلم مضطرا إلى أن يلتحق بالمدارس الفرنسية. (23) قد كافح الجزائريون كفاحا شديدا في فترة الاحتلال لأجل استقلالهم. (24) خطا أمير مهدوء مجالسة صديقه المتكئ على المجلة. (25) لم يتدخل أحمد في الحوار النشيط... كان ذهنه مشغولا حتى الامتلاء بمشاكلته الحادة. (26) كانت يد لبيبة مرتاحة بين يدي أمها المطبقتين عليها بخنان ودعة. (27) تصبغ الحياة عينا حين يصبح الإنسان غريبا... مضطهدا في وطنه. (28) أما ربة المنزل فقد ظلت مع الفوضى والصحون المتسخة محاولة إعادة الوضع إلى حالته الطبيعية السليمة. (29) الشهادة موجودة والعلامات ممتازة والصحة جيدة والرغبة جامحة والطريق مسدود. (30) عليكم التحقق من هوية القتيل قبل اتخاذ الإجراءات القانونية. (31) من حول الخدام تتناثر احتجاجات الزبائن على تأخر طلباتهم. (32) لم تجب سعاد... ظلت جامدة جاحظة العينين محدقة في عالم غير مرئي... وذراعاها مرتجتان كذراععي دمية قماشية. (33) يا من أنت لي كالمصطفى أما مستعد لأربط حزامي وأقف أمامك للخدمة. (34) إذا كنت يا رجل بحاجة إلى الاهتمام بالشمس فلا تحول وجهك عنها. (35) أنت بإطفائك شموع البصر تقوى شموع روحك وتصبح ليلاك لاصطبارك عنها مجنونة بك. (36) اذهب يا صديقي وتأمل حيل الأرنيب الثعلبية وانظر مكره وخطته لاصطياد الأسد. (37) يا من أطرت مني طائري! حسبك ارتطبه في مراعي الظلم! (38) ينتظر جمهوريتنا في المستقبل ازدهار في شتى الميادين. (39) ظهر زميلي ذات مرة باحتقار وازدراء إلى صديقه. (40) قد غضبت الطبيعة لموت العام العجوز فقامت تأخذ بثأره من الحياة المختبئة في الأكواخ وتحاربها بالبرد القارس والزهريو الشهيد.

517-машқ. 516 - машқдан VIII боб феъли масдарларини топинг ва уларнинг қандай ўзакдан эканини аниқланг.

518-машқ. 516 - машқдан VIII боб феъли сифатдошларини топинг ва уларнинг қандай ўзакдан эканини аниқланг, гапдаги вазифасини тушунтиринг.

519-машқ. VIII боб феъли масдарларидан фойдаланиб, қуйидаги гапларни арабчага ўгиринг:

1. Мана бу хужжатларни ўрганишингиз учун атиги икки кун керак бўлади. 2. Университетимиз худудининг кенгайиши сўнгги йилларда анча тезлашди. 3. Космосга парвоз қилиш ҳар бир йигитнинг орзу ва истагидир. 4. Мана очик дала. Биз учун энг муҳими футбол ўйнаш учун мос ерни танлашдир. 5. Бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда ёшларнинг тарбиясига, таълим олишига эътибор жуда катта. 6. Ўқувчи дарсда у ёқ-бу ёққа ўгирилишсиз доскага юзланган ҳолда ўтириши лозим. 7. Дўстим мени узоқдан кўрди ва мен томонга кела бошлади. 8. Давлатлар ўртасидаги ихтилоф ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. 9. Менинг энг катта акам иқтисод факультетида бозор иқтисодиёти фанидан дарс беради. 10. Бизнинг ота-боболаримиз мўғул босқинчилари юртимизни босиб олган пайтда, уларга қарши қаттиқ кураш олиб борган. 11. Қуён жуда эпчил хайвон, уни қўлга тушириш осон иш эмас. 12. Мижозларнинг эътирозларига қулоқ солишимиз керак, уларнинг фикрларини ўрганишимиз керак. 13. Ҳаётимизнинг моддий ва маънавий томонларини яхшилашга қаратилган қарорларни қабул қилиш билан бирга, уларни ҳаётга татбиқ этишимиз ҳам лозим. 14. Мен сизларнинг суҳбатингизга аралашмайман, менинг ҳаёлим бошқа ташвишлар билан тўла банд.

520-машқ. VIII боб феъли сифатдошларидан фойдаланиб, қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Шер ўрмондаги дарахтлар орасига яширинган куённи кўриб қолди. 2. Синглимнинг туғилган кунига магазиндан латта кўғирчоқ сотиб олдим, кўғирчоқнинг шалвираган икки кўли икки ёнида ётарди. 3. Ўзбекистон ҳукумати делегацияси Дамашқнинг люкс меҳмонхоналаридан бирида музокаралар олиб борди. 4. Хизматкор аёл ювилмаган идиш-товоқларни олиб чиқиб кетди. 5. Ибн Сино, Беруний каби олимларимиз ўз ватанларида ҳам таъқиб остида яшаганлар. 6. Ўғлимдан хат олганимдан кейин кўнглим таскин топди. 7. Юмшоқ диванга суяниб ўтирган Сабрий бирданига ўрнидан туриб кетди. 8. Университетга киролмаганимдан кейин заводда ишлашга мажбур бўлдим. 9. Синглим ғарб санъатига жуда қизиқади ва у ҳақда турли китобларни ўқийди. 10. Божхонанинг чемоданларни текширишга ажратилган ходими дарров сумка ва чемоданларни текширишни бошлади. 11. Кафедрамиз аъзоларининг илмий даражалари бошқа-ларга қараганда юқори. 12. Фаластин халқи босиб олинган ерларини озод қилиш учун курашни давом эттирмоқда. 13. Бирлашган Араб Амирликлари араб давлатлари ичида энг тараққий этган давлатлардан бири ҳисобланади. 14. Кўшнимиз Хадича хола ҳали ҳам ёшлигидаги гўзаллигини сақлаб келмоқда. 15. Марказий универмагнинг галантерея бўлимида турли хил кўлқоплар сотилапти.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ МАТН

طشقند

طشقند مدينة قديمة كسمرقند وبخارى وغيرهما من مدن آسيا المركزية. طشقند عاصمة جمهورية أوزبكستان المستقلة. وهي مدينة جميلة عامرة كثيرة الأشجار والأزهار والمياه. وفي البلدة وضواحيها كثير من الحدائق والمنتزهات وفيها عدد كبير من المدارس الابتدائية والثانوية والمعاهد والمكتبات والمتاحف والمسارح ودور السينما والقصور وغيرها من المؤسسات الثقافية.

في طشقند عدة جامعات كبيرة وهي جامعة أوزبكستان الأهلية باسم ميرزا أولوغبيك والجامعة التكنيكية والجامعة الزراعية والجامعة الاقتصادية والجامعة التربوية وجامعة العلاقات الدبلوماسية والاقتصادية بين الدول والجامعة الإسلامية. في مكتبات هذه الجامعات توجد كثير من الكتب المطبوعة والمخطوطة باللغات الأوزبكية والأجنبية وكليات هذه الجامعات مزودة بأحدث الوسائل الإلكترونية والكمبيوترات.

أكاديمية العلوم لأوزبكستان المستقلة تقوم بتشكيل الشؤون العلمية وتضم عدة معاهد للبحوث العلمية المرتبطة بصناعة الجمهورية وزراعتها وحياتها المعنوية مثل معهد التاريخ ومعهد الدراسات الشرقية ومعهد اللغة والآداب ومعهد الاقتصاد وغيرها من المعاهد المختلفة.

وفي السنوات الأخيرة تم بناء عدة قصور وهي قصر تركستان وقصر الإستقلال وقصر الفنون. وفي هذه القصور يقدم عادة أشهر الفنانين والمطربين براجمهم المفضلة وكذلك تم بناء العديد من الفنادق وهي فندق أوزبكستان وفندق «تشارسو» والفنادق الأخرى. وهذان الفندقان أصبحا في الآونة الأخيرة رمزا لجمال طشقند.

وفي قلب المدينة ميدان فسيح وفي هذا الميدان بناية شاهقة وضخمة وهي للوزارات والمؤسسات الحكومية المختلفة. أمام هذه البناية بين الأزهار فواراة مياه طويلة وجديدة من نوعها وتجاه هذه الفواراة بناية طويلة للمكتبة باسم الشاعر نوائي.

وفي طشقند عدة وسائل النقل وبينها مترو طشقند يُعتبر فخرا لسكان هذه المدينة وضيوفها.

طشقند مدينة عديدة السكان وشوارعها الجديدة عريضة ومستقيمة وبنائهما شاهقة وجميلة. في طشقند كثير من السيارات والباصات والترام ويفتخر سكان طشقند بوسائل النقل هذه حق الافتخار.

521-ماشқ. Ўн тўққизинчи матнни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг, ўзбекчага ўғиринг ва янги сўзларини ёдланг.

522-ماشқ. Ўн тўққизинчи матн асосида қуйидаги саволларга ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) هل مدينة طشقند قديمة أم جديدة؟ (2) ماذا يوجد في طشقند من المؤسسات الثقافية؟ (3) أية جامعات توجد في طشقند؟ (4) بأية أمور تقوم أكاديمية العلوم لأوزبكستان؟ (5) أية معاهد للبحوث العلمية توجد في أكاديمية العلوم؟ (6) متى تم بناء القصور مثل قصر تركستان وقصر الاستقلال؟ (7) من يقدم برامج في هذه القصور؟ (8) ماذا تعرف عن الفنادق في طشقند؟ (9) ماذا يوجد في الميدان الفسيح في وسط المدينة؟ (10) هل الفوارة أمام البناية الشاهقة جديدة النوع؟ (11) ماذا تعرف عن وسائل النقل في طشقند؟ (12) أية وسيلة النقل بيت في الآونة الأخيرة؟ (13) هل شوارع طشقند الجديدة عريضة أو ضيقة؟ (14) بأية جوانبها تعجبك طشقند؟ (15) هل أنت تحب طشقند ولماذا؟

523-ماشқ. Ўн тўққизинчи матндан феълларни ажратиб олинг, уларнинг бобларини аниқланг ва тўла морфологик таҳлил қилинг.

524-ماشқ. Ўн тўққизинчи матндан масдар ва сифат-дошларни топинг, қайси феълнинг қайси бобидан эканлигини аниқланг ва гапдаги вазифасини тушунтиринг.

525-машқ. Ўн тўққизинчи матнда мавжуд феълларнинг барчасидан аниқ ва мажхул нисбат сифатдошлари ҳосил қилинг, ҳар бир сифатдошга биттадан гап тузинг.

526-машқ. Тугилиб ўсган шахрингиз ҳақида араб тилида баён ёзинг.

527-машқ. Қуйидаги ибораларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:

خان الحليلي، شنّ الحرب، طبقا للقرار، ميدان الأزهر، في شهر مارس، جناح
المعرض هذا، تقدم في الصناعة والزراعة، معانة دقيقة، الحياة النباتية، عبر النافذة،
درجات سلم حلزوني، الشقة المطلوبة، مواصلة المشاهدة، رفوف الكتب، عين الحريص
على الدنيا، مجموعة من قميص ورباط عتق ومنديل، القطن الأوزبكي الممتاز، في شكل
جميل، من حسن الحظ، صوت الناي، في جو الثرى، مأكولات سوقية، سعادة القلب،
قصر الخليفة، في تلك الزاوية، رقصات أوزبكية تقليدية، قاعة تركستان، بدون تعليق،
خلال نصف ساعة، كلية الاقتصاد، درجة الحرارة، كمية الأمطار، من جهة إلى أخرى،
ألوان النقوش، أراضي فلسطين المحتلة.

ЙИГИРМАНЧИ ҚИСМ ЯНГИ СЎЗЛАР

قائۇتە	суд амалиёти	X استدار	айланиб ўтмоқ
VIII احتقن	(юзига) қон югурмоқ	X استدرج	жалб қилмоқ, тортмоқ
إحصائىة	статистик маълумот	X استدرک	тўғриламоқ
IX اخمر	қизармоқ	X استراح	дам олмоқ, хордик чиқармоқ
VIII اختفى	яширинмоқ	X استرجع	чиқариб олмоқ, тортиб олмоқ
IX اخضر	яшил ранга кирмоқ	X استشار	маслаҳат сўрамоқ
IX اربد	кулранг тусга кирмоқ	X استشعر	сезмоқ, сезиб олмоқ
IX ازرق	кўкармоқ	X استشهد	шаҳид бўлмоқ
X استبدل	алмаштирмоқ	X استطلع	билишга ҳаракат қилмоқ, кўнглига қўл солиб кўрмоқ
X استنى	истисно қилмоқ	X استعاد	тикламоқ; қайта ўрнига келтирмоқ
X استجوب	сўроқ қилмоқ, сўроқка тутмоқ	X استعار	(ниманидир) қарзга олмоқ
X استحال	имкон бўлмай қолмоқ, илож топмай қолмоқ	X استعان	ёрдам сўрамоқ
X استحسن	маъқулламоқ	X استعبد	қул қилмоқ
X استحق	арзимоқ, муносиб бўлмоқ	X استعجل	шошилмоқ, тезлашмоқ
X استخلف	онт ичишни сўрамоқ	X استعد	тайёрланмоқ
X استخدم	ишлатмоқ, ишга солмоқ		

اسْتَعْرَابٌ арабшунослик
 X اسْتَعْرَضَ томоша қилмоқ
 X اسْتَعْظَفَ ялинмоқ, ёлбормоқ
 X اسْتَعْمَلَ ишлатмоқ, истеъ-
 мол қилмоқ
 X اسْتَعَاثَ ёрдам сўрамоқ
 X اسْتَعْرَبَ ажабланмоқ, тааж-
 жубда қолмоқ
 X اسْتَفْفَرَ гуноҳни кечишни
 сўрамоқ, мағфират сўрамоқ
 X اسْتَفْلَ фойдаланмоқ
 X اسْتَفْرَ қўрқитиб юбормоқ
 X اسْتَفْسَرَ тафсилотни сўра-
 моқ, сўраб билмоқ
 X اسْتَفْرَ жойлашмоқ,
 тинчимок, ўрнашмоқ
 X اسْتَكْمَلَ ниҳоясига етказмоқ
 X اسْتَلْطَفَ эркаламоқ
 X اسْتَلْقَى чўзилиб ётмоқ,
 чалқанча ётмоқ
 X اسْتَمَالَ ўзига жалб қилмоқ
 X اسْتَمْتَعَ хузур қилмоқ,
 мазза қилмоқ
 X اسْتَمَدَّ олмоқ
 X اسْتَمَرَّ давом этмоқ

اسْتِنَاجَاتٌ хулосалар
 X اسْتَشَقَّ тўйиб - тўйиб
 нафас олмоқ
 X اسْتَكْرَهَ инкор қилмоқ
 X اسْتَكْفَهَ бегонасирамоқ,
 ётсирамоқ
 X اسْتَوْرَدَ четдан товар олмоқ,
 импорт қилмоқ
 X اسْتَيْقَطَ уйғонмоқ
 اسْطَوَانَةٌ пластинка
 الإسْكَندَرُ ذُو الْقَرْنَيْنِ Искандар
 Зулқарнайн
 IX اسْوَدَّ қораймоқ
 VIII اسْتَهْرَ машҳур бўлмоқ
 IX اصْفَرَّ сарғаймоқ
 IV اصْطَرَابٌ АСАБ чалкашлик
 пайдо бўлмоқ
 اصْطَرَابٌ чалкашлик
 VIII اصْطَرَبَ التَّنِضُّ томир ури-
 ши тезлашмоқ
 IV اَضْمَرَ сир тутмоқ,
 яширмоқ
 اِعَادَةٌ қайтариш
 اِعَادَةُ الْبِنَاءِ қайта тиклаш
 IV اَغْرَبَ ифодаламоқ (عَنْ)

IX اغوج эгилмок, букилмок

XII اغرزق тўлиб тошмок,

ғилч бўлмок

اغنية кўп. اغان кўшиқ, ашула

VIII اقترح (бирор фикрни)

таклиф қилмок

اللبوم альбом

IV الحق етиб олмок

VIII اتية ўзига келмок, хушига

келмок, эйтибор бермок

باتيفون патефон

بدن кўп. ابدان тана

برقالي тўқсарик

بريد почта

بشرة тери, эт

ابطال кўп. ابطال қахрамон

I بلغ (y) بلوغ етиб бормок,

етиб келмок

بنفسجي бинафшаранг

بنو امية умавийлар

بنو العباس аббосийлар

I تاء (u) تية серрайиб қолмок,

боши қотмок

ترميم ремонт

V تصبب оқмок, оқиб тушмок

V تطلم шикоят қилмок

V تطور ривожланмок

V تعلم ўрганмок, билмок

تعليق изох, шарҳ

V تعود одатланмок

تعليدي анъанавий, традицион

V توجع оғрик тортмок,

азобланмок

ثانية кўп. ثوان секунд

ثارية кўп. جوار чўри

جمرة чўғ

جمعية жамият

جمعية الآثار الروسية рус археоло-

гик жамияти

I خاز (u) خيرة лол қолмок

حاسم хал қилувчи

I حجز (u) حجز олдиндан

банд қилмок

I حرم маҳрум бўлмок

حشد тўда, оломон

حضان кўп. احضان кучоқ; استقبال

حضان кучоқ очиб кутиб

олмок

خَجَلٌ хижолатлик
 دَرَاِسَاتٌ شَرْقِيَّةٌ шарқшунослик
 I دَفَعَ (a) دَفَعَ тўламок
 I دَفَعَ الْحِسَابَ ҳисоб-китоб
 қилмок
 دَلِيلٌ كُنْ. اَدَلَّةٌ гувоҳ, далил
 رَأْسُ السَّنَةِ الْجَدِيدَةِ янги йил
 رَاهِنٌ ҳозирги, ҳозирда
 мавжуд бўлган
 رَانِعٌ ажойиб, зўр
 II رَتَّبَ йўлга қўймок, ишга
 туширмак
 رَسْمٌ كُنْ. رُسُومٌ бож, солиқ
 رَفِيقَةٌ дугона, ҳамроҳ
 رُوحٌ كُنْ. اَرْوَاحٌ рух, жон
 I رَوَى (u) رَوَايَةٌ ҳикоя қилмок,
 айтиб бермок
 رُخْرَفٌ كُنْ. رُخْرَافٌ безак, нақш
 زَنْجٌ كُنْ. زَنْجُوْجٌ зинжий, негр
 II زَوَّدَ таъминламок
 I سَخِرَ (a) سَخِرِيٌّ масхара
 қилмок
 سَكَرَانٌ كُنْ. سَكَارَى маст, кайфи
 тарақ
 سَكُونٌ сукунат, жимлик

سَلْطَنَةٌ салтанат
 شَى ҳар хил, турли
 شِدَّةٌ кучлилик, шиддат
 شَرْطٌ шарт; ~...шарти
 билан
 شَرْطَةٌ عَسْكَرِيَّةٌ ҳарбий полиция
 شَرْطَةٌ مَدَنِيَّةٌ граждандан (ноҳарбий)
 полицияси
 صَرَحَ كُنْ. صُرُوحٌ катта уй, қаср
 I صَفَقَ (u) صَفَقَ қарсиллатиб
 ёпмок
 صِنْفٌ كُنْ. اَصْنَافٌ тур, хил, шакл
 ضَمْنٌ ичида, таркибида
 طَبٌّ شَرْعِيٌّ суд медицинаси
 عَبْدٌ كُنْ. عَبِيدٌ қул, банда
 عَرَقٌ тер, томчи тер
 II عَزَزَ кучайтирмак, куч
 бағишламок
 عُمْدَةٌ қишлоқ оксоқоли
 عُمْلَةٌ كُنْ. عُمْلَاتٌ валюта
 غَبَاوَةٌ тентаклик, аҳмоқлик
 فَاتِحٌ босқинчи
 فَارَسٌ كُنْ. فَرَسَانٌ отлик, чавандоз
 فَعَجْرٌ эрта тонг

فِرَاشٌ тўшак

I فَرَحٌ (a) хурсанд бўлмок

فَنَاءٌ сахн, очиклик жой

فَالَكِيٌّ астроном

فَوَادٌ кўп. أَفْنَدَةٌ қалб, юрак

فَاسٌ мн. فَاسِيَةٌ ёвуз, шафкатсиз

فَوَائِدٌ кўп. قَوَائِنٌ қонун

III قَاوِمٌ қаршилиқ кўрсатмок

قَبْضَةٌ кўп. قَبْضَاتٌ мушт

قَدَى кўп. أَقْدِيَّةٌ гард

I قَرَنٌ (u) бириктирмок,

биргалиқда амалга оширмок

قَرَحٌ ёки قَوْسٌ ~ камалақ

قَشْدَةٌ қаймок

قَطْرَةٌ кўп. قَطْرَاتٌ томчи

I قَطْفٌ (u) قُطُوفٌ узмок, термок

(мас. гулни)

كِمَانٌ гижжак

كِيْمَاوِيٌّ химиявий

I لَفْتٌ (u) لَفْتٌ (диққатни)

жалб қилмок

I لَفْظٌ (u) لَفْظٌ туфлаб ташламок,

оғиздан чиқариб ташламок

I لَوِيٌّ (u) لَوِيٌّ бурмок, эгмок

مَبْعُوثٌ вакил

II مَثَلٌ вакил бўлмок

مَحْكَمَةٌ кўп. مَحَاكِمٌ суд

مَرْجِعٌ кўп. مَرَاجِعٌ кўлланма

مَرْصَدٌ кўп. مَرَاصِدٌ расадхона

مُعَاوِيَةُ بْنُ أَبِي سُفْيَانَ Муовия ибн

Аби Суфён (Суфённинг

ўгли Муовия)

النِّيَانُ مَعْوُجٌ нотўғри шарх-

ланган, шарҳи бузук

مُمْتَلِكَاتٌ бойлик, мулк

مِنْ قَبْلِ олдиндан

مَنْعِيشٌ тетиклантирувчи, кув-

ватбахш

مُهْمَلٌ ишлатилмай ётган,

эски

مِهْنَةٌ ҳунар, касб-ҳунар

مُؤَامَرَةٌ фитна

مُوسِيقَى музика

III نَاجِيٌّ ялинмок, муножот

қилмок

نَائِمٌ кўп. نِيَامٌ ухлоқ, ухлаётган

نَبْضٌ томир уриши, пульс

نَدَاءٌ мурожаат

نَرْجِسٌ нарғис

I نَشَرَ (y) нашр этмок
 نَصْرَةٌ кўркамлик, латофат
 نِكْرَانْ инкор қилиш
 نَيْلِي кўк, нилий
 هَاوِيَةٌ чуқурлик, тубсизлик
 I هَبَّ (y) ўрнидан
 кўзгалмок

I هَبَّ وَاقْفَا сапчиб ўрнидан
 турмок
 II هَمَّ буткул вайрон
 қилмок
 I هَمِدَ (y) бўшашмок,
 ҳолсизланмок
 وَغُورَةٌ паст-баландлик
 يَا خَسَارَةً афсуски...

§ 134. IX БОБ ФЕЪЛИ

Солим феълларнинг IX боби ўтган замонда **أَفْعَلُ** вазнига эга бўлиб, у қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	أَفْعَلُ	أَفْعَلَا	أَفْعَلُوا
	МН	أَفْعَلْتُمْ	أَفْعَلْتُمْ	أَفْعَلْتُمْ
II	МЗ	أَفْعَلْتِ	أَفْعَلْتُمَا	أَفْعَلْتُمْ
	МН	أَفْعَلْتُمْ	أَفْعَلْتُمْ	أَفْعَلْتُمْ
I	МЗ	أَفْعَلْتِ		أَفْعَلْتُمْ
	МН	أَفْعَلْتُمْ		أَفْعَلْتُمْ

Масалан:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	أَحْمَرٌ	أَحْمَرَا	أَحْمَرُوا
	МН	أَحْمَرْت	أَحْمَرْتَا	أَحْمَرْتُمْ
II	МЗ	أَحْمَرْت	أَحْمَرْتُمَا	أَحْمَرْتُمْ
	МН	أَحْمَرْت	أَحْمَرْتُمَا	أَحْمَرْتُمْ
I	МЗ	أَحْمَرْت		أَحْمَرْتَا
	МН			

أَحْمَرْتِ أَلْيَوْمَ مِنْ قَلَّةِ التَّوَمِ - Уйқунинг камлигидан кўзлар кизарди.

Эслатма. IX боб феълидан мажхул нисбат шакли ҳамда мажхул нисбат сифатдошлари ҳосил бўлмайди.

IX боб феълининг ҳозирги-келаси замони вазни **يَفْعَلُ** дир. У шахс-сонда қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَفْعَلُ	يَفْعَلَانِ	يَفْعَلُونَ
	МН	تَفْعَلُ	تَفْعَلَانِ	يَفْعَلُنَّ
II	МЗ	تَفْعَلُ	تَفْعَلَانِ	تَفْعَلُونَ
	МН	تَفْعَلَيْنِ	تَفْعَلَانِ	تَفْعَلُنَّ
I	МЗ	أَفْعَلُ		تَفْعَلُ
	МН			

IX боб феъли асосан **فَعْلَاءَ** – **أَفْعَلُ** вазнида ҳосил бўлиб, рангни ёки жисмоний хусусиятни билдирувчи сифатлардан шаклланади ва шу сифат билдирган ранг ёки

хусусиятни ўзида мужассам этиш маъносини билдиради. Масалан:

أَخْضَرُ – яшил, зангор → أَخْضَرٌ – яшил рангга кирмоқ,

أَصْفَرُ – сариқ → أَصْفَرٌ – сарғаймоқ.

Ўз-ўзидан маълумки, бу феъллар маъно жиҳатидан ўзлик-мажхул нисбатидадир.

IX боб феъли бошқа бобларга нисбатан анча кам ишлатилади. Унинг иккиланган, ҳамзали ўзакдан ясалган вариантлари ҳозирги араб тилида ишлатилмайди. Заиф ўзаклар ичидан фақат ажваф феъллар гуруҳига мансуб феъллар мавжуд. Бунда ҳам иккинчи ўзак ундош ўрнида келган و ёки ى ҳарфлариға ҳарфи иллат сифатида қаралмайди ва бу феъллар солим феъллардан фарқ қилмайди. Масалан:

أَسْوَدُ – қора → أَسْوَدٌ – қораймоқ,

أَبْيَضُ – оқ → أَبْيَضٌ – оқармоқ.

IX боб феълининг шарт майли уч вариантда ясалади. Масалан: يَحْمَرُ – أَحْمَرٌ феъли

1 - вариант

2 - вариант

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَحْمَرُ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُوا	يَحْمَرُ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُوا
	МН	يَحْمَرُ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرُ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُونَ
II	МЗ	يَحْمَرُ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُوا	يَحْمَرُ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُوا
	МН	يَحْمَرُ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرُ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُونَ
I	МЗ	أَحْمَرُ		يَحْمَرُ	أَحْمَرُ		يَحْمَرُ
	МН						

3 – вариант

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُوا
	МН	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُونَ
II	МЗ	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُوا
	МН	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُونَ
I	МЗ	يَحْمَرُونَ		يَحْمَرُونَ
	МН			

IX боб феълининг буйруқ майли ҳам уч вариантда шаклланади:

1 - вариант

2 – вариант

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُوا	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُوا
МН	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُونَ

3 – вариант

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُوا
МН	يَحْمَرُونَ	يَحْمَرَا	يَحْمَرُونَ

IX боб феълининг истак майли қуйидагича ҳосил бўлади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَفْعَلُ	يَفْعَلَا	يَفْعَلُوا
	МН	تَفْعَلُ	تَفْعَلَا	يَفْعَلْنَ
II	МЗ	تَفْعَلُ	تَفْعَلَا	تَفْعَلُوا
	МН	تَفْعَلِي	تَفْعَلَا	تَفْعَلْنَ
I	МЗ	أَفْعَلُ		تَفْعَلُ
	МН			

IX боб феълининг масдари **أَفْعَلَالٌ** вазнида ҳосил бўлади:

أَحْمَرٌ – қизармоқ → أَحْمِرَارٌ – қизариш,

أَسْوَدٌ – қораймоқ → أَسْوَدَادٌ – қорайиш.

IX боб феълининг аниқ нисбат сифатдоши **مُفْعَلٌ** шаклида ҳосил бўлади:

أَحْمَرٌ – қизармоқ → مُحْمَرَةٌ، مُحْمَرَةٌ – қизарган,

أَبْيَضٌ – оқармоқ → مُبْيَضَةٌ، مُبْيَضَةٌ – оқарган.

Амалий машғулот учун топшириқлар

528-машқ. Қуйидаги сифатлардан IX боб феъли ҳосил қилинг ва маъноларини тушунтиринг:

أَحْمَرٌ - қизил, أَصْغَلٌ - калласи кичик, أَشْهَلٌ - кўккўз, أَحْوَلٌ -

ғилай, أَحَدَبٌ - букри, أَشْمَطٌ - соч-соқоли оқ, أَسْمَرٌ -

буғдойранг, أَجْعَدُ - сочи жингалак, أَغْتَشُ - олти панжали,

أَدْرُدُ - тиши йўқ, أَغْسَرُ - чапақай, أَبْجَرُ - қорни катта.

529-машқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг, ундаги IX боб феъллари ва уларнинг функционал формаларини топинг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) اضطرب نبض الأسيرة وأخذ وجهها يحمر ويصفر. (2) اسود من الخجل وجه ذلك الرجل. (3) رفعت رأسها نحو ازرقاق السماء. (4) احتقن وجهه واحمرت عيناه المربدتان. (5) كان طريق النهر يشبه بشيء لتلك الوعورة وذلك الاعوجاج. (6) نور الشمس به ألوان قزح، قوس قزح: احمرار وبرتقالي وازرقاق ونيلي واصفرار وبنفسجي. (7) كانت عينا سوزان محمرتين كالجمر. (8) البذور عندما تخفي تحت الأرض تصبح سرا في اخضرار صفحة البستان. (9) أصاب الاضطراب قانونهم وأحكامهم بما جاءهم به تلك الصحف المعوجة البيان. (10) أنتم عبيد الغباوة والغباوة هي أشد اسودادا من بشرة الزنوج. (11) أفلا ترى لون وجهي مصفرا كالذهب؟ (12) الوجه المحمر يضم صوت الشكر وأما الوجه المصفر فيضم صوت الصبر والكران. (13) لقد لوى فمه وذكر اسم ذلك الرجل المحترم ساخرا فبقي فمه معوجا.

530-машқ. IX боб феъли масдари, сифатдошларини ишлатган ҳолда қуйидаги гапларни арбчага ўғиринг:

1. Бемор узоқ муддат ётиб қолганидан озиб кетган, юзлари сарғайган эди. 2. Боғдаги ям-яшилликни кўриб, ҳамма чарчокларим тарқалиб кетди. 3. Ўғил-чам мени кўриб, узоқдан чопиб келди, унинг яноқлари чўғ каби қип-қизил тусга кирди. 4. Толиба дарсда ўқитувчининг саволларига жавоб бера олмади ва хижолатлиқдан юзи қорайиб кетди. 5. Қорнинг қалинлигидан ер ҳам, осмон ҳам оппоқ рангга кирди. 6. Биз кеча шахримиздаги Марказий универмагга бордик ва менга қўнғирранг костюм сотиб олдик. 7. Наманган ва унинг атрофида ям-яшил тоғлар ва дам олиш жойлари жуда кўп. 8. Мусаффо кўм-

кўк осмонимизда ҳар доим тинчлик бўлсин. 9. Биз эрта баҳорда дарахтларнинг эгилган шохларини кесиб ташлаймиз. 10. Дехқонларнинг юзи ёзнинг иссиқ шамолида қорайиб кетади.

531-машқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва ибораларини ёдланг:

سليم: أريد أن أعرف رأيك يا كريم.

كريم: في أي موضوع؟

سليم: سيزورني غدا طالب مصري يمر بطشقند في طريقه إلى الصين وسيبقى ليلة

واحدة هنا في طشقند. إلى أين تقترح أن نذهب معه؟

كريم: إلى أحد من المتاحف مثل متحف الفنون أو حديقة الشاعر نوائي ...

سليم: ولكن سيأتي في المساء لا في الصباح ويسافر في فجر اليوم التالي.

كريم: إذن خذه إلى أحد القصور مثل قصر الفنون باسم عليشير نوائي أو قصر

تركستان أو قصر الإستقلال.

سليم: هذه فكرة هائلة! فهو سيسمع الأغاني الأوزبكية والموسيقى الأوزبكية

الحديثة والقديمة.

كريم: وسيري الرقص الشعبي الأوزبكي في تنفيذ أشهر الراقصات وسيعجبه رقص

أوزبكي أصيل.

سليم: هذا اقتراح جميل ولهذا أدعوك إلى مقابلة صديقي والذهاب معنا إلى أحد من

هذه القصور.

كريم: سأذهب معك ولكن بشرط أن تدفع أنت الحساب.

532-ماشқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

Сомий: Дўстим Аҳмад, бу менинг Наманганга биринчи зиёратим. Мен бу шаҳар ҳақида ҳеч

нарсa билмайман. Менга шаҳар ҳақида маълумот берсангиз.

Аҳмад: Сизни Наманганда нималар қизиқтиради, азизим Сомий?

Сомий: Масалан, Наманганда қандай меҳмонхо-налар бор ва уларнинг қайси бири яхши?

Аҳмад: Наманганда «Орзу», «Чорсу», «Наманган», «Фазо» меҳмонхоналари мавжуд. Уларнинг барчаси ҳам яхши. Хоналари чиройли, мебеллар билан жиҳозланган. Ресторан, сартарошхона каби хизмат бўлимлари яхши хизмат қилади.

Сомий: Шаҳарда қандай кўнгил очар жойлар бор?

Аҳмад: Шаҳарда Алишер Навоий номли музикали драма театри, бир неча кинотеатрлар, Бобур ва Машраб номли иккита дам олиш парки доимо очик.

Сомий: Наманганда қандай спорт иншоотлари бор?

Аҳмад: Шаҳарда «Спартак» ўйингоҳи анчадан буён мавжуд эди. Кейинчалик «Ёшлик» ўйингоҳи қурилди. Бундан ташқари бир неча спорт заллари қурилган. Кейинги йилларда теннис корти, «Паҳлавон» ва «Алпомиш» спорт мажмуалари қуриб ишга туширилди. Наманганнинг «Навбахор» футбол командаси республикамизнинг энг кучли командаларидан бири ҳисобланади.

Сомий: Наманганда қандай олий ўқув юртлари мавжуд?

Аҳмад: Наманганда Муҳандислик - педагогика институти, Иқтисодиёт институти ва Наманган университети мавжуд.

Сомий: Наманган ҳақидаги бу кимматли маълумотлар учун миннатдорлик билдираман. Раҳмат.

Аҳмад: Арзимаиди. Шаҳримизга хуш келибсиз. Бу шаҳарда вақтингиз марокли ўтади деган умиддаман.

Сомий: Бу яхши тилакларингиз учун раҳмат. Хайр.

Аҳмад: Хайр. Саломат бўлинг.

§ 135. X БОБ ФЕЪЛИ

Солим феълларнинг X боби I боб феъли олдига **اَسْتَفْعَلُ** қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Унинг ўтган замони вазни **اَسْتَفْعَل** бўлиб, у шахс-сонда қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	اَسْتَفْعَل	اَسْتَفْعَلَا	اَسْتَفْعَلُوا
	МН	اَسْتَفْعَلْت	اَسْتَفْعَلْتَا	اَسْتَفْعَلْتُمْ
II	МЗ	اَسْتَفْعَلْت	اَسْتَفْعَلْتُمَا	اَسْتَفْعَلْتُمْ
	МН	اَسْتَفْعَلْت	اَسْتَفْعَلْتُمَا	اَسْتَفْعَلْتُمْ
I	МЗ	اَسْتَفْعَلْت		اَسْتَفْعَلْنَا
	МН			

Масалан:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	M3	أَسْتُرْجَلَ	أَسْتُرْجَلَا	أَسْتُرْجَلُوا
	MH	أَسْتُرْجَلْتُ	أَسْتُرْجَلْنَا	أَسْتُرْجَلْنَا
II	M3	أَسْتُرْجَلْتُ	أَسْتُرْجَلْتُمَا	أَسْتُرْجَلْتُمْ
	MH	أَسْتُرْجَلْتُ	أَسْتُرْجَلْتُمَا	أَسْتُرْجَلْتُنَّ
I	M3 MH	أَسْتُرْجَلْتُ		أَسْتُرْجَلْنَا

أَسْتُرْجَلَ ابْنِي الْكَبِيرُ فِي هَذِهِ السَّنَةِ - Бу йил катта ўғлим балоғатга етди.

Солиф феълларнинг ўтган замон мажхул нисбати куйидаги вазнга эга: **أَسْتَفْعَلَ**. Мажхул нисбат феъли шахс-сон кўшимчалари аниқ нисбат кўшимчалари билан бир хилдир.

X боб феълининг ҳозирги-келаси замони куйидаги вазнда тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	M3	يَسْتَفْعَلُ	يَسْتَفْعَلَانِ	يَسْتَفْعَلُونَ
	MH	يَسْتَفْعَلُ	يَسْتَفْعَلَانِ	يَسْتَفْعَلُونَ
II	M3	يَسْتَفْعَلُ	يَسْتَفْعَلَانِ	يَسْتَفْعَلُونَ
	MH	يَسْتَفْعَلِينَ	يَسْتَفْعَلَانِ	يَسْتَفْعَلُونَ
I	M3 MH	يَسْتَفْعَلُ		يَسْتَفْعَلُونَ

Масалан:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	<i>يَسْتَفِرُّ</i>	<i>يَسْتَفِرَّانِ</i>	<i>يَسْتَفِرُّونَ</i>
	МН	<i>تَسْتَفِرُّ</i>	<i>تَسْتَفِرَّانِ</i>	<i>يَسْتَفِرُّونَ</i>
II	МЗ	<i>تَسْتَفِرُّ</i>	<i>تَسْتَفِرَّانِ</i>	<i>تَسْتَفِرُّونَ</i>
	МН	<i>تَسْتَفِرُّونَ</i>	<i>تَسْتَفِرَّانِ</i>	<i>تَسْتَفِرُّونَ</i>
I	МЗ	<i>أَسْتَفِرُّ</i>		<i>تَسْتَفِرُّ</i>
	МН			

نَسْتَفِرُّ *اللَّهِ لَيْلًا وَ نَهَارًا* — Биз Оллоҳдан туну кун кечирим сўраймиз.

X боб ҳозирги-келаси замонининг мажхул нисбати *يُسْتَفْعَلُ* вазнида бўлиб, унинг шахс-сон кўшимчалари аниқ нисбат феъли билан бир хилдир. Масалан:

سَوْفَ نُسْتَرْخِصُ *الْأَسْعَارُ* *الْحَالِيَةَ* *بَعْدَ* *شَهْرَيْنِ* — Икки ойдан кейин ҳозирги нарх-наволар арзон ҳисобланиб қолади.

X боб феъли қуйидаги маъноларга эга:

1. I боб феъли ифодалаган иш-ҳаракатни бажаришни илтимос қилиш, қидириш, ўша иш-ҳаракатга етишиш маъноларини билдиради. Масалан:

خَدَمَ — хизмат қилмоқ → *أَسْتَخْدَمُ* — хизматдан фойдаланмоқ,

أَذِنَ — рухсат бермоқ → *أَسْتَأْذِنُ* — рухсат сўрамоқ,

رَحِمَ — раҳм қилмоқ → *أَسْتَرْحِمُ* — раҳм-шафқат сўрамоқ,

خَرَجَ — чиқмоқ → *أَسْتَخْرُجُ* — кавлаб чиқармоқ.

2. I боб феъли ифодалаган иш-ҳаракатни мавжуд деб ҳисоблаш маъносини билдиради. Масалан:

حَسَنٌ – яхши бўлмоқ → استحسنَ – яхши деб ҳисобламоқ,

كَبِيرٌ – катта бўлмоқ → استكبرَ – катта деб ҳисобламоқ.

3. Айрим IV боб феъли ифодалаган иш-ҳаракатнинг ўзлик-мажҳул нисбатини билдиради. Масалан:

أَيْقَطَ – уйғотмоқ → استَيْقَطَ – уйғонмоқ,

أَذَكَرَ – эслатмоқ → استَذَكَرَ – эсга тушмоқ.

4. Айрим отлардан ҳосил бўлади ва шу от билдирган мансабга тайинлаш маъносини билдиради. Масалан:

خَلَفَ – ўринбосар → استَخَلَفَ – ўринбосар этиб тайинланмоқ,

وَزِيرٌ – вазир → استَوَزَّرَ – вазир этиб тайинланмоқ,

خَادِمٌ – хизматкор → استَخَدَمَ – хизматга қабул қилмоқ.

5. Айрим отлардан ҳосил бўлади ва шу от билдирган маънога айланишни билдиради. Масалан:

حَجَرَ – тош → استَحَجَرَ – тошга айланмоқ,

نَسَرَ – бургут → استَنَسَرَ – бургутга айланмоқ.

§ 136. X БОБ НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЎТГАН ЗАМОНИ

I. Иккиланган феълларнинг ўтган замонида шу феълнинг IV, VII, VIII бобларидаги каби товуш ўзгаришлари содир бўлади. Масалан: غَلَّ - استَغَلَّ – фойда кўрмоқ феъли

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	أَسْتَعْلَ	أَسْتَعْلَا	أَسْتَعْلُوا
	МН	أَسْتَعْلَتُنَّ	أَسْتَعْلَتَا	أَسْتَعْلُنَّ
II	МЗ	أَسْتَفْلَتَ	أَسْتَفْلَتَمَا	أَسْتَفْلَتُمْ
	МН	أَسْتَفْلَتْنَ	أَسْتَفْلَتْنَا	أَسْتَفْلَتُنَّ
I	МЗ	أَسْتَفْلَتُ		أَسْتَفْلَتْنَا
	МН			

Бу феълнинг мажхул нисбатида **أَسْتَعْلَ** – **أَسْتَعْلُوا** ўзгариши содир бўлади. Бу феъл шахс-сонда аниқ нисбат билан бир хил кўшимчаларга эга.

II. Ҳамзали феълларнинг ўтган замони ҳамзанинг имлоси билан боғлиқ ўзгаришлар ҳисобга олинмаса, солим феъллардан фарқ қилмайди. Масалан:

أَصْلَ → أَسْأَصَلَ – илдизи билан
суғурмок феъли

شَامَ → أَسْتَشَامَ – ёмонга
йўймок феъли

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	أَسْأَصَلَ	أَسْأَصَلَا	أَسْأَصَلُوا	أَسْتَشَامَ	أَسْتَشَامَا	أَسْتَشَامُوا
	МН	أَسْأَصَلْتُنَّ	أَسْأَصَلْتَا	أَسْأَصَلْتُنَّ	أَسْتَشَامْتِ	أَسْتَشَامَتَا	أَسْتَشَامْتُنَّ
II	МЗ	أَسْأَصَلْتِ	أَسْأَصَلْتَمَا	أَسْأَصَلْتُمْ	أَسْتَشَامْتِ	أَسْتَشَامْتَمَا	أَسْتَشَامْتُمْ
	МН	أَسْأَصَلْتْنَ	أَسْأَصَلْتْنَا	أَسْأَصَلْتُنَّ	أَسْتَشَامْتِ	أَسْتَشَامْتَنَا	أَسْتَشَامْتُنَّ
I	МЗ	أَسْأَصَلْتُ		أَسْأَصَلْنَا	أَسْتَشَامْتُ		أَسْتَشَامْنَا
	МН						

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	استشأ	استشأ	استشؤوا
	МН	استشأت	استشأتا	استشأن
II	МЗ	استشأت	استشأتما	استشأنم
	МН	استشأت	استشأتما	استشأنن
I	МЗ	استشأت		استشأنا
	МН			

Бу феълларнинг мажхул нисбатида ҳам ҳамзанинг имлоси билан боғлиқ ўзгаришларгина содир бўлади, шахс-сон қўшимчалари ўзгармайди:

استشئى → استشأ , استشئيم → استشأ , استشؤا → استشأ

III. Заиф феъллар:

1. Солимсифат феълларнинг ўтган замони солим феъллардан фарқ қилмайди. Масалан:

استوثق → وثق
ишонч ҳосил
қилмоқ феъли

استيسر → يسر
бўлмоқ феъли

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	استوثق	استوثقا	استوثقوا	استيسر	استيسرا	استيسروا
	МН	استوثقت	استوثقتا	استوثقن	استيسرت	استيسرتا	استيسرون
II	МЗ	استوثقت	استوثقتما	استوثقتهم	استيسرت	استيسرتما	استيسرتهم
	МН	استوثقت	استوثقتما	استوثقن	استيسرت	استيسرتما	استيسرتن
I	МЗ	استوثقت		استوثقنا	استيسرت		استيسرونا
	МН						

Бу феъллар мажхул нисбатда $\text{أَسْتَوْتِق} \rightarrow \text{أَسْتَوْتِق} \rightarrow \text{أَسْتَوْتِق}$ шаклида бўлади ва уларнинг шахс-сон кўшимчаси аниқ нисбатники билан бир хилдир.

2. Ажваф феълларнинг ўтган замони айрим шахсларида иккинчи ўзак ундош ўрнидаги чўзик унли қисқаради. Масалан:

(شور) أَسْتَشَارَ – маслаҳат сўрамоқ феъли
 (زيد) أَسْتَزَادَ – кўлайтиришга уринмоқ феъли

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	أَسْتَشَارَ	أَسْتَشَارَا	أَسْتَشَارُوا	أَسْتَزَادَ	أَسْتَزَادَا	أَسْتَزَادُوا
	МН	أَسْتَشَارَتْ	أَسْتَشَارَاتَا	أَسْتَشَرْنَ	أَسْتَزَادَتْ	أَسْتَزَادَاتَا	أَسْتَزَدْنَ
II	МЗ	أَسْتَشَرْتُ	أَسْتَشَرْتُمَا	أَسْتَشَرْتُمْ	أَسْتَزَدْتُ	أَسْتَزَدْتُمَا	أَسْتَزَدْتُمْ
	МН	أَسْتَشَرْتُ	أَسْتَشَرْتُمَا	أَسْتَشَرْتُنَّ	أَسْتَزَدْتُ	أَسْتَزَدْتُمَا	أَسْتَزَدْتُنَّ
I	МЗ МН	أَسْتَشَرْتُ		أَسْتَشَرْنَا	أَسْتَزَدْتُ		أَسْتَزَدْنَا

3. Ноқис феълларнинг ўтган замонида I боб بَكِي феълнинг тусланишидаги ўзгаришлар содир бўлади. Масалан:

(قصر) أَسْتَقَصَى – тадқиқ қилмоқ феъли
 (شفى) أَسْتَشَفَى – даво изламоқ феъли

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	أَسْتَقَصَى	أَسْتَقَصَيَا	أَسْتَقَصَوْا	أَسْتَشَفَى	أَسْتَشَفَيَا	أَسْتَشَفَوْا
	МН	أَسْتَقَصَتْ	أَسْتَقَصَيَاتَا	أَسْتَقَصَيْنَّ	أَسْتَشَفَتْ	أَسْتَشَفَيَاتَا	أَسْتَشَفَيْنَّ
II	МЗ	أَسْتَقَصَيْتُ	أَسْتَقَصَيْتُمَا	أَسْتَقَصَيْتُمْ	أَسْتَشَفَيْتُ	أَسْتَشَفَيْتُمَا	أَسْتَشَفَيْتُمْ
	МН	أَسْتَقَصَيْتُ	أَسْتَقَصَيْتُمَا	أَسْتَقَصَيْتُنَّ	أَسْتَشَفَيْتُ	أَسْتَشَفَيْتُمَا	أَسْتَشَفَيْتُنَّ
I	МЗ МН	أَسْتَقَصَيْتُ		أَسْتَقَصَيْتْنَا	أَسْتَشَفَيْتُ		أَسْتَشَفَيْتْنَا

Бу феъллар мажхул нисбатда I боб *لَقِيَ* - феъли билан бир хил кўшимчага эга бўлади: *أَسْتَقْصَى* → *أَسْتَقْصَى* , *أَسْتَشْفَى* → *أَسْتَشْفَى* . Шахс-сонда ҳам *لَقِيَ* феъли каби тусланади.

§ 137. X БОБ НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОНИ

I. Иккиланган феълларнинг ҳозирги-келаси замонида куйидаги ўзгаришлар содир бўлади:

أَسْتَفْعَلُ → *يَسْتَفْعَلُ* йастағлилу → йастағиллу → *يَسْتَفْعَلُ* .

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	<i>يَسْتَفْعَلُ</i>	<i>يَسْتَفْعَلَانِ</i>	<i>يَسْتَفْعَلُونَ</i>
	МН	<i>يَسْتَفْعَلُونَ</i>	<i>يَسْتَفْعَلُونَ</i>	<i>يَسْتَفْعَلُونَ</i>
II	МЗ	<i>تَسْتَفْعَلُ</i>	<i>تَسْتَفْعَلَانِ</i>	<i>تَسْتَفْعَلُونَ</i>
	МН	<i>تَسْتَفْعَلِينَ</i>	<i>تَسْتَفْعَلَانِ</i>	<i>تَسْتَفْعَلُونَ</i>
I	МЗ	<i>أَسْتَفْعَلُ</i>		<i>أَسْتَفْعَلُ</i>
	МН			

Бу феъл мажхул нисбатда куйидаги шаклда бўлади: *يَسْتَفْعَلُ* → *يُسْتَفْعَلُ* . Шахс-сон кўшимчалари эса, аниқ нисбат билан бир хилдир.

II. Ҳамзали феълларнинг ҳозирги-келаси замони солим феълларникидан фарк қилмайди:

يَسْتَشِيئُ → *أَسْتَشِيئُ* , *يَسْتَشِينُمُ* → *أَسْتَشِينُمُ* , *يَسْتَأْصِلُ* → *أَسْتَأْصِلُ* .

Бу феълларнинг мажхул нисбатида ҳам ҳамза имлосига боғлиқ ўзгаришлар содир бўлади:

يَسْتَشِيئُ → *يَسْتَشِيئُ* ; *يَسْتَشِينُمُ* → *يَسْتَشِينُمُ* ; *يَسْتَأْصِلُ* → *يَسْتَأْصِلُ* .

III. Заиф феъллар:

1. Солимсифат феълларнинг ҳозирги-келаси замони солим феълларникидан фарқ қилмайди. Масалан:

يَسْتَيْسِرُ → أَسْتَيْسِرُ, يَسْتَوْتِقُ → أَسْتَوْتِقُ.

Шунингдек, бу феълларнинг мажхул нисбати ҳам солим феъллар каби тусланади. Масалан:

يُسْتَيْسِرُ → يُسْتَوْتِقُ, يُسْتَيْسِرُ → يُسْتَوْتِقُ.

2. Ажваф феълларнинг ҳозирги-келаси замонида иккинчи ўзак ундош ўрнидаги чўзиқ унли чўзиқлигича қолади. Фақат II ва III шахс муаннас кўплигида чўзиқ унли қисқага ўзгаради. Масалан:

أَسْتَشَارَ → يَسْتَشِيرُ – феъли

أَسْتَزَادَ → يَسْتَزِيدُ – феъли

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَسْتَشِيرُ	يَسْتَشِيرَانِ	يَسْتَشِيرُونَ	يَسْتَزِيدُ	يَسْتَزِيدَانِ	يَسْتَزِيدُونَ
	МН	تَسْتَشِيرُ	تَسْتَشِيرَانِ	يَسْتَشِرُونَ	تَسْتَزِيدُ	تَسْتَزِيدَانِ	يَسْتَزِيدُونَ
II	МЗ	تَسْتَشِيرُ	تَسْتَشِيرَانِ	تَسْتَشِيرُونَ	تَسْتَزِيدُ	تَسْتَزِيدَانِ	تَسْتَزِيدُونَ
	МН	تَسْتَشِيرِينَ	تَسْتَشِيرَانِ	تَسْتَشِرُونَ	تَسْتَزِيدِينَ	تَسْتَزِيدَانِ	تَسْتَزِيدُونَ
I	МЗ	أَسْتَشِيرُ		أَسْتَشِيرُ	أَسْتَزِيدُ		أَسْتَزِيدُ
	МН						

Бу феълларнинг мажхул нисбати қуйидагича яасалади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يُسْتَشَارُ	يُسْتَشَارَانِ	يُسْتَشَارُونَ	يُسْتَزَادُ	يُسْتَزَادَانِ	يُسْتَزَادُونَ
	МН	تُسْتَشَارُ	تُسْتَشَارَانِ	يُسْتَشِرُونَ	تُسْتَزَادُ	تُسْتَزَادَانِ	يُسْتَزَادُونَ
II	МЗ	تُسْتَشَارُ	تُسْتَشَارَانِ	تُسْتَشَارُونَ	تُسْتَزَادُ	تُسْتَزَادَانِ	تُسْتَزَادُونَ
	МН	تُسْتَشَارِينَ	تُسْتَشَارَانِ	تُسْتَشِرُونَ	تُسْتَزَادِينَ	تُسْتَزَادَانِ	تُسْتَزَادُونَ
I	МЗ	أَسْتَشَارُ		أَسْتَشَارُ	أَسْتَزَادُ		أَسْتَزَادُ
	МН						

3. Ноқис феълларнинг ҳозирги-келаси замонида I боб *يَكِي* – *يَكِي* феълида содир бўладиган товуш ўзгаришлари содир бўлади. Масалан:

يَسْتَشْفِي → *أَسْتَشْفِي*, *يَسْتَقْصِي* → *أَسْتَقْصِي*.

Бу феълларнинг мажхул нисбатида I боб *يَلْقِي* – *يَلْقِي* феълида содир бўладиган товуш ўзгаришлари содир бўлади. Масалан:

يُسْتَشْفِي → *يَسْتَشْفِي*, *يُسْتَقْصِي* → *يَسْتَقْصِي*.

Амалий машғулот учун топшириқлар

533-машқ. Қуйидаги феъллардан X боб феъли ҳосил қилинг ҳамда уларни ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг:

§ 153. БИР МАРТАЛИК ҲАРАКАТ НОМИ

Иш-ҳаракатнинг бир марта содир бўлганлигини билдирувчи сўз бир марталик ҳаракат номи дейилади. Бир марталик ҳаракат номи масдар охирига **ё** ҳарфини қўйиш билан ҳосил бўлади. Масалан:

ضَرْبٌ – урмоқ → масдари ضَرْبٌ – уриш, ضَرْبَةٌ – бир марта уриш.

ضَحْكٌ – кулмоқ → масдари ضَحِكٌ – кулиш, ضَحْكَةٌ – бир мартаба кулиш.

Бир марталик ҳаракат номи бошқа отлар каби иккилик ва кўплик сонларга эга: ضَحْكَةٌ – бир мартаба кулиш, ضَحْكَتَانِ – икки мартаба кулиш, ضَحْكَاتٌ – кўп мартаба кулишлар.

Кўпинча ة билан тугаган масдарлардан бир марталик ҳаракат номи шу масдардан кейин «وَاحِدَةٌ» – бир, битта» мослашган аниқловчисини келтириш билан ҳосил қилинади. Масалан: نَجَا (y) – нажот топмоқ → масдари نَجَاةٌ – нажот топиш, نَجَاةٌ وَاحِدَةٌ – бир марта нажот топиш.

§ 154. ЧЕКЛОВ

Бу грамматик категория араб тилига хос бўлиб, бошқа тилларда учрамайди.

Гапда чеклов бўлиб келган сўз гапнинг кесими ифодалаган маънонинг объектини янада конкретлаштириб, аниқлаб, чегаралаб келади. Чеклов одатда гапнинг эгаси ва кесимидан кейин ёки гапнинг сўнгида ноаниқ ҳолатда тушум келишигида келади. Бунда гапнинг кесими от кесим ҳам, феъл кесим ҳам бўлиб келиши мумкин. Чеклов гапнинг на эгаси, на кесими билан жинсда, сонда мослашмайди. Масалан:

مَحْمُودٌ حَسَنٌ وَجْهًا – Маҳмуд гўзал юзlidir. (сўзма-сўз: Маҳмуд юз жиҳатидан яхшидир).

مَحْمُودٌ حَسَنٌ خُلُقًا – Маҳмуд гўзал хулқлидир. (сўзма-сўз:

Маҳмуд хулқ жиҳатидан яхшидир).

مَحْمُودٌ حَسَنٌ نَسَبًا – Маҳмуд гўзал насаблидир. (сўзма-сўз:

Маҳмуд насаб жиҳатидан яхшидир).

Чеклов кўпинча гапнинг кесими қиёсий ёки орттирма даражадаги сифатдан иборат бўлганида ишлатилади. Масалан:

هُوَ أَصْفَرُ مِنِّي سِنًا – У мендан ёшроқ. (сўзма-сўз: у мендан ёш жиҳатидан кичик).

هُوَ أَصْفَرُ مِنِّي قَامَةً – У мендан пастроқ. (сўзма-сўз: у мендан бўй жиҳатидан кичик).

هُوَ أَصْفَرُ مِنِّي عَقْلًا – У мендан ақлсизроқ. (сўзма-сўз: у мендан ақл жиҳатидан кичик).

Амалий машғулот учун топшириқлар

604–машқ. Қуйидаги феъллардан бир марталик ҳаракат номи ҳосил қилинг:

- | | | | | | |
|----------------|------------|-------------|---------------|--------------|-----------------|
| 1) نَظَاهَرَهُ | 2) نَهَضَ | 3) أَلَارَ | 4) اسْتَقَالَ | 5) انْتَسَمَ | 6) اَطْلَقَ |
| 7) فَسَمَ | 8) فَرَعَ | 9) نَفَخَ | 10) حَفَلَ | 11) أَرَاقَ | 12) اسْتَفْهَمَ |
| 13) اَنْعَمَ | 14) أَكَلَ | 15) أَلَامَ | 16) نَظَرَ | | |

605–машқ. Қуйидаги гаплар ичидан бир марталик ҳаракат номларини ва чекловларни топинг ҳамда гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) الإنسان الحقيقي أكثر الناس حبا لوطنه وأطيهما قلبا. (2) يجب علي كل ساكن في الريف أن يبدل من عرقه حتى تكون أرضه أكثر خضرة وأغنى إنتاجا. (3) إن أذكاء الناس

أحسنهم أخلاقا. 4) أيام الشباب أعظم نصارة من أيام الشيخوخة. 5) كيف كانت تبدو هذه القرية الفقراء لزاريتها إذا لم يكن فيها هذا الراعي الطيب فإنه يملأ سماءها أنعاما. 6) أصبحت دور بلدنا تمتلي نشاطا واحتفالا بمناسبة عيد استقلالنا. 7) طمأنتني أختي بإيماءة خفيفة وخرجت من حجرتي بسرعة. 8) ازدادت الدنيا ضيقا في عيني زينب وخصوصا عندما دخل أبوها حجرتها. 9) إن أشد الأيام سرورا يصير أعظمها أسي وأسفا. 10) لما عاد الحسين وجد أخته علي أحسن حال فسرّ لذلك وقال مخاطبا إياها: - أ رأيت، إن أمي أحسن علاجاً للمرضي مني. 11) أتمني أن تبقى حياتي دمعة وابتسامة فالدمعة تطهر قلبي وتفهمني أسرار الحياة و غوامضها والابتسامة تدنيني من أبناء مجدي وتكون رمزا لسعادتي. 12) أريد أن أموت شوقا ولا أريد أن أحيأ مللا. 13) النظر إلى المدينة الجلاسة كالكلبي تحت أطباق الثلوج يدمي قلبي... اسقى السراج زيتا يا رفيقة عمري. 14) الموسيقى في الحفلة تملأ الجو أخانا مفرحة. 15) الأثير يحمل كل ابتسامة وكل تنهدة وهما تصعدان من أعماق قلوبنا. 16) - أهذا هو الإنسان؟ فأجابت بـ... كينة جارحة: هذه طريق النفس المفروشة شوكا وقطربا. 17) اقرب الغني من المستعطي وقبله قبله المحبة والمساواة وملأ يده ذهابا. 18) اتركني أرشف الدمع شرابا وأنشق الحزن نسيما وأذهب إلى الغرب. 19) التفت نحو الأزهار فرأيتها تذرف من عيونها قطرات الندى دمعاً. 20) من وراء جدران إلحاضر علي مسرح الأجيال الآتية رأيت الجمال عريسا والنفس عروسا والحياة كلها ليلة القدر. 21) عشتُ في هذه الدنيا فرأيت العامل عبدا للتاجر والتاجر عبدا للجندي والجندي عبدا للحاكم والحاكم عبدا للملك. 22) كانت الأيام أخف وطأة علي صدري والليالي أقل سوادا أمام عيني.

§ 155. ҚУРОЛ ОТЛАРИ

Иш-ҳаракатни амалга ошириш воситасини билдирувчи отлар қурол отлари дейилади. Қурол отлари кўпинча I бобдаги ўтимли феъллардан *مَفْعَلٌ*, *مِفْعَالٌ*, *مَفْعَلَةٌ* вазнларида ҳосил бўлади. Масалан:

بَرَدٌ – эговламоқ → مَيَزُدُ – эгов,

كَسَسَ – супурмоқ → مَكْنَسَةٌ – супурги,

فَتَحَ – очмоқ → مِفْتَاحٌ – очкич.

Кейинги пайтларда араб тилида юқоридаги вазнлардан ташқари *فَعَالَةٌ* вазнида ҳам қурол отлари ҳосил қилинмоқда. Масалан: نَلَّاجَةٌ – музлатгич, دَبَابَةٌ – танк, جَرَّارَةٌ – трактор ва ҳ.з.

Амалий машғулот учун топшириқлар

606-машқ. Қуйидаги феъллардан қурол отлари ҳосил қилинг:

1) فَتَحَ (2) بَرَدَ (3) سَطَرَ (4) كَسَسَ (5) غَرَفَ

607-машқ. Қуйидаги қурол отларининг қайси феълдан шаклланганини аниқланг ва феълнинг маъносидан келиб чиқиб, қандай қурол эканини топинг:

- 1) مَحْفَظَةٌ (2) مَنَسَحَةٌ (3) مَطْرَقَةٌ (4) مِخْرَاطٌ (5) مَنَشَارٌ (6) مَسْوَالٌ
- 7) مَنجَلٌ (8) مَنقَبٌ (9) مَلْعَقَةٌ (10) مَسْمَارٌ (11) مِرَاةٌ (12) مِضْرَبٌ
- 13) مِخْفَرٌ (14) عَسَالَةٌ (15) دَبَابَةٌ (16) مِيزَانٌ (17) مِيزَاةٌ (18) مِيزَارٌ
- 19) نِظَارَةٌ (20) جَرَّارَةٌ (21) نَلَّاجَةٌ (22) مِجْسَسٌ (23) مِخْرَاقٌ (24) مِرْلَاقٌ
- 25) عَبَارَةٌ (26) مِصْفَاةٌ

608-маишқ. Қуйидаги гаплар ичидан қурол отларини топинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) قطعت هذه الصحيفة بالمقراض الكبير. (2) هذا المسار من الحديد. (3) يحدد الفلاحون الخنطة والشعر بالمنجل. (4) تصنع المرأة من زجاجة وفضة. (5) مصنع الثلاجات واقع في مدينة سمرقند. (6) يلبس معظم الشبان في الصيف النظارة السوداء. (7) المطرقة رمز العمل في المصانع أما المنجل فهو رمز العمل في المزارع. (8) أبو هذا الطالب كان مهندسا في مصنع الجمرات الكبير. (9) تسهل المكثسة الكهربائية أشغال ربات البيت المنزلية. (10) تتم تنقية مياه الشرب في المدن الكبيرة بواسطة المصفاة الكهربائية. (11) الأقلام والدفاتر والمساطر من أهم أدوات التلاميذ الدراسية.

ЎИГИРМА ИККИНЧИ МАТН

عليشير نوائي

عليشير نوائي هو الشاعر والعالم الفذ للشعب الأوزبكي وهو أحد من الشخصيات البارزة علي مستوى الأدب العالمي.

ولد الشاعر نوائي في التاسع من شهر فبراير عام ألف وأربعمئة وواحد وأربعين الميلادي في مدينة هرات وتحتفل جمهوريتنا سنويا بيوم ميلاد هذا المفكر العظيم علي أوسع نطاق كعيد ثقافي لشعب أوزبكستان. كان أبوه غياث الدين رجلا ذكيا مثقفا ولذا اهتم اهتماما كبيرا بتعليم ابنه وقديمه فتعلم نوائي القراءة والكتابة وهو في الرابعة من عمره فأحب لإدب كما تعلم أساليب كتابة الخطوط وبرع فيها. قرأ عليشير كثيرا من مؤلفات الشعراء الفرس وتذوقها وبعد مدة قصيرة شرع في كتابة الأشعار.

بعد أن استولي حسين بايقرا زميل عليشير في الدراسة علي الحكم وأصبح ملكا تم تعيين عليشير وزيراً ومستشاراً له وبالرغم من أنه انتسب إلي الطبقات العليا في المجتمع إلا أنه دافع دائما عن مصالح الشعب ودعا الناس في مؤلفاته إلي العدالة والفضيلة والأخلاق

الحميدة وشهر بالظلم والتعذيب وبذلك فقد اكتسب سمعة عظيمة بين البسطاء وعامة الشعب.

في ذلك الوقت الذي عاش فيه نوائي كانت تُعتبر كتابة المؤلفات باللغة التركية عيبا كبيرا ولكن جهود نوائي ومحبة الناس له سمحتا له بإبراز إمكانيات اللغة التركية الواسعة وأثبت أن اللغة التركية غنية وقوية مثل باقي اللغات الأخرى ولقد كتب نوائي أشعارا جيدة باللغة الفارسية أيضا وهذه الأشعار وُضعت في ديوانه المسمى بـ "ديوان الفاني".

في السنوات الأخيرة من عمره كتب نوائي عدة مجموعات شعرية وعلمية من بينها مؤلفته بعنوان "خمسة" وهي تضم خمس روايات شعرية وديوانه المسمى بـ "خزائن المعاني" وبذلك أضاف مساهمة كبرى في كنز الأدب العالمي وكذلك كتب في هذه الفترة مؤلفته العلمية المكرسة لمقارنة اللغتين التركية والفارسية وتُسمى مؤلفته هذه بـ "محاكمة اللغتين" وهذه المؤلفة لها أهمية بالغة في دراسة تاريخ اللغة الأوزبكية.

وتوفي الشاعر نوائي في مدينة هرات في الثالث من يناير عام ألف وخمس مائة وواحد بعد أن ترك لنا حوالي أربعين مؤلفة أدبية وعلمية وأخلاقية.

609-ماشқ. Ўйғирма иккинчи матнни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг, сўзларини ёдланг ва ўзбекчага ўғиринг.

610-ماشқ. Ўйғирма иккинчи матн асосида қўйидаги саволларга ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) من هو عليشير نوائي؟ (2) متى وأين ولد نوائي؟ (3) ما اسم أبي نوائي؟ (5) متى تعلم عليشير القراءة والكتابة؟ (6) من هو حسين بايقرا؟ (7) عن مصالح من دافع نوائي كوزير و مستشار الدولة؟ (8) إلى أي شيء دعا الشاعر الناس في مؤلفاته؟ (9) ماذا أثبت نوائي طوال عمره؟ (10) هل كتب الشعراء الآخرون أشعارهم في ذلك الحين باللغة التركية؟ (11) هل لعليشير نوائي أشعار باللغة الفارسية أيضا؟ (12) ماذا كتب شاعرنا

العظيم في السنوات الأخيرة من عمره؟ 13) عن أي شيء بحث نوائي في مؤلفته " محاكمة اللغتين"؟ 14) متى توفي شاعرنا العبقري؟ 15) لماذا نحتفل سنويا بيوم ميلاده كعيد قومي؟

611-ماشқ. Йигирма иккинчи матндан ёрдамчи феълларни ажратиб олинг, уларнинг вазифасини аниқланг.

612-ماشқ. Йигирма иккинчи матндан мутлақ инкорни, изоҳловчиларни, чекловни ва қурол отларини топинг.

613-ماشқ. Йигирма иккинчи матн сўзларидан фойдаланиб, ўзбек мумтоз шоирларидан бирининг ҳаёти ҳақида иншо ёзинг.

614-ماشқ. Қуйидаги ибораларни ўрганг ва улар иштирокида гап тузинг.

أحد الشخصيات البارزة، على مستوى الأدب العالمي، بالرغم من ...، في السنوات الأخيرة، مؤلفات أدبية وعلمية وأخلاقية، مصنع التلاجات، معظم الشبان، مكنسة كهربائية، تنقية مياه الشرب، أيام الشباب، في الأسبوع الماضي، الأماكن التاريخية، أشجار النخيل العالية، استقبال حار، صدى الصوت، فكرة جميلة، أفراد العائلة، انتصف النهار، بصورة عفوية، قصص نجيب محفوظ، شعاع الفجر، ضحية بريئة، بريق الذعر والألم، في قديم الزمان، لغتنا العربية، علي متن الطائرة، شوارع طشقند، مصنع السيارات الحديثة بأسكده، موضوع لا قيمة له، خفايا الإنسان، عروس الأحلام.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ ИБОРАЛАР

ابن عشرين йигирма ёшли
 йигит
 أحمد شوقي Аҳмад Шавқий
 (*Миср шоири*)
 أم كلثوم Умм Кулсум (*Миср*
хонандаси)
 إنكلترا Англия
 التُّكْمَلُ тўлалигича
 البردة «Бурда» қасидаси,
 қасидайи Бурда (*найгам-*
баримизга бағишланган)
 بطرسبرج Петербург
 بقيادة ... бошчилигида
 جامعة عدن Адан университети
 جبل روينزوري Ройензор тоғи
 جبل كليمانجارو Килиманжаро
 тоғи
 جبل مونت كينيا Монт Кения тоғи
 جملة اسمية от кесимли гап
 جملة فعلية феъл кесимли гап
 جمهورية اليمن الديمقراطية الشعبية
 Яман Халқ Демократик
 Республикаси

I حَفِظَ عَنْ ظَهْرِ الْقَلْبِ ёд олмоқ,
 ёдламоқ
 دجلة Тигр (*дарё*)
 رأس الرجاء الصالح Яхши Умид
 бурни (*Африкада*)
 روسيا الاتحادية Россия Федера-
 цияси
 رياض السنباطي Риёз ас-Сунбо-
 тий (*Миср бастакори*)
 السافانا Саванна
 شهادة السائقين ҳайдовчи гувоҳ-
 номаси
 صلى الله عليه وسلم у Зотга Аллоҳ-
 нинг салавати ва саломи
 бўлсин! (*найгамбаримизнинг*
исмларига қўшиб айтилади-
ган ибора)
 طبقاً ... га асосланиб
 على مبعدة من ... дан узоқда
 على مدى أيام فصل الصيف ёз фасли
 давомида, ёз бўйи
 الفرات Евфрат (*дарё*)
 قاموس المنجد «Ал-Мунжид»
 луғати

قناة السويس Сувайш канали

قهوة قذقد қадқад қаҳваси

(Жазоирдаги қаҳва турларидан бири)

قهوة موز муз қаҳваси (Жазоирдаги қаҳва турларидан бири)

كalahari كалахари (тоғ)

كلية دار العلوم Дору-л-улум

факультети (Қоҳира университетиди)

لقب أدبي адабий тахаллус

المجلس الأعلى Олий Мажлис

المحيط الأطلنطي Атлантика

океани

المحيط الهندي Ҳинд океани

مرعى استوائي тропик ўсимлик

مسقط ماني шовва, шаршара

مقياس النيل ниломер, Нил

дарёси сувини ўлчайдиган қурилма

ميهايرتز мегагерц

نهر الكونغو Конго дарёси

نهر النيجر Нигерия дарёси

§ 156. СОН

Араб тилида ҳам сонлар санок ва тартиб сонларга бўлинади. Санок сонлар ҳам, тартиб сонлар ҳам куйидаги сўзлар асосида ясалади:

Соңлар

бир

икки

уч

тўрт

беш

олти

етти

Мз

واحد، أحد

اثنان

ثلاث

أربع

خمس

ست

سبع

Мн

واحدة، إحدى

اثنان

ثلاثة

أربعة

خمسة

ستة

سبعة

саккиз	ثَمَان	ثَمَانِيَّة
тўккиз	تِسْع	تِسْعَةٌ
ўн	عَشْرًا (عَشْر)	عَشْرَةٌ (عَشْرَة)
йигирма	عِشْرُونَ	عِشْرُونَ
ўттиз	ثَلَاثُونَ	ثَلَاثُونَ
қирқ	أَرْبَعُونَ	أَرْبَعُونَ
эллик	خَمْسُونَ	خَمْسُونَ
олтмиш	سِتُونَ	سِتُونَ
етмиш	سَبْعُونَ	سَبْعُونَ
саксон	ثَمَانُونَ	ثَمَانُونَ
тўқсон	تِسْعُونَ	تِسْعُونَ
юз	مِائَةٌ (مِائَة)	مِائَةٌ (مِائَة)
минг	أَلْف	أَلْف
миллион	مِائِيُونَ	مِائِيُونَ
миллиард	مِليَار	مِليَار

Эслатма. Бу сонлар ичидан إِحْدَى – келишикда турланмайдиган сўз, اثنان - اثنان – иккилик сон каби турландиган сўз, 20 дан 90 гача сонлар музаккар тўғри кўплик каби, қолганлари эса уч келишликли сўзлардир.

أَحَدٌ сўзи гапда «кимдир» гумон олмоши ёки инкор гапларда «ҳеч ким» маъносида ҳам ишлатилади. Масалан:

جَاءَنِي أَحَدٌ – Олдимга кимдир келди.

مَا جَاءَنِي أَحَدٌ – Олдимга ҳеч ким келмади.

Амалий машғулот учун топшириқлар

615-машқ. Сонларни ифодаловчи сўзларни ёд олинг.

616-машқ. Қуйидаги сонларни музаққар ва муаннас жинсда арабча айтинг:

Саксон, минг, миллиард, етмиш, икки, ўн, йигирма, тўқсон, тўрт, юз, саккиз, олти, қирқ, бир, етти, беш, эллик, уч, олтмиш, миллион.

§ 157. 1-10 гача САНОҚ СОНЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

1 ва 2 санок сонини ифодалаш учун сонни ишлатмаслик мумкин, чунки бирлик ва иккилик грамматик категорияси предметнинг битта ёки иккиталигини кўрсатиб туради. Масалан:

كِتَابٌ – китоб ёки битта китоб,

مَجَلَّتَانِ – иккита журнал.

Лекин предметнинг бир ёки иккиталиги таъкидланиши керак бўлса, (وَاحِدَةً) (وَاحِدٌ), ёки اثنان (اثنان) сонлари саналмиш оддан кейин қўйилади ва саналмиш от билан мослашган аниқловчи каби тўрт жиҳатдан мослашади. Масалан:

لِي كِتَابٍ وَاحِدٍ – Менда битта китоб бор.

فِي الْكِتَابِ الْوَاحِدِ حَقِيقَةٌ – Битта китобда ҳақиқат бор.

أَشْتَرَيْتُ كِتَابًا وَاحِدًا – Битта китоб сотиб олдим.

فِي الْمَجَلَّتَيْنِ الْاِثْنَتَيْنِ مَقَالَةٌ – Икки журналда иккита мақола бор.

إِنْ هَاتَيْنِ الْمَجْلَتَيْنِ الْاِثْنَتَيْنِ نَعَجِبَانِي – Чиндан бу иккита журнал менга ёкади.

3 - 10 гача бўлган сонлар саналмиш билан икки усулда бирикади:

1. Сон билан саналмиш от изофа ташкил этади. Бунда сон музоф, саналмиш от музоф илайҳи бўлиб келади. Сон саналмиш от бирлигининг жинсига тескари жинсда келади, саналмиш от эса, ноаниқ ҳолатда кўп-ликда келади. Масалан:

أَرْبَعَةٌ بَيْوتٌ – тўртта уй,

سَبْعُ غُرَفٍ – еттига хона,

عَشْرَةٌ أَيَّامٌ – ўн кун.

8 сони муаннас от билан ишлатилганида, келишикларда قَاصٍ عَالٍ, قَاصٍ سُؤِزِي каби турланади. Масалан:

ثَمَانِي سَاعَاتٍ – 8 соат,

فِي ثَمَانِي سَاعَاتٍ – 8 соатда,

أَتَتَّرْنَا ثَمَانِي سَاعَاتٍ – 8 соат кутдик.

Изофа қондасига мувофиқ гапдаги бажараётган вазифасига қараб, соннинг келишиги ўзгаради ҳолос. Масалан:

فِي أَرْبَعِ غُرَفٍ طُلَّابٌ – Тўртта хонада талабалар бор.

أَشْرَتِ الْجَامِعَةُ سَبْعَةَ بَيْوتٍ – Университет еттига уй сотиб олди,

عَطَلْنَا الشُّبُوحَ عَشْرَةَ أَيَّامٍ - Қишки каникулимиз ўн кун.

Умумий қоидага биноан бундай изофалар **من** предлоги ёрдамида ажратилиши ҳам мумкин. Масалан:

رَأَيْتُ أَرْبَعَةً مِنَ الطُّلَّابِ – Тўрт талабани кўрдим.

3 - 10 гача бўлган маълум сонни билдирган «бир неча» сўзи ҳам (بِضْعَةٌ، بَضْعٌ) саналмиш от билан 3 - 10 гача бўлган сон каби изофа ҳосил қилади. Масалан:

بِضْعَةُ أَيَّامٍ – бир неча кун,

بِضْعُ لَيَالٍ – бир неча тун.

2. Аввал саналмиш от, сўнг сон келади. Бунда ҳам соннинг жинси саналмиш отнинг жинсига тесқари бўлиши шарт. Гапдаги вазифасига қараб икковининг келишиги ўзгариши мумкин. Масалан:

الأَرْكَانُ الْخَمْسَةُ لِلْإِسْلَامِ – Исломнинг беш рукни,

تَعَلَّمْنَا الْأَرْكَانَ الْخَمْسَةَ لِلْإِسْلَامِ – Исломнинг беш рукнини

ўргандик. الصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ – Беш вақт намоз.

Амалий машғулот учун топшириқлар

617-машқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) عائلتنا عبارة عن ثمانية أشخاص. (2) في مجموعتنا سبعة طلاب وتسع طالبات.
- 3) قرأت هذا النص خمس مرات وحفظته عن ظهر قلبي. (4) جاء إلي بيتنا اليوم ثلاث جرائد وأربع مجلات. (5) اشتريت من دكان الصحف مجلة واحدة وجريدتين اثنتين.
- 6) أختي أصغر مني بخمس سنوات. (7) يعمل أبونا في مصنع الطائرات منذ عشر سنوات.
- 8) تدرس أختي الكبيرة اللغتين العربية والفارسية في معهد الاستشراق بطشقند أما أختي الصغيرة فتكون بعد ثلاث سنوات طالبة بجامعة أوزبكستان الأهلية. (9) جرح مالك جرحا بليغا وبقي تحت العلاج ستة أشهر كاملة، منها ثلاثة في بيت العجوز صانغة الفخار.
- 10) أنواع القهوة ثلاثة: قهوة "موز" بها قليل جدا من السكر وقهوة "قدقد" يتساوى فيها مثقالا السكر واللبن وقهوة حلوة. (11) القرية سلمية بين أحضان الجبال وسكانها نيام

ولكن جدي لم تستطع نوما وتقلب عشرين المرات في فراشها. 12) كان الموقد حفرة صغيرة في الأرض بزاوية البيت وإلى جانبه الأثافي الثلاث لا تزال نظيفة.

618-ماشқ. Қуйидаги ибораларни арабчага ўғиринг:

Учта талаба, саккизта дугона, иккита ўқитувчи, тўртта китоб, еттита дарс, тўққизта хона, бешта доска, олтита гап, саккизта дераза, ўнта газета, еттита институт, иккита университет, битта Ватан, уч минут, бешта журнал, олтита қалам, ўнта стол, еттита шаҳар, тўртта чизғич.

619-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Талабалар кеча бу журналдан тўртта мақолани таржима қилдилар. 2. Биз бу қийин дарснинг олтита машқини бажардик. 3. Мен эрталаб икки пиёла қайнатилган сут ичдим. 4. Дўстим бу машқдаги тўққизта гапни уч минутда ўқиб бўлди. 5. Акам Искандария шаҳрида беш кун турган. 6. Бу стол устида еттита арабча ва учта инглизча газета турипти. 7. Ҳар бир талаба университетда бу йилдан бошлаб тўрт йил ўқийди. 8. Гуруҳимизда ҳозир бешта толиб ва саккизта толиба мавжуд. 9. Дўстимнинг квартирасида ҳозир ҳеч ким йўқ. Ҳаммалари ишга ва ўқишга кетишган. 10. – Йўлда бирор кишини учрата олдингизми (мн)? – Йўқ, йўлда мен ҳеч кимни учратмадим. 11. Бу ҳақида мен сизларга икки соатдан кейин айтиб бераман. 12. Беш минутдан кейин дарсларга қўнғироқ чалинади.

620-машқ. Қуйидаги иборалар иштирокида гаплар тузинг:

1) أربع غرف، 2) من ثلاث نوافذ، 3) باب واحد، 4) أريكتان، 5) ستة كتب، 6) ثلاث خرائط، 7) ثمانى دور السينما، 8) عشر مدن صغيرة، 9) خمس قري، 10) سبعة أبحر، 11) تسعة بيوت، 12) أربعة شوارع، 13) ساحتان كبيرتان، 14) أربعة مفاتيح.

621-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча варианты топинг ва улар иштирокида гап тузинг.

Шоҳимардон тоғлари; менинг энг яхши ашулам; узокдан келаётган куй овози; қўшни аёллар; қариндошларимнинг иродаси; машҳур мисрлик ёзувчи; зўр иштиёқ билан; катта ютуқларга эришмоқ; арабларнинг шевалари; Нил дарёси; Тошкент Шарқшунослик институти; эртага худди шу пайтда; ички қонун-қоидалар; Аҳмад Ал-Фарғонийнинг юрти; тарихий обидалар; Наманганнинг олмаси; миллий ҳунармандчилик намуналари; Наманган университети талабалари; ҳамма-нгизга саломлар; ёшлиқ йилларимиз; ёзги каникул; порлоқ ва мунаввар келажак; саноати тараққий этган мамлакат; қора чой; ҳосилдор ер.

§ 158 11 - 19 гача САНОҚ СОНЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

11 - 19 гача бўлган сонлар саналмиш билан қуйидагича муносабатда бўлади:

1. 11 сони саналмиш от билан жинсда тўғри мослашади ва ҳар уч келишиқда ҳам танвинсиз тушум келишигида келади. Саналмиш от эса ноаниқ ҳолатда

бирликда тушум келишигида келади. 1 сони учун أَحَدٌ -
варианти ишлатилади. Масалан:

فِي مَدِينَتِنَا أَحَدَ عَشَرَ مَتْحَفًا – Шаҳримизда 11 та музей бор.

فِي مَدِينَتِنَا إِحْدَى عَشْرَةَ مَكْتَبَةً
бор.

فِي أَحَدَ عَشَرَ مَتْحَفًا – 11 та музейда.

فِي إِحْدَى عَشْرَةَ مَكْتَبَةً – 11 та кутубхонада.

زُرْنَا أَحَدَ عَشَرَ مَتْحَفًا – 11 та музейни зиёрат қилдик.

2. 12 сони ҳам саналмиш от билан шундай муноса-
батда бўлади. Фақат 2 сони أَنَا, أَنْتَ, أَنتِ шаклида, қаратқич ва
тушумда эса أَنِّي, أَنْتِي, أَنْتِي шаклида бўлади. Масалан:

لِجَارِنَا أَنَا عَشْرَ وَاَلدَّ – Қўшнимизнинг 12 та боласи бор.

جَاءَتِ أَنَّنَا عَشْرَةَ طَالِبَةٍ – 12 та толиба келди.

فِي أَنَّنِي عَشْرَ بَيْتًا – 12 та уйда.

فِي أَنَّنِي عَشْرَةَ مَكْتَبَةً – 12 та кутубхонада.

3. 13 - 19 гача бўлган сонлар ҳар доим танвинсиз
тушум келишигида бўлади. Бирлар хонасининг жинси
саналмиш от жинсига тесқари, ўнлар хонасининг жинси
саналмиш от жинси билан бир хил бўлади. Масалан:

سَبْعَةَ عَشَرَ عَامًا – 17 йил,

فِي سَبْعَةَ عَشَرَ عَامًا – 17 йилда,

تِسْعَ عَشْرَةَ مَدِينَةً – 19 та шаҳар,

فِي تِسْعَ عَشْرَةَ مَدِينَةً – 19 та шаҳарда,

أَرْبَعَ عَشْرَةَ طَاوِلَةً – 14 та стол.

§ 159. 20 - 99 гача САНОҚ СОНЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Бу сонларни ишлатишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. 21, 31, 41 ва ҳ.к. 91 даги 1 рақами учун кўпинча *وَاحِدٌ* – *وَاحِدَةٌ* варианты олинади ва у саналмиш от билан жинсда тўғри мослашади. Бирлар хонаси билан ўнлар хонаси *وَ* боғловчиси ёрдамида бирикади ҳамда саналмиш от бирликда ноаниқ ҳолатда тушум келишигида келади. Сонлар эса ҳар уч келишикда уч хил турланади:

وَاحِدٌ وَثَلَاثُونَ مِثْرًا – 31 метр,

وَاحِدَةٌ وَعِشْرُونَ مَجَلَّةً – 21 та журнал,

فِي وَاحِدٍ وَثَلَاثِينَ مِثْرًا – 31 метрда,

قَرَأْتُ وَاحِدَةً وَعِشْرِينَ مَجَلَّةً – 21 та журнални ўқидим,

ثَمَنُ وَاحِدَةٍ وَعِشْرِينَ مَجَلَّةً – 21 та журналнинг нархи.

2. 22, 32, 42 ва ҳ.к. 92 даги 2 рақами учун *اِثْنَانٌ* – *اِثْنَانٌ* сўзлари олинади ва у саналмиш от билан жинсда тўғри мослашади. Бу сонларнинг саналмиш от билан бирикуви 21, 31, 41 кабиларнинг бирикуви билан бир хил бўлади. Масалан:

اِثْنَانٌ وَعِشْرُونَ كِتَابًا – 22 та китоб,

فِي اِثْنَيْنِ وَعِشْرِينَ كِتَابًا – 22 та китобда,

قَرَأْتُ اِثْنَيْنِ وَعِشْرِينَ مَجَلَّةً – 22 та журнални ўқидим,

اِثْنَانٌ وَخَمْسُونَ مَجَلَّةً – 52 та журнал,

فِي اِثْنَيْنِ وَخَمْسِينَ مَجَلَّةً – 52 та журналда,

أَشْتَرَيْتُ اِثْنَيْنِ وَخَمْسِينَ مَجَلَّةً – 52 та журнал сотиб олдим.

3. 23, 33, 43 ва ундан юқори сонларда бирлар хонаси саналмиш от билан жинсда тескари мослашади. Ўнлар хонаси билан ۋ боғловчиси ёрдамида бирикади. Ҳар уч келишиқда турланади. Саналмиш от бирликда ноаниқ ҳолатда тушум келишиғида келади. Масалан:

تِسْعَةٌ وَ أَرْبَعُونَ مِثْرًا – 49 метр,

لِي تِسْعَةٌ وَ أَرْبَعِينَ مِثْرًا – 49 метрда,

سِتُّ وَ ثَمَانُونَ رَيْشَةً – 86 та перо,

أَشْتَرْتُ سِتًّا وَ ثَمَانِينَ رَيْشَةً – 86 та перо сотиб олдим.

4. 20 - 90 гача яхлит сонлар билан келган саналмиш от бирликда тушум келишиғида ноаниқ ҳолатда келади. Гапдаги вазифасига кўра, келишиқларда соннинг ўзи турланади. Масалан:

عِشْرُونَ كِتَابًا – 20 та китоб,

لِي عِشْرِينَ كِتَابًا – 20 китобда,

قَرَأْتُ عِشْرِينَ كِتَابًا – 20 та китоб ўқидим.

Амалий машғулот учун топшириқлар

622-машқ. Қуйидаги рақамларни музаккар ва муаннас жинсда арабча айтинг:

Йигирма беш; ўн олти; тўқсон тўққиз; ўттиз беш; қирқ икки; эллик бир; ўн саккиз; йигирма тўққиз; ўн бир; эллик тўрт; йигирма икки; ўн икки; олтмиш тўққиз; ўттиз олти; ўн уч; саксон саккиз; ўн тўққиз; етмиш икки.

623-машиқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

1) في هذا الكتاب المدرسي ثمانى عشرة حكاية صغيرة. 2) في تلك المدينة ثلاث مكتبات وأربع وستون مدرسة ثانوية ومسرحان وعدة دور السينما. 3) في السنة الماضية قرأنا من هذا الكتاب المدرسي سبعة وأربعين درسا. 4) سأل صديقي المعلم عن أربعة وعشرين سؤالاً. 5) سمعت من أخي الكبير أن أستاذاً كتب في هذه السنة اثنتي عشرة مقالة مهمة في المجلات العلمية المختلفة. 6) عمر والدي الآن اثنان وخمسون سنة. 7) كل يوم في كليتنا أربعة دروس. 8) في كل درس ثمانون دقيقة. 9) توجد في هذا الدرس سبع وأربعون كلمة وخمس عشرة عبارة عربية وأحد عشر تمريناً نحوياً وصرافياً. 10) حصل خمسة وثلاثون تلميذاً علي شهادات السائقين. 11) أقصر شهر السنة هو شباط (فبراير) وفيه ثمانية وعشرون أو تسعة وعشرون يوماً. 12) في هذا الشارع الكبير تسعة وتسعون بيتاً ضخماً. 13) درسنا اليوم في الدرس ثمانى عشرة كلمة عربية جديدة. 14) قرأنا في هذا الكتاب المدرسي خمسة عشر درسا. 15) كان المكان المعين يبعد عن المدينة حوالي خمسة عشر كيلومتراً. 16) لم تكن سن صديقي تتجاوز ثمانياً وعشرين سنة. 17) ابن عشرين رأى بالأمس علي الينبوع صبية جالسة بين الصبايا فأحبها. 18) قد سرتُ خمساً وعشرين مرة حول الشمس ولا أدري كم مرة سار القمر حولي.

624-машиқ. Қуйидаги ибораларни арабчага ўғиринг:

Ўн битта журнал; ўн еттита китоб; йиғирма саккизта ўчирғич; ўттиз иккита чизғич; қирқ тўртта дафтар; элликта портфель; олтмиш тўққизта стул; етмиш тўрт-та стол; саксон саккизта қалам; тўқсон еттита уй; ўн тўртта хона; ўн иккита мақола; ўн бешта дўст; ўн етти-та толиб; ўн олтита бино; эллиқ тўртта эшиқ; олтмиш иккита шаҳар; ўттиз йил; йиғирма

бешта газета; етмиш бешта маъруза; саксон битта ўқувчи киз.

625-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Бугун шаҳримизда ҳаво ҳарорати ўттиз тўққиз даражага кўтарилди. 2. Бу бинода қирқ учта квартира бор. 3. Катта хонадаги ўн иккита стулни, диванни ва ойнани магазиндан кеча сотиб олдик. 4. Дугонам бугун ўттиз иккита янги сўзни ёд олди. 5. Бир кун йигирма тўрт соатдан иборат. 6. Айрим ойлarda ўттиз кун, айримларида эса, ўттиз бир кун бор. 7. Бизнинг ён кўшнимиз ўн икки фарзандни тарбиялаган. 8. Акам кеча фарзандларига бозордан олтмиш тўртта дафтар олиб келди. 9. Дарсликдаги бу матнда ўттиз олтига номаълум сўз бор. 10. Кўп қаватли бу бинода олтмиш тўққизта одам яшайди. 11. Томошабинлар хонанда аёлнинг бу ашуласига тахминан ўн беш минут қарсақ чалдилар. 12. Нефтни қайта ишлаш заводига яна қирқ бешта янги ишчи қабул қилинди. 13. Бизнинг курсимизда ҳозир олтмиш саккизта толиба ўқийди, йил бошида уларнинг сони етмиш тўртга эди. 14. Амир Темур хотирасига бағишланган илмий-назарий конференция университетимизда ўн уч кун давом этди. 15. Араб мамлакатлари радиоэшиттиришларини ўттиз бир ва йигирма беш метрли тўлқинларда ҳар куни эшитишларингиз (мз.) мумкин. 16. Бу машҳур ёзувчининг янги қиссасидан саксон уч бетни тўрт минут ичида ўқиб бўлдим.

626-машқ. Қуйидаги иборалар иштирокида арабча гап тузинг:

Ўттиз олтига газетадан, қирқ бешта ишчи хузурида, эллик иккита ўқувчи болани, олтмиш саккизта толиба,

етмиш еттита журналда, ўттиз еттита ўқитувчи билан бирга, эллик иккита аудитория учун, ўн олтита ойна ёнида, қирк иккита кўприк устида, йигирма олтита мамлакатдан, ўн иккита стол устида, ўттиз саккизта пиёлани.

627-машқ. Қуйидаги суҳбатни ўрғанинг, сўз ва ибораларини ёд олинг:

أولوغيك: إنني أود أن أمتحنك يا نجيب كطالب مجتهد مصري، من هو أحمد شوقي.

نجيب: أحمد شوقي هو شاعر مصري مشهور جدا.

أولوغيك: هل له لقب أدبي؟

نجيب: نعم، له لقب أدبي وهو أمير الشعراء.

أولوغيك: لماذا هو يسمي بهذا اللقب؟

نجيب: لأنه أشهر وأفد شاعر مصري.

أولوغيك: أين ومتى ولد أحمد شوقي؟

نجيب: إنه ولد عام 1868 م في القاهرة.

أولوغيك: وأين تعلم؟

نجيب: تعلم أولا في القاهرة ثم سافر إلى فرنسا وواصل دراسته.

أولوغيك: هل هو زار البلدان الأخرى أيضا؟

نجيب: زار أحمد شوقي إنكلترا والجزائر وإسبانيا.

أولوغيك: ما اسم ديوانه الشعري؟

نجيب: يسمي ديوانه بـ "الشوقيات" ويضم ديوانه هذا معظم أشعاره الشهيرة.

أولوغيك: هل له مسرحيات أيضا؟

نجيب: نعم، له عدة مسرحيات.

أولوغيك: وما اسم قصيدته عن سيدنا محمد صلى الله عليه وسلم؟

نجيب: إنما تسمى "فجح البردة" وهذه القصيدة لا تزال في أفواه المصريين والعرب جميعا لأن سيدة الغناء العربي كوكب الشرق أم كلثوم غنتها في حينها في تلحين الموسيقار العظيم رياض السنباطي.

أولوغبيك: أنت يا نجيب طالب مجتهد ونشيط فعلا، شكرا جزيلًا لإجابتك.

628-машқ. Қўйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

Солим: Айтинг-чи, дўстим Бекпўлат, Абдулла Қодирий ким бўлган?

Бекпўлат: Абдулла Қодирий ҳозирги ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири бўлган.

Солим: У қачон ва қаерда туғилган?

Бекпўлат: У 1894 йилда Тошкентда савдогар оиласида дунёга келган.

Солим: Қодирий қаерларда ўқиган?

Бекпўлат: У аввал эски услубдаги мактабда, сўнг рус мактабида таълим олган.

Солим: Бирор журналга у асос солганми?

Бекпўлат: Ҳа, у «Муштум» сатирик журнали асосчилари ва иштирокчиларидан биридир. Унинг жуда кўп ҳикоя, мақола ва турли хабарлари шу журналда чоп этилган.

Солим: Унинг йирик асарлари ҳам бўлса керак?

Бекпўлат: Албатта. У ўзбек романчилигининг отасидир. 1925 йилда у «Ўтган кунлар» романини ёзган. Унда ўзбек халқининг ўн тўққизинчи асрдаги ҳаёти тасвирланган.

Солим: Бошқа роман ҳам ёзганми?

- Бекпўлат: Ҳа, унинг иккинчи романи «Меҳробдан чаён» деб аталади. Бу романда Худоёрхон замонида Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган воқеалар ҳикоя қилинади.
- Солим: Қишлоқ ҳаётига бағишланган асари ҳам борми?
- Бекпўлат: Ҳа, у қишлоқ ҳаётига оид «Обид кетмон» романини ёзган.
- Солим: Ёзувчи қачон вафот этган?
- Бекпўлат: У 1937 йилда миллатчиликда айбланиб, ўлимга ноҳақ ҳукм этилган ва, афсуски, ҳукм ижро этилган.
- Солим: Қодирий ҳақидаги бу маълумотларингиз учун сизга катта раҳмат, дўстим Бекпўлат.
- Бекпўлат: Арзимаиди. Саломат бўлинг, дўстим Солим.

§ 160. 100 ВА УНДАН ОРТИҚ САНОҚ СОНЛАР

Бу сонларни ишлатишда қуйидагиларни билиш керак:

1. 100, 1000 каби яхлит сонлар саналмиш от билан изофа ҳосил қилади. Музоф илайҳи бўлиб келган саналмиш от ноаниқ ҳолатда бирликда келади. Масалан:

مِئَةَ مَسَاءٍ — юз оқшом,

فِي مِئَةِ مَسَاءٍ — юз оқшомда,

قَضَيْنَا مِئَةَ مَسَاءٍ — юз кечани ўтказдик,

أَلْفُ لَيْلَةٍ — минг кеча,

فِي أَلْفِ لَيْلَةٍ — минг кечада,

قَضَيْتُ أَلْفَ لَيْلَةٍ — минг кечани ўтказдим.

2. 200 ва 2000 каби яхлит сонлар ҳам шу тахлит ясалади. Фақат бу сонларнинг иккилик шакли олинади. Масалан:

- 200 оқшом, – مِئَاتَا مَسَاءٍ
- 200 оқшом, – فِي مِئَاتِي مَسَاءٍ
- 2000 кеча, – أَلْفَا لَيْلَةً
- 2000 кечада ва ҳ.з. – فِي أَلْفِي لَيْلَةً

3. 1000 гача бўлган юзликларда «юз» сўзига саналмиш от сифатида қаралади, лекин у бирликда келади. Саналмиш от билан эса изофа занжири ҳосил қилинади. Масалан:

- 300 , ثَلَاثِمِئَةً ёки ثَلَاثُ مِئَةٍ – 300
- 400 , أَرْبَعِمِئَةً ёки أَرْبَعُ مِئَةٍ – 400
- 500 , خَمْسِمِئَةً ёки خَمْسُ مِئَةٍ – 500
- 600 , سِتِّمِئَةً ёки سِتُّ مِئَةٍ – 600
- 300 га талаба – ثَلَاثِمِئَةَ طَالِبٍ ,
- 300 га талабадан – مِنْ ثَلَاثِمِئَةَ طَالِبٍ ,
- 300 га талабани кўрдим – رَأَيْتُ ثَلَاثِمِئَةَ طَالِبٍ ва ҳ.з.

4. Юзлик сонлар ичида ўнлик ва бирлик сонлар ҳам аралаш бўлса, аввал юзликлар, сўнг бирлик ва охирида ўнлик хонаси ёзилади. Саналмиш от 11 дан 99 гача қандай тарзда бўлса, бунда ҳам шундай тарзда бўлади. Масалан:

- 687 та уй – سِتِّمِئَةً وَ سَبْعَةً وَ ثَمَانُونَ بَيْتًا – 687 та уй
- 687 та уйда – فِي سِتِّمِئَةٍ وَ سَبْعَةٍ وَ ثَمَانِينَ بَيْتًا – 687 та уйда
- 687 та уй кўрдик. – بَيْنَا سِتِّمِئَةً وَ سَبْعَةً وَ ثَمَانِينَ بَيْتًا – 687 та уй кўрдик.

946 та хона – تَسْعَمْنَةَ وَ سِتَّ وَ أَرْبَعُونَ غُرْفَةً

946 та хонада – فِي تَسْعَمْنَةَ وَ سِتَّ وَ أَرْبَعِينَ غُرْفَةً

946 та хонани кўрдик – رَأَيْنَا تَسْعَمْنَةَ وَ سِتًّا وَ أَرْبَعِينَ غُرْفَةً

5. Яхлит сонлардан кейин 1 ёки 2 сони кўшилса, у қуйидагича бўлади:

502 та қалам – أَلْفٌ لَيْلَةٌ وَ لَيْلَةٌ , خَمْسَمِئَةِ قَلَمٍ وَ قَلَمَانِ

6. Агар минглар хонаси ўн минггача бўлса, «минг» сўзига саналмиш от сифатида қаралади ва у олдинги рақам билан изофага киришади. Юзлар хонаси юқорида кўрганимиздек ёзилади. Масалан:

5000 та китоб – خَمْسَةَ آلَافِ كِتَابٍ

5235 та журнал – خَمْسَةَ آلَافٍ وَ مِئَتَانِ وَ خَمْسٌ وَ ثَلَاثُونَ مَجَلَّةً

7. Агар минглар хонаси юзликлардан иборат бўлса (Масалан: 365723), минг сўзига саналмиш от сифатида қаралади ва шу тартибда ёзилади. Масалан:

365723 та китоб – ثَلَاثِمِئَةٌ وَ خَمْسَةٌ وَ سِتُّونَ آلَافًا وَ سَبْعِمِئَةٌ وَ ثَلَاثَةٌ وَ

عِشْرُونَ كِتَابًا

8. Миллион ва миллиард сўзлари иштирок этганида, улар минглардан олдин келади ва уларнинг ёзилиши мингликлар каби бўлади:

7683528 та дафтар – سَبْعَةٌ مِائَتَيْنِ وَ سِتِّمِئَةٌ وَ ثَلَاثَةٌ وَ ثَمَانُونَ آلَافًا وَ

خَمْسَمِئَةٌ وَ ثَمَانِيَةٌ وَ عِشْرُونَ دَفْتَرًا

Амалий машғулот үчүн топшириқлар

629-машқ. Қуйидаги сонларни музаккар ва муаннас жинсда арабча айтинг:

131, 202, 1001, 2003, 3692, 999, 1999, 15732, 20318, 36666, 58002, 67701, 78129, 88888, 90021, 150001, 183246, 1741310, 6823000, 83412548, 651536021, 49532841372.

630-ماشқ. Қуйидаги сонларни сўзлар билан ёзинг:

- 1) 212 جريدة، 2) 346 طاولة، 3) 400 مطعم، 4) 897 طالب،
5) 1000 سنة، 6) 18000 ضابط، 7) 109 دول، 8) 20000 مشترك، 8) 200
مدرس، 10) 4620 كتاب، 11) 2000 دفتر، 12) 200002 قلم،
13) 345789 بطاقة.

631-ماشқ. Қуйидаги гапларда учрайдиган сонларни сўзлар билан ёзинг, гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) في تلك البلدة 3572 بيتا. 2) في هذه القرية الصغيرة 653 نسمة. 3) دخل
جامعة تخمنان في هذه السنة 775 طالبا. 4) بلغ عدد العمال في معمل الغزل والنسيج
2000 عامل و200 عاملة. 5) في السنة 365 يوما. 6) ذهب الطلاب إلى القرية
ليساعدوا الفلاحين في جني القطن وفي هذه الأيام يجني كل من الطلاب أكثر من 200
كيلوغرام من القطن في اليوم. 7) يسكن في جمهورية أوزبكستان حوالي 24000000 من
السكان. 8) القاموس العربي الروسي للبروفيسور بارانوف يحتوي على أكثر من 42000
كلمة أما قاموس المنجد فهو عبارة عن حوالي 90000 كلمة. 9) علماء جامعة تخمنان قد
ألفوا قاموسا عربيا أوزبكيا وتوجد في هذا القاموس الجديد حوالي 50000 كلمة عربية.
10) عاصمة أوزبكستان طشقند كبيرة وواسعة جدا ويدخلها جوا وبرا كل يوم عشرات
آلاف من الضيوف والزوار. 11) تستلم مكتبة جامعتنا العلمية 8458 كتابا سنويا.
12) تحمل سيارة النقل هذه 5500 طن من البضائع. 13) يساوي طول السفينة 103
أمتار أما عرضها فهو 14 مترا. 14) 361000000 كيلومتر مربع من سطح الأرض
عبارة عن الماء وهذا الجزء من الكرة الأرضية يحتوي على 1300000000 كيلومتر مكعب
من الماء. 15) هذه الباخرة الضخمة مزودة بمحركين وقوة كل منهما 1400 حصان.
16) إن مصطفى الثالث سلطان الأتراك كان له 582 ابنا ولم ينجب بنتا واحدة.

18) مساحة المصنع كانت 4055 مترا مربعا في البداية وبعد مرور 3 سنوات أصبحت 92400 متر مربع.

632-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг.

1. Йўлсозлар бир йилда уч минг тўрт юз километр асфальт йўл ётқиздилар. 2. Самолётнинг ўртача вазни тўрт минг беш юз тонна келади. 3. Вилоятимизнинг марказий кутубхонасида ҳозир уч миллион етти юз тўксон беш минг икки юз олтмиш бешта китоб сақланмоқда. 4. Тошкент ҳайвонот боғида уч юз йигирма етти турдаги ҳайвон, бир юз саксон олти турдаги турли қушлар ва бир неча турдаги сув ҳайвонлари мавжуд, яқинда ҳайвонот боғи маъмурияти яна бир юз ўттиз бешта ҳайвонлар ва қушлар сотиб олди. 5. Бир соатда уч минг олти юз секунд бор. 6. Сизлар (мз.) ҳозир араб тилининг кўпгина грамматик қоидаларини ва тахминан олти юз элликта арабча сўз биласизлар. 7. Бухородаги Минорайи калоннинг қурилганига минг йилдан ошди. 8. Бу йил ер юзидаги аҳоли сони олти миллиардга етади. 9. Африка қитъасининг майдони ўттиз миллион уч юз минг квадрат километр дир. 10. Бобом бир юз ўн бир йил яшадилар ва бундан икки йил олдин вафот этдилар. 11. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бундан беш юз эллик саккиз йил илгари Ҳирот шаҳрида туғилган. 12. Фуқаро авиациясига қарашли замонавий самолётлар ҳозир тўққиз минг, ўн минг метр баландликда учади. 13. Тошкент ва Наманган ўртасидаги масофа тахминан уч юз километр дир. 14. Бу йил Республикамиз деҳқонлари тўрт миллион тоннадан ошиқ пахта етиштирмоқчилар, ҳозиргача унинг икки миллион тоннаси йиғиштириб бўлинди. 15. Ҳурматли тингловчилар,

бизнинг эшиттиришларимизни ўттиз бир метр, йигирма беш метр, ўн тўққиз метрдаги қисқа тўлқинларда эшитишингиз мумкин. 16.Сўнгги уч йил ичида пахтани қайта ишлаш заводининг хизматчилари икки юз ўн иккита янги квартирага кўчиб ўтдилар.

633-машқ. Қуйидаги иборалар иштирокида арабча гап тузинг:

Бир юз ўн учта китобдан; уч юз қирқ иккита журнални; уч юз битта янги эшик учун; бир минг ўн саккизта кўк ўчирғич ҳақида; ўн саккиз минг тўққиз юз олтмиш тўртта катак дафтарни деб; йигирма минг қирқ тўртта портфелдан; уч миллион беш юз минг нафар аъзо; икки минг беш юз битта кенг кўчада; етти минг беш юз беш туп олма дарахти устида; саккиз юз саксон тўртта замонавий квартирага; тўрт юз эллик учта эски заводни.

§ 161. КАСР СОНЛАР

Каср сонлар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Махражи ўн ва ундан кичик бўлиб, сурати 1 дан иборат бўлган каср сонлар махражидаги сон ўзагидан **فُعَلٌ** ёки **فُعُلٌ** вазнида ҳосил бўлади. Масалан: $1/3$ – **ثُلُثٌ** ёки **ثُلُثٌ**, $1/9$ – **تِسْعٌ** ёки **تِسْعٌ**.

Эслатма. Махражи 6 дан иборат бўлса, каср сон **سُدُسٌ** ёки **سُدُسٌ** шаклида ҳосил бўлади.

2. Махражи 10 ва ундан кичик бўлиб, сурати 2 дан иборат бўлган каср сонлар махражидаги сон ўзагидан

бош келишикда **فُعْلَان** , қаратқич ва тушум келишигида **فُعْلَانِ** вазнида ҳосил бўлади. Масалан:

2/5 – **خُمْسَان** (**خُمْسَيْنِ**) , 2/7 – **سُبْعَان** (**سُبْعَيْنِ**).

3. Юқоридаги каби сонларнинг сурати 3-9 гача бўлса, сурати билан махражи изофа ҳосил қилади. Бунда сурати музоф бўлиб, муаннаса келади, махражи ноаник ҳолатда **أَفْعَال** вазнида келади. Масалан:

5/9 – **خُمْسَةُ أَسْدَاسٍ** , 8/9 – **ثَمَانِيَةُ أَسَاعٍ** .

4. 1/2 - «ярим» **نِصْف** - сўзи билан ифодаланеди.

5. Сурати ва махражи 10 дан катта бўлса, **جُزْء** сўзи ёрдамида синтактик йўл билан шаклланади. Масалан:

16/19 – **سِتَّةَ عَشَرَ جُزْءًا مِنْ تِسْعَةِ عَشَرَ جُزْءًا** –

أَثْنَانِ وَخُمْسُونَ جُزْءًا مِنْ سَبْعَةٍ وَتِسْعِينَ جُزْءًا –

§ 162. ТАҚСИМ СОН ВА ПРОЦЕНТ

Тақсим сон қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Тушум келишигидаги санок сонни икки марта такрорлаш билан. Масалан:

وَاحِدًا وَوَاحِدَةً (**وَاحِدَةٌ وَوَاحِدَةٌ**) – битта-биттадан,

اِثْنَيْنِ وَاِثْنَيْتَيْنِ (**اِثْنَتَيْنِ وَاِثْنَتَيْنِ**) – иккита-иккитадан.

2. **مَفْعَل** ёки **فُعَال** вазнида:

ثَلَاثَ – учтадан, **مَثَلَتِ** – учтадан,

رُبَاعَ – тўрттадан, **سَبَاعَ** – еттитадан.

Маъно жиҳатидан сонга алоқадор сифатлар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Сон ўзагидан ҳосил қилинган II боб феълининг мажхул нисбат сифатдоши шаклида. Масалан:

مُنْتٌ – уч (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.з.).

مُرْتِعٌ – тўрт (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.з.).

2. Фاعил ёки مَفْعَلٌ вазнидаги сонлардан ئى – ёрдамида ҳосил қилинган нисбий сифат шаклида. Масалан:

رُبَاعٌ → رُبَاعِيٌّ – тўрт (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.з.).

خُمَاسٌ → خُمَاسِيٌّ – беш (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.з.).

مِئْتِيٌّ → مِئْتِيٌّ – икки (бурчакли, томонли, элементли ва ҳ.з.).

Араб тилида процент فى ёки بى предлоғи билан келувчи اَلْمِئَةُ (اَلْمِائَةُ) сўзи ёрдамида ифодаланади. Масалан:

تِسْعَةَ عَشَرَ فِي الْمِائَةِ – 19 фоиз,

اثنان و خمسون بالمائة – 52 фоиз ва ҳ.з.

Амалий машғулот учун топшириқлар

634 – машқ. Қуйидаги каср сонларни сўзлар билан арабча ёзинг:

2/5; 5/6; 8/9; 0,9; 0,8; 20 %; 43 %; 97 %; 7/12; 9/16; 1/27; 3/65; 0,43; 7/16; 18/23; 74/85; 7,8; 15,13; 323,75; 25,7 %; 103,8 %; 25 %; 444,400.

635–машқ. Қуйидаги гаплар ичидан рақамлар билан ифодаланган сонларни сўзлар ёрдамида ёзинг, ҳаракатларини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

1) تبلغ مساحة العراق 4,444 ألف كيلومتر مربع. 2) يتكون الشعب العراقي من أقوام مختلفة: عربية وكردية وفارسية وتركية. فيؤلف العرب 78 % والكرد 17 % والفرس 3,75 % والترك 2.25 %. 3) يبلغ طول نهر الفرات 2350 كيلومترا. أما طول نهر دجلة فيبلغ 1800 كيلومتر. 4) خرجت السفن من الخليج واحدة واحدة وأبحرت في اتجاه الشمال. 5) رقصت الطالبة هذا الرقص ثلاث. 6) يشكل العمال والفلاحون 2/3 نواب المجلس العالي في أوزبكستان. 7) أكثر من 30 % من النواب يعملون في الإنتاج الصناعي والزراعي في الجمهورية. 8) 51,34 % من هيئة تدريس جامعتنا نساء. 9) فقد تكاثر الإنتاج العام خلال السنتين الأخيرتين 6,11 % مقابل 4,9 % المحددة في الخطة. 10) أما الدخل الوطني فتكاثر 14,5 % مقابل 7,8 % المقررة بالخطة. 11) جاء المندوبون خمس ومحتمس وعادوا سداس ومسلس. 12) الاسم ثنائي وثلاثي ورباعي وخماسي أما الفعل فهو ثلاثي ورباعي فقط. 13) أيها المستمعون الكرام يمكنكم أن تستمعوا إلى برانجنا على ذبذبتين قدرهما 12,8 ميهايرتز و 18,5 ميهايرتز يوميا. 14) مساحة محافظة أندجان 4,3 آلاف كيلومتر مربع. وهي إحدى من محافظات متطورة في أوزبكستان. 15) 457,3 ألف هيكتار من أرض أندجان صالحة للزراعة.

636-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг.

1. Америка Қўшма Штатлари Шимолий Америка китъасига жойлашган давлатдир, унинг майдони тўққиз миллион уч юз олтмиш тўрт минг квадрат километрни ташкил этади. 2. Карима юз метрлик масофани уч минут қирқ саккиз секундда босиб ўтиб, югуриш бўйича факультетимиз голиби бўлди. 3. Талабалар ўн-ўнтадан гуруҳларга бўлиндилар, сўнг спорт мусобақалари бошланди. 4. Бир аёл кўйлагига уч бутун юздан етмиш икки метр газлама кетади. 5. Шаҳримиздаги мактаб-

ларнинг олтидан бир қисми ўтган ўқув йилида янги бинога кўчиб ўтди. 6. Факультет талабаларининг йигирма саккиз бутун ўндан уч фоизини қизлар ташкил этади. 7. Экинзорларнинг учдан икки қисмига пахта экилади, қолган учдан бирига эса ўтган йили кузда буғдой сепилган. 8. Соғлом кишининг тана харорати ўттиз олти бутун ўндан олти даражадан ошмаслиги керак. 9. Миср Араб Республикасининг атиги беш бутун ўндан уч фоизи қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлардир. 10. "Машъал" радиостанцияси эшиттиришларини беш бутун ўндан бир мегагерцли частотада ҳар куни йигирма уч соат давомида эшитиш мумкин. 11. Квартирамиздаги умумий ўлтириш ҳонасининг юзаси ўн тўрт бутун юздан етмиш беш квадрат метр, кухнямизнинг юзаси эса унинг бешдан тўрт қисмига тенг. 12. «Волга» автомобилининг узунлиги тўрт бутун юздан тўқсон беш метр, эни эса икки бутун ўндан бир метрдир. 13. Араб тилида тўрт ўзак ундошли феъллар уч ўзак ундошли феъллардан озроқ. 14. Ер шарининг тўртдан уч қисми сувликдан иборат.

637-машқ. Қуйидаги иборалар шитирокида арабча гап тузинг:

Учта-учтадан; ҳосилнинг тўқсон олти бутун ўндан уч фоизини; беш бутун мингдан олти юз қирқ икки литр сувда; саккиз бутун мингдан икки юз ўн бир литр сут; икки бутун юздан тўқсон бир метр газламадан; йигирма беш бутун мингдан тўққиз юз тўқсон саккиз квадрат метрга; йигирма беш бутун юздан қирқ олти метрли қиска тўлкин орқали; соатига бир юз ўттиз бутун юздан саксон беш километр; йиллик даромаднинг тўртдан уч

қисмидан; ер шарининг тўртдан бир қисми; аҳoliniнг йигирма бир бутун юздан ўн бир фоизида.

638—*ماشқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва ибораларини ёд олинг:*

حُسنى: يا أخي جعفر، هل قرأت اليوم المقالة في جريدة الأهرام عن مقياس النيل؟

جعفر: لا، يا حسنى، أنا لا أقرأ جريدة الأهرام كالعادة ولم أقرأ هذه المقالة. قل لي

من فضلك في أي عدد نشرت هذه المقالة؟

حسنى: نشرت هذه المقالة في عددها من 25 سبتمبر (أيلول) سنة 1998م.

جعفر: ماذا قيل فيها عن مقياس النيل؟

حسنى: قيل إن مقياس النيل هذا بُني منذ حوالي ألف سنة.

جعفر: ومن قام ببنائه؟

حسنى: قامت ببنائه مجموعة من العلماء المشهورين في حينه بقيادة العالم الفلكسي أحمد

الفرغاني.

جعفر: ومن هو أحمد الفرغاني؟

حسنى: أحمد الفرغاني هو عالم من علماء آسيا المركزية، ولد الفرغاني كما تشير إلي هذا

نسبته الفرغاني في وادي فرغانة ونشأ فيه ثم ذهب إلى بغداد وانضم إلى علمائها

المشهورين.

جعفر: يبدو من كلامك أن هذه المقالة ممتعة ولا بد من أن أقرأها. هل عندك نسخة من

عددها هذا؟

حسنى: نعم، عندي نسخة وسأعطيك إياها في الوقت المناسب إن شاء الله.

جعفر: شكرا يا عزيزي حسنى. هل جريدة الأهرام جريدة يومية أم أسبوعية؟

حسنى: إنها جريدة يومية.

جعفر: وأين يقع وادي فرغانة؟

حسنی: يقع وادي فرغانة في جمهورية أوزبكستان المستقلة وهو مشهور جدا بأراضيه
الخصبة ومناخه المعتدل وأهاليه الأسخياء.

جعفر: شكرا جزيلًا لهذه المعلومات يا صديقي حسني.

639-машқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғаринг:

- Сарвар: Ассалому алайкум, Тўланбек, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Сиз араб тили дарслигидаги матнларни луғатсиз ўқий оласизми?
- Тўланбек: Ҳа, уларни луғатсиз ўқий оламан.
- Сарвар: Ўқиган матнларингизнинг мазмунини тўла тушунасизми?
- Тўланбек: Ҳа, тўла тушунаман.
- Сарвар: Арабча газеталарни-чи? Уларни ҳам луғатсиз ўқиб, мазмунини тушунасизми?
- Тўланбек: Йўқ, газетадаги мақолаларни луғат ёрдамида таржима қиламан ва мазмунини тушунишга ҳаракат қиламан.
- Сарвар: Сиз араб ёзувчиларининг асарларини ҳам ўқиб турсангиз керак, а?
- Тўланбек: Ҳа, мен араб тилида чоп этилган китобларни ўқиб тураман, аммо луғат ёрдамида.
- Сарвар: Мен ҳам Миср ва Сурия ёзувчиларининг асарларини араб тилида ўқишга жуда қизиқаман. Лекин мазмунини тўла тушунмайман.
- Тўланбек: Сиз араб тилини қаерда ўргангансиз?
- Сарвар: Мен араб тилини ўрта мактабда ўрганганман.
- Тўланбек: Сиз ўқиган мактабда араб тили ўқитилармиди?

Сарвар: Ҳа, собиқ Совет Иттифоқи даврида Наманганда араб тили ўқитилмас эди. Республикамиз истиқлолга эришгач, Тошкент, Марғилон каби Намангандаги айрим мактабларда ҳам араб тили ўқитила бошлади. Мен шундай мактаблардан бирини тамомлаганман.

Тўланбек: Қандай яхши.

Сарвар: Агар хоҳласангиз, Тўланбек, мен сизга араб мамлакатларида чоп этилган китобларни олиб келиб беришим мумкин. Бундай китоблар менда анчагина бор.

Тўланбек: Мени жуда хурсанд қилдингиз, Сарвар. Мен у китобларни албатта ўқиб чиқаман. Таклифингиз учун минг бор ташаккур, раҳмат.

§ 163. ТАРТИБ СОНЛАР

Тартиб сонлар қуйидагича ясалади:

1. Тартиб сонлар мослашган аниқловчи каби тартиби билдирилаётган отдан кейин келиб, у билан мослашган аниқловчи каби мослашади.

2. 1 - 10 гача тартиб сонлар санок сонларнинг ўзагидан **فَاعِلٌ** (мн. **فَاعِلَةٌ**) вазнида ҳосил бўлади. Фақат «биринчи» сўзи **أَوَّلٌ** (мн. **أَوَّلِي**) ва «олтинчи» сўзи **سَادِسٌ** (мн. **سَادِسَةٌ**) шаклида ҳосил бўлади. Масалан:

بَيْتٌ خَامِسٌ – бешинчи уй,

الْبَيْتُ الْخَامِسُ – бешинчи уй,

فِي الْخَامِسِ – бешинчи уйда,

رَأَيْتُ الْخَامِسَ – бешинчи уйни кўрдим,

غُرْفَةُ سَادِسَةَ – олтинчи хона,

الْغُرْفَةُ السَّادِسَةُ – олтинчи хона,

فِي الْغُرْفَةِ السَّادِسَةِ – олтинчи хонада,

دَخَلْنَا الْغُرْفَةَ السَّادِسَةَ – олтинчи хонага кирдик.

3. 11 - 19 гача тартиб сонларда аввал бирлик хонаси тартиб сон шаклида, ўнлик хонаси санок сон шаклида келади ҳамда булар доим танвинсиз тушум келишигида ишлатилади. Улар тартиби билдирилаётган сўз билан жинсда тўғри мослашади. «Биринчи» сўзи ўрнида حَادٍ (الْحَادِي), мн. حَادِيَةٌ (мн. الْحَادِيَةُ) сўзи ишлатилади. Масалан:

الْدَّرْسُ الْخَادِي عَشَرَ – ўн биринчи дарс,

الْغُرْفَةُ الثَّانِيَةُ عَشْرَةَ – ўн иккинчи хона,

الْجُلْدُ الثَّاسِعُ عَشَرَ – ўн тўққизинчи жилд.

4. 20 ва ундан юқори яхлит сонлар санок сонлардан фарқ қилмайди. Фақат улар отдан кейин аниқ ҳолатда келади. Масалан:

الْغُرْفَةُ الْعِشْرُونَ – йигирманчи хона,

فِي الْغُرْفَةِ الْعِشْرِينَ – йигирманчи хонада,

الْمَحْبُوسُ الْمِنَةُ – юзинчи тутқин,

عِنْدَ الْمَحْبُوسِ الْمِنَةَ – юзинчи тутқинда,

الْيَوْمَ الثَّلَاثَةَ – мингинчи кеча,

حَتَّى الثَّلَاثَةِ الْيَوْمَ – мингинчи кечагача.

5. 21 - 99 гача яхлит бўлмаган тартиб сонларнинг аввал бирлар хонаси тартиби билдирилаётган сўз билан жинсда мослашган ҳолда, وَ боғловчисидан кейин ўнлар хонаси (ҳар иккови ҳам тартиб сон шаклида) келади ва улар от билан келишиқда мослашади. Масалан:

الدَّرْسُ الثَّلَاثُونَ وَ الثَّلَاثُونَ – ўттиз учинчи дарс,

فِي الدَّرْسِ الثَّلَاثِ وَ الثَّلَاثِينَ – ўттиз учинчи дарсда,

الْصَّفْحَةُ السَّادِسَةُ وَ الثَّمَانُونَ – саксон олтинчи бет,

فِي الصَّفْحَةِ السَّادِسَةِ وَ الثَّمَانِينَ – саксон олтинчи бетда.

6. 100 дан юқори тартиб сонларда ҳам шу услуб сақланади ва бунда юзлик хона олдин келади. Масалан:

الْصَّفْحَةُ الثَّلَاثِمِئَةُ وَ السَّابِعَةُ وَ الثَّمَانُونَ – уч юз саксон еттинчи бет,

فِي الصَّفْحَةِ الثَّلَاثِمِئَةِ وَ السَّابِعَةِ وَ الثَّمَانِينَ – уч юз саксон еттинчи бетда,

الْغُرْفَةُ الثَّمَانُونَ وَ الثَّلَاثُونَ – икки юз қирқ тўққизинчи хона,

إِلَى الْغُرْفَةِ الثَّمَانِينَ وَ الثَّلَاثِينَ – икки юз қирқ тўққизинчи хонага.

Баъзан юзлар ва минглар хонаси бирлар ва ўнликлардан орқага ўтиши ҳам мумкин. Бунда ўртага بَعْدُ предлоги қўйилади. Масалан:

اللَّيْلَةُ الرَّابِعَةُ وَ السَّبْعُونَ بَعْدَ الثَّلَاثِمِئَةِ – уч юз етмиш тўртинчи кеча.

Амалий машғулот учун топшириқлар

640-машқ. Қуйидаги саноқ сонлардан музаккар ва муаннас жинсларда тартиб сонлар ҳосил қилинг:

3; 11; 16; 19; 20; 23; 29; 36; 50; 58; 61; 101;
210; 391; 426; 548; 796; 1002; 2004; 3006; 4018;
5126; 6451; 7834; 10100; 12246; 50936; 98373;
100001.

641-машқ. Қуйидаги гаплардан тартиб сонларни топинг, уларнинг ҳосил бўлишига эътибор беринг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) هذه الفكرة أنست نفيسة بالتالي مرضها و حزنها وأعاد إليها أمل الفتاة في الثامنة عشرة من العمر.
- 2) يعمل أبونا مدرسا في معهد الطب الثاني منذ عشر سنوات.
- 3) تتعلم أختي الكبيرة في الصف الرابع من جامعة الدراسات الشرقية بطشقند.
- 4) الدرس الحادي عشر أكثر صعوبة في هذا الكتاب المدرسي.
- 5) طلاب القسم العربي الآن في غرفة الدرس الثالثة والثلاثين.
- 6) في الصفحة الحادية والعشرين يمكنكم أن تروا صورة جميلة من مناظر أوزبكستان.
- 7) يسكن أخي مع أسرته في البيت السادس والسبعين من هذا الشارع.
- 8) في التمرين الثاني عشر أمثال كثيرة للجمل الفعلية والاسمية.
- 9) الجماعة المائة والسادسة والعشرون مستعدة للمشاركة في المباراة.
- 10) بعد الشهر يحتفل الشعب الأوزبكي بالذكرى الثمانينمة لشاعره وبطله العظيم جلال الدين مانغويردي.
- 11) افتحوا الصفحة المئة والحادية والخمسين وقرؤوا النص فيها.
- 12) يجب علينا أن نقف في الكيلومتر الستمئة والعاشر لكي نستريح قليلا.
- 13) الدرس الرابع والثلاثون سهل أما الدرس الخامس والثلاثون فهو ليس سهلا.
- 14) يسكن هذا العامل النشيط في الطابق الثامن من هذه البناية.
- 15) تزوجت أختي الكبيرة في التاسعة عشرة من عمرها ولها الآن سبعة من الأولاد.

642-машқ. Тартиб сонларни ҳарфлар билан ёзган ҳолда қуйидаги гапларни арабчага ўзгиринг:

1. Йигирма иккинчи дарснинг матнида ўттиз олти янги сўз мавжуд. 2. Сизлар (мз.) бу дарсликнинг ўн олтинчи ва ўн еттинчи дарси матнларини дафтарингизга кўчириб ёзишингиз керак. 3. Ўртоғим ўз оиласи билан тўққизинчи қаватда саксон саккизинчи квартирада яшайди. 4. Мен ҳозир йигирма уч ёшга кирдим. 5. Бу меҳмонхонанинг учинчи қаватида улкан ресторан бор, еттинчи қаватида эса кенг балкон жойлашган. 6. Менинг хонам меҳмонхонанинг олтинчи қаватида эди. 7. Менинг бешта фарзандим бор эди, сен (мз.) эса олтинчиси бўл-динг. 8. Уч-тўрт километр йўл юрганларидан кейин бир юз саксон еттинчи километрда улар (мз.) нонушта қилишди. 9. Икки юз йигирма бешинчи бетдаги тўртинчи машқни бажаришимиз керак. 10. Кенжа синглим бошланғич мактабнинг тўртинчи синфида ўқийди. 11. Мен Наманган шаҳридаги қирқинчи ўрта мактабда ўқиганман. 12. Жаҳон тиллари факультетининг инглиз тили ўқитувчиси Абдулла Қодирий кўчасидаги бир юз биринчи уйда оиласи билан яшайди. 13. «Шарқ юлдузи» журналининг ўн биринчи сонида ўзбек адабиёти ўқитувчисининг қизиқарли мақоласи босилиб чиқди. 14. «Араб тили грамматикаси» дарслигининг иккинчи жилди бир йилдан кейин нашрдан чиқади. 15. Йигирма бешинчи болалар боғчаси шаҳардаги энг намунали боғчадир.

643-машқ. Қуйидаги бирикмалар ёрдамида арабча гаплар тузинг:

Саккиз юз эллик учинчи саҳифадан; беш юз ўттиз биринчи мактубни; ўн иккинчи қаватда; бир юз қирқ биринчи хона томон; йигирма бешинчи гуруҳ; икки юз

1. Қандай сахий бизнинг тупроғимиз! Агар уни эъзозласангиз, сизнигина эмас, барча қариндошуруғларингизни тўйғизади. 2. Қандай яхши иш бу: университетимизга Миср Араб Республикасидан меҳмонлар келишди. 3. Ҳаёт қандай гўзал бўларди, агар ариқларда сут билан асал оқса. 4. Бу қандай ғалати одамки, ҳеч ким билан саломлашмасдан, олдинги қаторга ўтиб олди. 5. Биз тарихий ёдгорлиқларни кўргани Хивага бордик ва Ичан қалъани кўриб дедик: ота-боболаримиз қандай мохир бўлганлар! Масжид - мадрасалар деворидаги нақшлар ҳали ҳам ўз гўзаллигини йўқотмапти. 6. Қанчалик баланд бу Минорайи калон! Унинг қурилганига минг йил бўлганига одам ишонмайди. 7. Шаҳрингиздаги истироҳат парки қандай гўзал! Уни кўргани республикамизнинг турли бурчакларидан меҳмонлар келишмоқда. 8. Сиз қандай заковатли йигитсиз, ўғлим! Аминманки, бизнинг келгуси авлодларимиз Сиз билан узоқ вақт фахрланиб юради. 9. Бу қандай нодонлик! Наҳотки, овқат пишириш учун ёғ керак бўлишини билмасанг (мн)! 10. Сиз қанақа йигитсиз ўзи! Шахмат ўйнашни наҳотки ҳозиргача билмасангиз.

§ 172. ҚАСАМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Қасам от олдиға **بِ** ў ёки **ئ** юкламаларидан бирини келтириш билан ифодаланади. Бу юкламалардан кейинги от қаратқич келишигида келади. Масалан: **بِاللَّهِ**, **وَاللَّهِ** – худо ҳақи!

Буларнинг ичида энг кўп ишлатиладигани **وَاللَّهُ** дир.

Умуман, бу юкламаларни ишлатишда қуйидаги ўзига хослик бор:

1. **بِ** - юкламаси ишлатилганида ундан олдин **أَقْسَمُ** – қасам ичмоқ феъли ҳам иштирок этиши мумкин. Масалан:

أَقْسَمُ بِكَ – Сенинг ҳақинг билан қасам ичаман.

أَقْسَمُ بِرَأْسِكَ – Бошинг ҳақи қасам ичаман.

2. **و** юкламаси. Масалан: **وَاللَّهِ** - Худо ҳақи қасам ичаман, **وَلِعَنَةِ أَبِيكَ** – Отаннинг соқоли ҳақи қасам ичаман.

و юкламаси бирикма олмошлар билан ишлатилмайди.

3. **ئ** юкламаси. Бу юклама фақат тангри номига қўшибгина ишлатилади. Масалан: **تَاللَّهِ** – худо ҳақи қасам ичаман. **تَرَبُّكَ** – Каъба тангриси ҳақи қасам ичаман.

Бу юкламалардан ташқари баъзан **ل** юкламаси ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан: **لَعْنَتِكَ** – Сенинг ҳаётинг ҳақи қасам ичаман.

Шу билан бир қаторда у ёки бу масалада қасам ичиб ваъда бериш, илтимос қилиш усуллари мавжуд. Масалан:

أَشَدُّكَ اللهُ – Оллоҳдан сенинг учун сўрайман...

فَدَيْتُكَ بِنَفْسِي – Жонимни сенга фидо қилай...

Амалий машғулот учун топшириқлар

680-машқ. Қуйидаги гаплар ичидан қасамни ифода-ловчи элементларни топинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) يا للعارا كيف لا نشرب القهوة! (2) يا لسخرية الحياة! الموت يأتينا مما نحب.
- 3) لا، لعمرى فحقيقة الحياة حياة. لم يكن ابتداء الحياة في الرحم ولن يكون منتهاها في اللحد.
- 4) لقد عرفت نفسي: نعم والآفة قد عرفت نفسي. فلتحي نفسي ولتعش ذاتي وليبق الكون كونا حتى تتم أعمالي.
- 5) والله، لنن أكرمتني لأكرمك. (6) وشبب العمدة، لأذبحنك إذا رأيتك تدخن السجارة.

681-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

Худо номи билан қасам ичаманки, мен бу ишни албатта охирига етказаман. 2. Тангри ҳақи, Сиз (мн) бу масалада ноҳақсиз. Агар ҳақ бўлсангиз, марҳамат, исбот қилинг! 3. Отамнинг соқоли ҳақи қасам ичаманки, йигитларимиз Ватан олдидаги бурчларини шараф билан бажарадилар. 4. Бошингиз ҳақи қасам ичаман ва буғга мен тўла аминманки, фарзандларингиз ақлли ва заковатли инсонлар бўлиб етишадилар. 5. Ҳаётим ҳақи қасам ичаманки, бундан кейин мутлақо сигарет чекмайман. 6. Худо ҳақи, бу ишни мен қилмаганман ва ким қилганлигини ҳам билмайман.

682-ماشқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва ибораларини ёд олинг:

فؤاد: أُمس ركبت المترو ولاحظت أن إحدى من محطات المترو تسمى آيبك. قل

لي من فضلك يا توردي قول، من هو آيبك؟

توردي قول: آيبك هو لقبه الأدبي أما اسمه الأصلي فهو موسى تاش محمد أي موسى بن تاش محمد. إن آيبك هو أحد من الأدباء الأوزبك المعاصرين ومن ألمع وأشهر الأسماء في الأدب الأوزبكي الحديث.

فؤاد: أعتقد أنه عاش في قرننا الحالي وأنه لا يزال على قيد الحياة.

توردي قول: ولد كاتبنا العظيم آيبك في سنة 1905م في مدينة طشقند ولكنه ليس حيا بل هو توفي في سنة 1968م.

فؤاد: هل هو كتب القصص والروايات النثرية فقط أم كتب شيئا من الأشعار أيضا؟

توردي قول: هو بدأ نشاطه الأدبي كشاعر وكتب عدیدا من القصص الشعرية مثل "بختيغول وساغنديق" و"الحداد جورا" وقصصه الشعرية هذه مشهورة لا في جمهوريتنا فحسب بل خارجها أيضا.

فؤاد: إذن انتقل إلى النشر بعد فترة معينة من الوقت ليس كذلك؟

توردي قول: نعم، هو انتقل إلى كتابة التأليفات النثرية في الثلاثينيات وسرعان ما أصبح أحد مؤسسي النشر الفني الأوزبكي الحديث.

فؤاد: ما هي مؤلفاته النثرية؟

توردي قول: هو كتب عدة روايات مثل "نوائي" و"الدم المبارك" و"نسانم من الوادي الذهبي" و"لن تسود الشمس" و"الطريق العظيم" و"مخنا عن النور" و"الطفولة".

فؤاد: هل يحبه القراء الأوزبك في أيامنا هذه؟

توردي قول: نعم، يحبونه ويطالعون رواياته هذه بكل سرور.

فؤاد: هل مُنح الكاتب آيبك بجائزة ما؟

توردي قول: نعم، لقد حاز آبيك على جائزتين: أولهما جائزة الدولة السوفيتية السابقة

وثانيتهما جائزة جمهورية أوزبكستان.

فؤاد: هل هو قام بنشاط اجتماعي أيضا؟

توردي قول: نعم، هو ترأس خلال سنوات عديدة اتحاد أدباء أوزبكستان وكذلك كان

عضوا حقيقيا لأكاديمية علوم جمهورية أوزبكستان. باختصار هو كان من أبرز

وأشهر شخصيات الجمهورية ولذا تخليدا لذكراه تسمى إحدى محطات مترو

طشقند باسمه.

فؤاد: شكرا لهذه المعلومات القيمة عن هذا الكاتب.

683-ماشқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

Шукрий: Намангандаги истироҳат паркларидан бири Машраб номи билан боғлиқ экан. Менга айтинг-чи, дўстим Беҳзод, Машраб ким бўлган?

Беҳзод: Машраб ўзбек халқининг оташин шоирларидан бири бўлиб, Машраб сўзи унинг тахаллусидир. Асл исми эса, Бобораҳимдир.

Шукрий: Машраб қачон ва қаерда туғилган?

Беҳзод: Машраб XVII аср ўрталарида Наманганда туғилган.

Шукрий: У кимдан таълим олган?

Беҳзод: У Мулло Бозор Охунд исмли мутасаввиף олимдан таълим олган. Сўнг тасаввуф илмида машҳур олим ҳисобланган Офокҳўжа кўлида таҳсил олиш учун Қашқарга жўнган ва бир неча йил у олимдан сабоқ олган.

Шукрий: Кейин Наманганга қайтганми?

Бехзод: Ҳа, келган. Лекин узоқ турмасдан, яна юртма-юрт кезишга бошлаган. Самарқандга борган, ундан Бухорога ўтган, сўнг бошқа юртларга ўтиб кетган.

Шукрий: Машраб шоир сифатида нималар қолдирган?

Бехзод: Машрабдан оташин ғазаллар, мухаммаслар қолган. Улар халқнинг дилига шундай яқин бўлганки, одамлар уларни ашула қилиб куйлаган. У ўз шеърларида одамларни соф мухаббатга, ҳалолликка, ростгўйликка, садоқатга, имонли бўлишга даъват этган.

Шукрий: Лирик шеърлардан ташқари яна бирор асар ҳам қолганми?

Бехзод: Ҳа, Машраб «Мабдаи нур» номли тасаввуфга оид бадий асар ва «Кимёи саодат» номли асар ҳам ёзган. Уни илгари одамлар кечкурунлари гуруҳ - гуруҳ бўлиб, тўпланишиб ўқишган ва у машрабхонлик деб аталган.

Шукрий: Машраб қаерда вафот этган?

Бехзод: Машраб Балхда вафот этган, аниқроғи Балхнинг ҳукмдори дорга ошишга буйруқ берган. Лекин у ўлганига шунча йил бўлган бўлса ҳам, одамларнинг калбида ҳамон тирик ва у ҳеч қачон ўлмайди.

Шукрий: Бу қимматли маълумотларингиз учун Сизга ташаккур айтаман, Бехзод.

Бехзод: Раҳмат, арзимайди.

§ 173. АЖРАТИЛГАН ИЗОҲЛОВЧИ

Кишилик олмоши ёрдамида ифодаланган эгани изоҳлаб келувчи гап бўлаги ажратилган изоҳловчи дейилади ва у араб тилида гапнинг эгасидан кейин тушум келишигида келади. Масалан:

هم المهندسين البارزين يعملون في مصنع السيارات

Улар, таниқли инженерлар, автозаводда ишлайдиар.

§ 174. ФЕЪЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ТУШУМ КЕЛИШИГИ

Келишиклар ичида араб тилида энг кўп қўлланиладигани тушум келишигидир. Чунки у гапда жуда кўп грамматик муносабатларни билдиради.

Кўпинча гапда воситасиз (айрим ҳолларда воситали ҳам) тўлдирувчи тушум келишигида келиши маълум. Масалан:

شَرِبْتُ الشاي – Мен чой ичдим,

رَكِبْتُ السفينة – Мен кемага ўтирдим.

Бу гапларда тушум келишиги гапда иштирок этаётган феълнинг характери билан боғлиқ: 1 - феъл ўтимли бўлгани учун тушум келишигидаги воситасиз тўлдирувчини талаб қилади; 2 - феъл эса ўтимсиз бўлса ҳам, иш-ҳаракат ўтувчи объектни тушум келишигида бошқарувчи феълдир.

Араб тилида яна шундай феъллар мавжудки, улар икки ва ундан ортиқ сўзни тушум келишигида бошқардилар:

1. «Билиш», «ўйлаш», «гумон қилиш», маъноларидеги **رَعَمَ** – ўйламоқ, гумон қилмоқ, **وَجَدَ** – топмоқ, **بَلِمَ** – билмоқ, **حَسِبَ** – ҳисобламоқ, **عَدَّ** – санамоқ, **عَلِمَ** – билмоқ, **رَأَى** – кўрмоқ ва шу каби, шунингдек, II ва IV бобдаги **орттирма** нисбатдаги феъллар ўзидан кейин иккита сўзни тушум келишигида бошқаради. Шуларнинг бири **воситасиз тўлдирувчи бўлса**, иккинчиси **воситали тўлдирувчи ёки бошқа гап бўлагидир**. Масалан:

ظَنَنْتُ الطَّالِبَ غَافِلًا – Талабани ақлли гумон қилдим,

أَرَى زَيْنَبَ مُجْتَهِدَةً – Зайнабни тиришқок кўряпман.

2. Яна шундай феъллар мавжудки, улар ўзидан кейин иккита сўзни тушум келишигида бошқаради: **уларнинг биринчиси воситали тўлдирувчи, иккинчиси воситасиз тўлдирувчи**. Масалан:

أَعْطَى مُحَمَّدًا كِتَابًا – Муҳаммадга китоб беринг (мз),

عَلِمَ آتَكَ الْقُرْآنَ – Ўғлингизга Қуръонни ўргатинг (мз),

أَتَّخِذُونَ الْأَصْنَامَ آلِهَةً – Бутларни илоҳ сифатида қабул

қиласизларми?

3. Араб тилида «хабардор қилиш», «билдириш», «хабар бериш» маъноларида айрим феъллар ҳам мавжудки, улар ўзидан кейин учта отни тушум келишигида бошқаради. Масалан:

أَعْلَمْتَ الْأُمَّ كَرِيمًا عَلِيمًا نَافِعًا – Она Каримга илмни фойдали

эканлигини билдирди.

§ 175. БИРГАЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ТУШУМ КЕЛИШИГИ

Араб тилида иш-харакатнинг биргаликда бажарилишини билдириш учун ишлатиладиган грамматик категория мавжуд бўлиб, уни биргалик тўлдирувчиси деб аташ мумкин. Бу тўлдирувчи ў боғловчисидан кейин тушум келишигида келади. Масалан:

سَارَ الْعُمَالُ وَ النَّيْلُ – Ишчилар Нил бўйлаб кетдилар.

وَمَا أَنَا ذَاهِبٌ لِلتَّائُولِ وَ سَلِيمًا أَلْعَشَاءِ – Мана мен Салим билан кечки овқатга кетяпман.

Амалий машғулот учун топшириқлар

684-машқ. Қуйидаги гапларни таҳлил қилинг, улардаги тушум келишигида келган отларни топинг, гаптаги вазифасини тушунтиринг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) اجتمع سكان القرية في الميدان يتبادلون الآراء في سفر فارس الفجائي إلى بلد من البلاد البعيدة.
- 2) هو قد حصل قبل أن يبلغ الثلاثين على كل ما يتمناه الإنسان من السعادة في الحياة الدنيا.
- 3) نحن شباب أوزبكستان نعرف واجبتنا أمام الشعب والوطن.
- 4) نحن العرب نكرم الضيوف.
- 5) هم مناضلين لأجل استقلالهم حاولوا تحرير آسيا المركزية من أيدي الاستعماريين.
- 6) أنتم معشر الأطباء قاومتم الأمراض المختلفة ولا تزالون تقاوموها.
- 7) أقبلت خيرة بالقهوة إذ رأتها المعجوز قالت: - لماذا القهوة يا خيرة؟ لقد شربت... فأجابت خيرة: - كل قهوة ولذتها.
- 8) في إحدى التفاتاته رأى بعيدا رجلا مرتجيا على الأرض فاستغرب الأمر وفكر أن يواصل سيره ويدع الرجل وشأنه.
- 9) دعني يا لانمي ووحدي. أستحلفك أن تتركني وحالي. خلني وشأني وأحلامي واصبر إلى الغد.

10) كفى ما بي يا هذا وكفى ما عانيت من اضطهاد الناس وما قاسيت من ألم الأهرام
 امض واتركني وسكينتي أستمد من حرارة الشمس دقائق الحياة. 11) عند الصباح أظلم
 والنسيم على إعلان مجيء النور وفي المساء أشترك مع الطيور بوداعه. 12) سمعت
 كنفوشيوس وأصغيت لحكمة برهما وجالست بقرب بوذا تحت شجرة المعرفة وما أنا إلا
 أغالب الجهل والجهود. 13) إن طمسوا أذنّ تلذذت بملامسة أثير ممزوج بأنفاس
 وأريج الجمال. وإن حجبوني عن الهواء عشت ونفسي. فالنفس ابنة الحب والجمال.
 14) جنت أطلب الوحدة فخلّني ووحدي. 15) أنتم بيتيم الأهرام من حجاجم الشهية
 والأهرام جالسة الآن على الرمال تحدث الأجيال عن خلودنا و فنانكم. 16) تمطر العيون
 العالم خيرا ومعرفة. 17) أما أنا، أنا المسكين فقد تناولت عودي وتبعت المطرب تاركاً
 ورائي الوجوه الجميلة والقامات النحيلة والمآكل الشهية. 18) نم يا ولدى ففي الغد
 تتساقط وترى السماء صافية والخقول لابسة رداء الثلج الناصع.

*685-машқ. Тушум келишиги функцияларини назарда
 тутган ҳолда қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:*

1. Дехқонлар кун бўйи далада меҳнат қилдилар ва кечкурун Шимолий Фаргона канали бўйлаб уйларига қайтдилар. 2. Мен у йигитларга эрталабки бадантарбия машқларининг саломатлик учун фойдали эканлигини жуда кўп таъкидлаганман. 3. Соғликни сақлаш вазирлиги чекувчиларга чекишнинг зарарли эканлигини ҳар доим уқдиради. 4. Биз эрталаб барвақт уйғондик ва бошлиғимиз билан дала айландик. 5. Хонандага соз берайлик, яхши ашулалар айтиб берсин, шоирга сўз берайлик, яхши шеърларидан ўқиб берсин. 6. Фарзандларингизга болалиқдан ўқиш ва ёзишни ўргатишларингиз (мн) керак. 7. Элчи жаноблари, биз сизнинг илтимосингизни ўзимиз учун буйруқ деб қабул қиламиз. 8. Биринчи курс талабалари араб тилини ўқув

йили бошидан ўргана бошлашган ва мен уларни ҳозир тиришқоқ талабалар сифатида биламан. 9. Сиз (ми) анави кизларни дангаса гумон қилманг. Улар факультетимизнинг энг тиришқоқ толибалари ҳисобланишади. 10. Биз, кекса ўқитувчилар, ёшларга ўз тажрибаларимиздан гапириб берайлик. 11. Сиз, Ўзбекистон ёшлари, республикамизнинг иктисодий ривожланишида фаол иштирок этмоқдасизлар. 12. Боғбон боғидан турли хил мевалар узиб чиқди ва меҳмонларга деди: «Енглар, ҳар бир меванинг ўз мазаси бор.» 13. Сизлардан (ми) ўтиниб сўрайман, мени ўз ҳолимга қўйинглар. 14. Биз меҳмонни хонасида ёлғиз қолдириб, ўз хоналаримизга тарқалдик.

686-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча варианты топинг ва улар иштирокида гап тузинг:

Эрталабки машғулотлар; катта танаффус; шимолий минтақалар; бепоён соҳиллар; Арабистон ярим ороли; Марказий Осиё: Гималай тоғ тизмаси; ер шари; уй вази-фалари; роппа-роса соат учда; уруш йиллари; 60-йиллар; барча таклиф этилганлар; отамдан қолган бу эски жавон; Африкадаги кўпчилик давлатлар; сиёсий мустақиллик; бу қадимги шаҳар; сунъий ипакдан тикилган кўк кўйлак; Осиё қитъаси.

687-машқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва ибораларини ёд олинг:

المدرس: قل لي من فضلك يا مصطفى، أين تقع المغرب؟

مصطفى: المغرب تقع في شمال غرب إفريقيا.

المدرس: هل لها ساحل على البحر؟

مصطفى: نعم، لها ساحل على البحر الأبيض المتوسط وساحل على المحيط الأطلسي.

- المدرس: ماذا يفصلها عن إسبانيا؟
 مصطفى: يفصلها مضيق جبل طارق.
 المدرس: طارق اسم عربي أليس كذلك يا مصطفى؟
 مصطفى: بلى، هو اسم قائد عربي مشهور. هو طارق بن زياد.
 المدرس: وماذا فعل طارق بن زياد؟
 مصطفى: طارق بن زياد فتح إسبانيا.
 المدرس: هل تعرف في أية سنة فتح طارق إسبانيا؟
 مصطفى: نعم، هو فتح إسبانيا في سنة 711م.
 المدرس: أنت طالب ذكي يا مصطفى.

688-машқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

- Ниҳод: Радиодан биз ҳозир эшитаётган кўшиқ қандай кўшиқ?
 Ойниса: Бу мустақил Ўзбекистон республикасининг мадҳияси.
 Ниҳод: Мадҳия нима?
 Ойниса: Мадҳия – тантанавор кўшиқ. У байроқ, герб каби давлат рамзларидан бири ҳисобланади.
 Ниҳод: У қандай ижро этилади?
 Ойниса: У кўпгина хонандалар томонидан хор бўлиб ижро этилади.
 Ниҳод: Мадҳиянглар матнини ким ёзган?
 Ойниса: Уни Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов ёзган.
 Ниҳод: Музикасини ким басталаган?
 Ойниса: Музикасини машҳур бастакор Мутаваккил Бурҳонов ёзган.

- Ниҳод: Мадҳия қачон ва қим томонидан тасдиқланган?
- Ойниса: Мадҳиямиз 1992 йил 10 декабрда Республика Олий Кенгашининг XI сессиясида тасдиқланган.
- Ниҳод: Мадҳиянгизда нималар ҳақида қуйланади?
- Ойниса: Ўзбекистон Мадҳиясида республикамизнинг бепоёнлиги, тўқин-сочинлик, одамларнинг шарқона одоб-ахлоқи, улардаги илм-фан, санъатга интилиш ва бахтли келажакка ишонч тараннум этилади.
- Ниҳод: Мен Мадҳиянгизнинг сўзларини тушуна олмайман, лекин музикасининг худди республикангиз каби улуғвор, тантанавор эканлигини сезиб турипман.

§ 176. МАҚТОВ ВА ТАҲҚИР ФЕЪЛЛАРИ

Кишининг бирор шахс ёки предметга нисбатан яхши ёки ёмон фикрини ифодаловчи бу сўзларни феъл дейиш тўла маънода тўғри бўлмайди. Чунки улар иш-ҳаракат ёки ҳолатни билдирмайди. Бу сўзлар жинсда феъл каби туслангани учун араб тили грамматикасида феъл деб аташ қабул қилинган (أَفْعَالُ الْمَدْحِ وَالذَّمِّ). Бу феълларга қуйидагилар қиради:

1. حَيْدًا، نَعَمٌ – ўзбек тилига «қандай яхши» деб таржима қилинади.

لَا حَيْدًا سَاءٌ، بَيْسٌ – ўзбек тилида «қандай ёмон» маъносини билдиради.

Мазкур феълларнинг ўзига хослиги шундаки, улар замонга қараб ўзгармайди (بَسَّ فَعْلًا كَابِي). Уларнинг куйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Бу феъллардан кейинги биринчи от мақталадиган ёки тахқирланадиган от гуруҳига мансуб маънони ифодалайди. Иккинчи от мақталадиган шахс ёки предметни билдиради. Буларнинг ҳар иккиси ҳам бош келишикда келади. Масалан:

نَعْمَ الْآبُ أَبُوكَ – Сенинг отанг қандай яхши!

بَسَّ الْكَلَامَ كَلَامَهُ – Унинг гапи қандай ёмон!

2. Баъзан биринчи от ноаниқ ҳолатда келиши ҳам мумкин. Масалан:

نَعْمَ شَاعِرًا هُوَ – У қандай яхши шоир!

سَاءَتْ مَرْأَةٌ زَيْنَبُ – Зайнаб қандай ёмон хотин!

3. Баъзан эса икки отдан бири тушиб қолиши ҳам мумкин. Масалан:

نَعْمَ زَيْدٌ – Зайд қандай яхши!

بَسَّ الشَّرَابُ – Ичкилик қандай ёмон!

4. Мақталаётган объект гоҳо гапдан иборат бўлиши мумкин. Бунда бу феъллардан кейин مَا юқламаси кўшилади. Масалан:

نَعْمَ مَا قُلْتَهُ لِي – Менга айтган нарсанг қандай яхши!

سَاءَ مَا يَفْعَلُونَ – Қилаётган (ишлари) қандай ёмон!

5. لَا حَيْدًا, حَيْدًا – феълларидан кейин мақталадиган (тахқирланадиган) битта от келади холос. Масалан:

حَيْدًا الْعِلْمُ – Илм қандай яхши!

لَا حَيْدًا زَيْنَبُ – Зайнаб қандай ёмон!

689-машқ. Қуйидаги гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- (1) نم يا وحيدى فوالدك ناظر الآن إينا من بعيد بعيد جدا وحيدا عاصفة وثلوج
 - (2) تقرّبنا من ذكر والدك العزيز. نظر ذلك الرجل إلي وجهي بشيء من الاهتمام وقال:
 - (3) حيدا لو كان للإنسان بعض طباع الطيور. حيدا لو كسرت العواصف أجنحة الطيور
 - (4) وهشمت رؤوسها. نعم الصديق الأخ إذا صدقك. (5) بنس ما يفعل بنو آدم النفاق.
 - (6) النجاح هدف غال وأمل محبوب، يسعى إليه الناس سعيا دابيا فيظهرون أوقاغم لنعم
 - (7) المضحى براحته من أجل النجاح. لا حيدا من ضيع الوقت. (8) بنس الصديق من يدلك
 - (9) علي الشر. نعم الصديق من واساك وبنس الصديق من جفاك. (10) حيدا تنظيم هذه
 - (11) المراعي الطبيعية الواسعة واستثمار صوف حيوانها وألبانها. بنست قيادة السيارة بلا
- التباه.

690-машқ. Мақтов ва таҳқир феъллари иштирокида 10 та арабча гап тузинг.

§ 177. СОДДА ГАПНИНГ МАХСУС ТУРИ

Махсус тур дейишга сабаб шуки, бу турдаги гап ўзбек тилида йўқ, шунинг учун сўзма-сўз таржима қилинмайди. Бундай гапларда аввал эга, сўнг от кесимли ёки феъл кесимли гапдан иборат бўлган кесими келади: асосий гапнинг эгасига жинсда ва сонда мослашган бирикма олмош кесим вазифасида ишлатилаётган гапнинг бирор бўлагига қўшилиб келади.

Масалан:

أَلْقَابُ حُجَّتِهِ مَعَهُ - Йўқнинг хужжати ўзи билан (Мақол).

الْمَطْبِخُ مَا فِيهِ غَازٌ - Ошхонада газ йўқ.

Хар бир бошланган нарсанинг ниҳояси
мавжуд. كُلُّ مُبْتَدَأٍ لَهُ آخِرٌ

Нуксонларни сўз билан
яшириб бўлмайди. إِنَّ الْعُيُوبَ لَا يُمَكِّنُ سِتْرَهَا بِكَلِمَاتٍ

Бу содда гаплар куйидаги шаклда бўлганида биз
жуда осон тушунар эдик: مَا فِي الْمَطِيخِ غَازٌ، حُبَّةُ الْغَائِبِ مَعَهُ

لَا يُمَكِّنُ سِتْرَ الْعُيُوبِ بِكَلِمَاتٍ، لِكُلِّ مُبْتَدَأٍ آخِرٌ

Махсус турдаги олдинги гапларнинг кейинги оддий
гаплардан фарқи шундаки, уларда мантикий урғу кесим
ўрнида келадиган гапларнинг эгасига қаратилган
бўлади.

Агар кесим ўрнидаги гапнинг кесими ўтимли феъл
билан ифодаланган бўлса, асосий гапдаги эга шу
феълнинг мантикий воситасиз тўлдирувчиси ҳисобла-
нади. Масалан:

الشَّاءُ الْمَذْبُوحَةَ لَا يُؤْلِمُهَا السَّلْحُ - Сўйилган қўйнинг териси
шилишганда жони оғримайди (сўзма-сўз: Терини шилиш
сўйилган қўйни қийнамайди). Мақол, ўзбекчадаги
«Отамнинг ўлишини билганимда кепакка сотиб ер
эдим» мақолига мос келади.

Амалий машғулот учун топшириқлар

691-машқ. Қуйидаги гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) الدار أغلقتها يا أختي كما فعلت أنا. 2) كانت الأم يبدو عليها حزن واهتمام.
- 3) لا تبكى يا أمي، إن أيام الأحران تقابلها أيام المسرات. 4) هل قريننا ومدينة طشقند متساويتان يا بني؟ كل بلد له مقاييسه. 5) هذه الرابطة اكتشفها الحسين عندما عاد أخوه

من بغداد. (6) آه، لو كان الناي معه لأخذه وعزف أرق الأحنان ولكن الناي تركه في البيت. (7) أيام الراعي الفارغة قليلة جدا فهو راح والراعي لا عطلة له. (8) أنواني ككل الرعاة إذا كانت بما رائحة فهي رائحة الغنم والغنم لها رائحة. (9) هذا الصندوق اشتراه لها أبوها يوم أن زُفت إلي زوجها عروسا. (10) دار أبي لن أعود إليها أبدا. (11) الطبيعة قد راودها النعاس فأمست تودع اليقظة بأغنية مؤثرة. (12) اسكت يا قلبي حتى الصباح. اسكت، فالفضاء قد أتحمت رائحة الأشلاء فلن يتشرب أنفاسك. (13) الخمر فيها جنون.

692-ماشқ. Куйидаги гапларни содда гапнинг махсус турига айлантiring ва унда тагига чизилган сўз гапнинг эгаси бўлсин:

Масалан:

رأيت تأثيرات قلب حبيبي بعين سمعي ← تأثيرات قلب حبيبي رأيتها بعين سمعي

- 1 لكل مبتدأ انتهاء. (2) لعل هذا الزائر يريد مقابلتك. (3) لا يمكن ستر العيوب بكلمات. (4) بني هؤلاء المهندسون العماريون تلك القاعة الفاخرة. (5) إن فائدة نظافة الجسم عظيمة جدا. (6) لعل أسئلة الامتحان سهلة. (7) عمر أخي الكبير أربعون سنة. (8) بعد أيام التقيت لأول مرة بالسيدة في بيت حقير محاط بالزهور والأشجار. (9) قد حجب الرجل وجهه بكفيه كأنه يريد أن يحمي نفسه. (10) أمسكت السيدة بيدي وقادتني إلى جانب النافذة. (11) سرت كثيرا بين تلك القصور والنازل. (12) عاد الشاب نحو المدينة ساترا وجهه بأثوابه. (13) كنت حائرا بين تأثيرات الطبيعة وأوراق الكتب. (14) أنا أيضا أذكر تلك البقعة الجميلة من شمال لبنان. (15) سر الشيخ بكلمات ابنته وانبسطت ملامحه.

693-ماشқ. Содда гапнинг махсус тури шаклида 10 та гап тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ МАТН

بخارى

بخارى هي إحدى المدن القديمة في آسيا المركزية وهي تستحق أن يطلق عليها اسم "متحف تحت السماء المفتوحة".

إن المعالم التاريخية في بخارى مشهورة ليس فقط في آسيا المركزية بل في العالم كله والآثار المعمارية القديمة في بخارى تشمل علي "ضريح إسماعيل الساماني" (القرن التاسع والعاشر) و"منارني كلان" أي المنارة الكبيرة (القرن العاشر) و"مقبرة تششمي أيوب" أي مقبرة عين أيوب (القرن الثاني عشر) و"مسجد محاكي عطاري" (القرن الثاني عشر) و"مسجد نمازگاه" أي المسجد المصلّي (القرون الثاني عشر والرابع عشر والخامس عشر) و"مقبرة سيف الدين بهاريزي" (القرن الثالث عشر) و"مقبرة بويان قولبخان" (القرن الرابع عشر) و"مدرسة أولوغبيك" (سنة 1417م) و"مسجدي كلان" أي المسجد الكبير (سنة 1514م) و"مدرسة مير عرب" (سنة 1530م) و"مدرسة كوكالداش" (سنة 1578م) و"قوش مدرسة" أي المدرسة المزدوجة (سنوات 1566-1588م) والأسواق (القرن الخامس عشر) و"مدرسة عبد العزيز خان" (سنة 1652م) والنزارة (القرن الثامن عشر) و"قلعة ستارني ماهي خاصه" (القرن التاسع عشر) وكل هذه الآثار المعمارية القديمة ببخارى تدلّ علي ثقافة الشعب الأوزبكي القديمة والعريقة المستقلة الغنية.

وجدير بالذكر أن إسماعيل البخاري أكبر المحدثين العلماء في العالم الإسلامي وجامع الحديث الشريف النبوي المشهور وُلد ونشأ في هذه المدينة.

وفي القرن العشرين قد تغير مظهر مدينة بخارى تغيراً تاماً فاتسعت شوارعها وأُسست فيها كثير من الحدائق العامة الجميلة وحدائق للأطفال ويتم الآن بناء كثير من الوحدات والأحياء السكنية الجاهزة التركيب.

وتوجد الآن في بخارى جامعة وعديد من المعاهد والمؤسسات الثقافية والترفيهية ورياض الأطفال ودور الحضانات والمستشفيات الجديدة وفي السنوات الأخيرة تطورت الصناعة بشكل ملحوظ وملموس وبنيت المعامل الجديدة والمصانع الحديثة مثل مصنع القرو ومصانع إنتاج الزيوت والقطن ومعامل الأحذية وغزل الحرير ومعامل الغزل والنسيج ومعامل إنتاج دود القز والمجزرة والثلاجة وهي تُعتبر من أهم وأكبر المعامل في بخارى. وكذلك يوجد تحت أرض بخارى احتياطي كبير من الثروات الطبيعية كالمغاز والبتروول وبعد استقلال جمهورية أوزبكستان تحولت بخارى إلى واحدة من أهم مدنها المعاصرة المزدهرة.

694-ماشқ. Ўйгирма бешинчи матнни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг, сўзларини ўрганинг ва ўзбекчага ўгиринг.

695-ماشқ. Ўйгирма бешинчи матн асосида қуйидаги саволларга ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) أين تقع مدينة بخارى؟ (2) أي اسم أطلق علي بخارى؟ (3) أية معالم بخارى التاريخية تعرفها؟ (4) منذ كم قرنا بيت "مِنَارِي كَلَانَ" وما معنى هذا الاسم؟ (5) عَلَامَ تدل آثار بخارى المعمارية؟ (6) من هو أكبر شخصيات إسلامية مرتبط اسمه بمدينة بخارى؟ (7) هل تعبر مظهر بخارى في القرن العشرين وكيف؟ (8) أي نوع من المعامل والمصانع تم بناؤه في بخارى في السنوات الأخيرة؟ (9) أي نوع من الثروات الطبيعية يوجد تحت أرض بخارى؟ (10) هل تعرف تاريخ بخارى؟ (11) من هو الأمير الأخير الذي عاش في بداية القرن العشرين واضطر إلى الفرار؟ (12) هل زرت مدينة بخارى وما هو الذي أعجبك فيها؟

696-ماشқ. Ўйгирма бешинчи матндан феълларни ажратиб олинг, уларнинг бобларини аниқланг, гапларни тўла морфологик таҳлил қилинг.

697-машқ. Қуйидаги ибораларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:

الثروات الطبيعية، معالم تاريخية، المدينة المزدهرة، متحف تحت السماء المفتوحة،
إسماعيل البخاري، أسئلة الامتحان، نظافة الجسم، أيام الأحران، أرق الألحان، أغنية
مؤثرة، بنو آدم، القامة النحيلة، معشر الأطباء، ألم الأمراض، أثر ممزوج بأنفاس
المحبين، عضو أكاديمية العلوم، نشاط اجتماعي، بكل سرور، مؤلفات نثرية، الأدب
الأوزبكي الحديث، يا للعار، شنب العمدة، تدخين السجارة، القرون الوسطى، رجال
الشرق الكبار.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ ИБОРАЛАР

<p>ШҮ التَّهَمَ بِالْعَيْنِ кўз билан еб кўймоқ</p> <p>بَعْدَ وَقُوعِ الْحَادِثِ воқеа содир бўлганидан кейин</p> <p>... بِفَضْلِ ...шарофати билан</p> <p>جُرْجِي زَيْدَان Журжий Зайдон (<i>Миср ёзувчиси</i>)</p> <p>تَفِيدُ الطَّرِيقَ йўл қуриш</p> <p>جُزْئِيًا қисман</p> <p>دُونَ انْقِطَاعِ тўхтовсиз, узлук- сиз</p> <p>I رَأَى أَوَّلَ نَوْرٍ туғилмоқ</p> <p>زَيْلِحَةُ Зулайхо</p> <p>شَبَكَةُ الرَّيِّ суғориш тармоғи</p> <p>شَقُّ الْمَجَارِي ариқ (<i>канал</i>) қазиш</p> <p>الشَّيْخُ حَمُودَةَ Шайх Ҳамуда</p>	<p>عَسْكَرِيُّ الْمُرُورِ йўл ҳаракати полицияси</p> <p>عَلَى أَكْثَرِ تَقْدِيرٍ кўпи билан</p> <p>عِيدٌ وَطَنِيٌّ миллий байрам</p> <p>قِيَامُ الطَّائِرَةِ самолётнинг ердан кўтарилиши</p> <p>لَوْ لَا لَطْفُ الْأَقْدَارِ тақдир марҳа- мати бўлмаганида эди, ...</p> <p>مَا قَبْلَ التَّارِيخِ энг қадимги давр</p> <p>مُرَاجَعَةُ الدَّرُوسِ дарс тайёрлаш</p> <p>مِنَ الْقَبَاوَةِ أَنْ тентаклик шуки,...</p> <p>مِنَ الْمُهِمِّ أَنْ муҳими шуки, ...</p> <p>نَشْرَةُ الْأَخْبَارِ «Ахборот», сўнгги хабарлар (<i>радиода</i>)</p> <p>هُوَ عَلَى عِلْمٍ у хабардор, унинг хабари бор</p>
--	--

§ 178. ҚЎШМА ГАП ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Қўшма гаплар уни ташкил этган гаплар ўртасидаги муносабатнинг турларига кўра иккига бўлинади:

1. Боғланган қўшма гап.
2. Эргашган қўшма гап.

Боғланган қўшма гапни ташкил этувчи содда гаплар ўзаро тенг боғланади ва бири иккинчисига тобе бўлмайди. Бу гаплар ўзаро فَ، ثُمَّ، بَلْ، لَكِنْ، وَ لَكِنْ каби боғловчилар ёрдамида бирикади.

Эргашган қўшма гапни ташкил этувчи содда гапларнинг бири иккинчисига тобе бўлиб, уни тўлдириб, аниқлаб ёки бошқа томондан характерлаб келади. Тўлдирилиб ёки аниқланиб келаётган гап бош гап, тобе гап эса эргаш гап дейилади. Эргаш гап бош гапни қайси томондан характерлаб келаётганлигига кўра, бир неча турларга бўлинади. Араб тилида эргаш гапларнинг: аниқловчи эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап, эга эргаш гап, кесим эргаш гап, шарт эргаш гап, тўсиксиз эргаш гап, пайт эргаш гап, ҳолат эргаш гап, ўрин эргаш гап, ҳол эргаш гап, сабаб эргаш гап, мақсад эргаш гап, натижа эргаш гап, ўхшатиш эргаш гап, истисно эргаш гап каби турлари мавжуд.

§ 179. АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги у ёки бу сўзнинг белгисини билдиради ва қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги қайси бўлакнинг белгисини билдирса, бевосита шу бўлакдан кейин келади.

2. Белгиси билдирилиб келаётган сўз аниқ ҳолатда бўлса, у билан аниқловчи эргаш гап ўртасига нисбий олмош қўйилади. Араб тилида нисбий олмош қуйидаги вариантларга эга:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	الَّذِي	الَّذَانِ	الَّذِينَ
МН	الَّذِي	الَّذَانِ	الَّذِي، الَّتِي، اللّوَاتِي

Бу олмошларнинг бирлик ва кўплик вариантлари келишикларда турланмайди. Иккилик шакли эса, келишикларда куйидагича турланади:

Келишик	Мз	Мн
Бош кел.	الَّذَانِ	الَّذَانِ
Қар. кел.	الَّذِينَ	الَّذِينَ
Туш. кел.	الَّذِينَ	الَّذِينَ

Бу нисбий олмош бош гаптаги белгиси аниқланиб келаётган бўлак билан жинсда, сонда мослашиши керак. Масалан:

رَأَيْتُ الطَّالِبَ الَّذِي يَدْرُسُ فِي جَامِعَتِنَا - Университетимизда ўқиётган талабани кўрдим.

تَعْمَلُ الْعَمَلَاتُ اللّوَاتِي دَخَلْنَ هَذِهِ الْحَجْرَةَ فِي هَذَا الْمَعْمَلِ - Бу хонага кирган ишчи аёллар шу фабрикада ишлашади.

قَرَأْتُ هَذَيْنِ الْكِتَابَيْنِ الَّذَيْنِ مَوْجُودَانِ فِي مَكْتَبَةِ الْكَلْبِيَةِ - Факультет кутубхонасида мавжуд бўлган бу икки китобни ўқидим.

Эслатма. Мисоллардан кўриниб турибдики, уларнинг ўзбекча варианты аниқловчи эргаш гапли кўшма гап шаклида эмас. Ҳозирги ўзбек тилида бундай иборалар кўпира кенгайтирилган сифатдош ёрдамида ифодаланади. Эски ўзбек тилида эса уларнинг аниқловчи эргаш гап шаклидаги варианты мавжуд. Масалан:

Мен шундай талабани кўрдимки, у университетимизда ўқийди. Ишчи аёллар, қайсики бу хонага кирдилар, шу фабрикада ишлайдилар ва ҳ.з.

3. Агар аниқловчи эргаш гапнинг эгаси бевосита белгиси билдирилаётган бўлак бўлса, шунга мос бўлган нисбий олмош аниқловчи эргаш гапнинг грамматик эгаси ҳисобланади. Масалан:

سَمِعْتُ الطَّالِبَةَ الَّتِي تَتَكَلَّمُ بِالْعَرَبِيَّةِ جِدًّا جِدًّا - Араб тилида жуда яхши гаплашадиган толибани эшитдим.

4. Агар белгиси билдирилаётган бўлак аниқловчи эргаш гапнинг эгаси бўлмаса, шу сўз билан жинсда ва сонда мослашган бирикма олмош аниқловчи эргаш гапдаги феълга ёки феълдан кейинги предлогга қўшилиб келади. Бундай олмошлар араб тилида ضَمِيرٌ عَائِدٌ - қайтувчи олмош дейилади. Масалан:

لَمْ أَقْرَأِ الْمَجَلَّةَ الَّتِي اشْتَرَيْتَهَا أَمْسٍ - Кеча сотиб олган журнални ўқимадим.

دَخَلْتُ الْغُرْفَةَ الَّتِي يَجْلِسُ الطَّلَابُ فِيهَا - Талабалар ўтиришган хонага кирдим.

5. Аниқловчи эргаш гап от кесимли гап бўлса ва нисбий олмош шу гапнинг грамматик эгаси ҳисобланса, эга билан кесим ўртасига ажратувчи олмош (ضَمِيرُ الْفَصْلِ) қўйилади. Масалан:

استمعنا إلى محاضرة الأستاذ الذي هو عالم مشهور في بلدنا - Юртимизда машхур узтознинг лекциясини тингладик.

6. Белгиси аниқланиб келаётган сўз ноаниқ ҳолатда бўлса, нисбий олмош ишлатилмайди. Масалан:

رَكَبْنَا سَيَّارَةً تَبْلُغُ سُرْعَتَهَا مِئَةً وَخَمْسِينَ كِيلُومِترًا فِي السَّاعَةِ - Тезлиги соатига 150 км бўлган машинага ўтирдик.

698-машиқ. Қуйидаги гаплардан аниқловчи эргаш гапларни топинг ва гапларни ўзбекчага ўгиринг:

- 1) خطرت ببال أحمد فكرة بعثت في نفسه سرورا غامضا. 2) وهناك سبب ثالث يدفع زينب للانزعال في هذه الحجرة وهو مراجعة دروسها ومطالعة بعض الكتب والقصص التي جلبتها معها من الجزائر. 3) كانت أمها في تلك اللحظة مقبلة تحمل بين يديها طبقا يشتمل على صحن صغير به فطائر وإبريق قهوة وفنجان وسكرية. 4) ارتقت نفيسة على أمها التي جلست إلى جانبها فوق السرير وانمالت بالبكاء. 5) انقلبت على وجهها في الفراش مدة ساعة في أفكار لا بداية لها ولا نهاية. 6) ليست هذه هي المرة الأولى التي نسمع فيها أنغام الناي. 7) لست أدري أرجلاني هما اللتان تحملان جسمي أم جسمي هو الذي يحمل رجلي؟! 8) دخلت ثلاثهن إلى بيت العائلة، الحجرة التي يجتمع فيها كل أفراد العائلة والتي هي في نفس الوقت تعد بمثابة حجرة الاستقبال وحجرة الأكل وأحيانا المطبخ لا سيما في الشتاء ثم هي أيضا نفس الحجرة التي تنام فيها أم نفيسة. 9) حركت العجوز رأسها حركة لا تدل على نفي ولا إثبات. 10) الطريق الموصلة إلى مزرعة القطن هي الوحيدة التي لا تكثر فيها الانعراجات والصعود والهبوط في هذه القرية. 11) أنا أحب أن أصنع أواني جديدة لم يصنعها أحد. 12) أنا أبحث عن شيء آخر يعرفه قلبي ولا تستطيع صنعه يداي. 13) لم يكن مالك في يوم من الأيام عدوا لكم. أنت غالطة يا אחني يجبكم أكثر من كل الناس أسألني أنا... أنا التي أعرفه أكثر من كل أحد. 14) ألا تذكرين تلك الأيام السوداء التي عشناها؟ 15) إنما تعرف قصة أختها زليخة التي رضيت بالزواج من ذلك الفتى القروي الذي كان سبب قتلها والذي هو الآن شيخ البلدية. 16) المثل يقول: "تعلم صنعة وأخفها". كل شيء نتعلمه مفيد. 17) ها هي ترى خطوطا رقيقة متوازية ترسم على جبين بنتها وتعبر عن حزن لا تصوره الكلمات. 18) كان الطعام لذيذا حقا ومناسبا لحرارة الطقس التي كانت تستعر استعارا في ذلك اليوم. 19) وظيفته كشيخ

البلدية تجعله أحب أم لم يجب على علم بكل ما يجري في القرى وخاصة هذه القرية التي رأى أول نور على ترابها. 20) قال شاب عاد منذ أيام من فرنسا لقضاء عطلة لشخص مسن كان بجانبه: ...

699-ماشқ. Қавс билан ажратилган ўринларга, зарур бўлса, нисбий олмошлардан мосини қўйинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) كان هو اليوم المحدد لتنفيذ المهمة (...). جاء أحمد من أجلها. 2) لم يرد الابن شيئا وكان يحس بعدم ارتياح من هذه المقابلة (...). ترغب فيها حماة قديمة (...). انقطعت بينه وبينها كل الصلات. 3) المكان (...). اقتيد إليه أحمد لم يكن البيت (...). تجتمع فيه العائلة. 4) المسافة بين هذه القرية والقرية المركزية لا تتجاوز خمسة عشر كيلومترا ولكن السيارة تقطعها في مدة (...). لا تقل عن أربعين دقيقة. 5) ارتسمت حول عينيه انكماشات رقيقة (...). تصور عدم اطمئنانه. 6) إلى الاجتماع جاءت جميع فتيات القرى (...). لمن إخوة صغار (...). يقرؤون بالمدرسة. 7) أخذ الفئجان (...). سقط فيه الذباب ومشى نحو جماعة اللاعبين ليشهد النهاية (...). وصل إليها اللاعب. 8) القرية لا تضم حربة فتاة (...). بلغت سن الرشد. 9) عندي رسالة (...). أريد إرساها وأود أن لا يعلم أحد بذلك. 10) أخرجت الأم فستانا من القففة (...). جاءت بها معها فأليست إياه بعد أن نزع عنها الجبة (...). كانت تلبسها و(...) كانت ابتلت من العرق. 11) الياسمين عطر (...). لا تعرفه البادية.

700-ماشқ. Қўйдаги гапларни аниқловчи эргаши гапли қўйиша гап шаклида арабчага ўғиринг:

1. Ўз мустақиллигини қўлга киритган ўзбек халқи бугун ривожланиш ва тараққиёт йўлидан бормоқда.
2. Ўн саккиз ёшга етган ҳар бир фуқаро сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга.
3. Мустақиллик йўлида кураш

олиб борган ота-боболаримиз ҳақида ҳикоя қилинган ўша учта китоб жавоннинг юқори тахтасида турипти.

4. Илмий-назарий конференцияда иштирок этган ўқитувчилар ва талабалар араб мамлакатларидаги сиёсий вазиятга бағишланган маърузани диққат билан тингладилар.

5. Акамнинг қайнотаси шаҳар чеккасида жойлашган автозаводда муҳандис бўлиб ишлайди.

6. Шаҳримиз темир йўл вокзалида ишлаган қўшнимиз яқинда пенсияга чиқди.

7. Замонавий банкларда хорижий тилларни яхши биладиган ҳодимлар ишлаши керак.

8. Университетимизнинг сиртқи бўлимига бу йил бошланғич ва ўрта мактабларда ишлаётган ёшлар қабул қилинди.

9. Ўтган ҳафта ўртоғимдан олган журнални кеча ўқиб тугатдим.

10. Араб филологияси бўлимининг тўртинчи курсида ўқиётган бир гуруҳ талабалар сентябрь ойининг бошларида Триполига жўнаб кетишди.

11. Талабалар ўраб олган ўша ёш устоз кеча Дамашқдан қайтиб келди.

12. Намангандаги «Атлас» комбинатида ишловчи муҳандис аёл эртага бизникига меҳмон бўлиб келади.

13. Мендан метронинг «Пахтакор» бекати ҳақида сўраган бобо «Мустақиллик майдони» бекатида тушиб қолди.

14. Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида биз билан суҳбат қилган толиба қизлар иккинчи тиббиёт институтида ўқишади.

15. Биз кеча сайр қилган истироҳат боғи Машраб боғи деб аталади.

16. Кеча республика телеканали орқали биз томоша қилган телефильм ўтган йилги конкурсида биринчи мукофотни олган.

§ 180. ЭГА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эга эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап бош гапнинг эгаси вазифасини бажаради. Араб тилида эга эргаш гап бош гапнинг кесимига нисбий олмош ёрдамида боғланиши мумкин. Масалан:

إِنِّ الَّذِي كَتَبَ هَذِهِ الرَّسَالَةَ يَدْرُسُ فِي كَلْبَتِنَا - Бу хатни ёзган (киши) факультетимизда ўқийди.

فَالَّتِي حَدَّثَتْ لَنَا عَنْهَا هِيَ خَالَتِي - У киши ҳикоя қилиб берган (аёл) холам бўлади.

Бундан ташқари эга эргаш гап **مَا** юкламаси билан ҳам қўшилиши мумкин. Масалан: **يُغَجِبُنِي مَا تَقُولُهُ** - Гапираётган нарсанг менга ёқади.

Эслатма. Бундай гаплар ўзбек тилида кўпинча сифатдошли оборот иштирок этган содда гап шаклида ишлатилади.

Эга эргаш гап бош гапга баъзан **أَنْ** ёки **أَنَّ** юкламалари ёрдамида ҳам бирикиши мумкин. Бунда кўпинча бош гап шахси номаълум бўлган қуйидаги иборалардан ташкил топади:

... **مِنَ الْمُمْكِنِ أَنْ** ... мумкин ёки мумкинки,...

... **لَا بُدَّ مِنْ أَنْ** ... зарур ёки зарурки,...

... **لَا شَكَّ أَنْ** ... шубҳасиз ёки шубҳасизки,...

... **مِنَ الْوَاضِحِ أَنْ** ... аниқ ёки аниқки,...

Масалан: **لَا بُدَّ لَنَا أَنْ نَحْفَظَ دُرُوسَنَا** - Биз дарсларимизни ёдлашимиз керак.

لَا يَجُوزُ أَنْ تَنْسَى الْكَلِمَاتَ الْجَدِيدَةَ - Янги сўзларни унутмаслигинг керак.

لَا شَكَّ أَنْ أَوْضَاعَ الْعَالَمِ قَدْ تَغَيَّرَتْ - Шубҳасизки, дунёдаги вазият ўзгариб кетди.

701-машқ. Қуйидаги гаплар ичидан эга эргаиш гапларни тодинг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) قولې يا جارئي، هل صحيح أن جاري الذي ماتت زوجته في السنة الماضية خطب ابتك؟ (2) كل شيء نتعلمه مفيد، ما لا يفيد لا يوجد. (3) إن أرضنا ليست ككل الأراضي لا تعطي دفعة واحدة ولكن الذي يعرف كيف يراودها يأخذ منها أكثر مما ينتظره. (4) إن الناس هنا كما قلت لك يكرهون العمل... يكرهون الأرض ومن يكره الأرض يرجع إلى بطنها. (5) من كان ينتظري في هذه الدار الجديدة الجميلة من جدتي وأمي وأخواتي اللواتي جئن ليكلمني. (6) إن الذي وضع النقطة للدلالة على نهاية الكلام لم يفكر في نهاية الأمر. (7) إنه يعتقد اعتقادا راسخا أن ليس هناك من يحسن القهوة مثله. (8) كان الذي أبلغه الخبر وصل إلى القرية المركزية بعد المغرب. (9) ليس هناك ما يعجله فالزبانن لا يأتون إلى المقهى في ذلك الوقت المبكر. (10) كان عمي عندئذ جالسا في مكان قرب الدار فأدهشه ما يرى من جموع القادمين نحو بيت العجوز. (11) الشيخ حمودة يداوي جيدا، قل من لا يجد الشفاء على يديه. (12) ما أرجوه يا عزيزي هو أولا أن أعرف رأيك في هذا الزواج المحتمل الذي شاع وذاع. (13) من لا يرى الأحران لا يرى الفرح. (14) أخبروني أيها الناس، أخبروني هل بينكم من لا يستيقظ من رقدة الحياة إذا ما لمس الحب روحه بأطراف أصابعه؟ (15) في ظلام الليل تسير الريح ونحن نسير خلفها خائفين ملتجئين وليس بيننا من يستطيع الوقوف وليس فينا من له أمل بالوقوف. (16) من الحكمة أن يسكت الضعيف عندما يتكلم القوي. (17) من الجهالة أن نحاول إدراك أسرار هذه الأرض وخفاياها. (18) العاصفة لا تحب الحوامض ولا الموالح ولكنها تميل إلى الرطب البارد ولا شك أنها ستجدي لقمة لذيدة إذا قبضت عليّ ثانية. (19) من المعروف أن مدينة سمرقند تشتهر بآثارها التاريخية القديمة العديدة. (20) من واجبكم أن تقرؤوا هذا الكتاب الصغير عن تاريخ الخلفاء العرب الأوائل. (21) من المتوقع أن يصل إلى طشقند وفد علماء التاريخ العربي في أواخر الشهر القادم.

1. Шу йилнинг охирларида ўзбек шарқшунос олимларининг бир гуруҳи араб мамлакатларига бориши кутилмоқда. 2. Ҳеч бир шубҳа йўқки, Ўзбекистон футболчилари Бирлашган Араб Амирликларидан ғалаба билан қайтадилар. 3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги мажлисини келаси ҳафтада ўтказишга қарор қилинган. 4. У таржимон аёлнинг араб мамлакатларида бир неча йил яшагани ва у ерда марказий газеталардан бирининг муҳбири бўлиб ишлагани ҳаммага маълум. 5. Икки дўст давлат раҳбарлари ўртасидаги музокараларнинг муваффақиятли тугашини кутса бўлади. 6. Бу луғатдан фойдаланмай туриб, араб тилини яхши ўрганиб бўлмаслиги шубҳасиздир. 7. Кутганимиз содир бўлди. 8. Эртагача бу арабча матндаги янги сўзларни ёдлашимиз жуда зарур. 9. Ўтган йили Давлат мукофотига сазовор бўлган бу романи биз ҳам ўқиб чиқишимиз керак. 10. Чиндан ҳам дастлабки араб халифалари тарихини ўрганаётганлар ислонинг ўша даврдаги ролини жуда яхши билишади. 11. Биз бахтли яшашимиз учун кўп меҳнат қилишимиз керак. 12. Кунлик «Ахборот» дастуридан бизга маълумки, пахта топшириш шартномавий режасини бажарган хўжаликлар сони кун сайин кўпаймоқда. 13. Кимки йўл қоидасини бузса, ўзидан хафа бўлсин. 14. Маълумки, Муборакдан дунёда энг арзон ва энг сифатли газ чиқади. 15. Ташқарида кучли шамол турди. Шундан маълумки, эртага ҳамма ёқни оппоқ қор қоплайди. 16. Шубҳасизки, мисрлик устозимиз шаҳарни яхши билади. 17. Яман ёшлари ҳақида кеча бизга ҳикоя қилган (киши) у ерда уч йил яшаган. 18. Шубҳасизки, XX аср охирида дунё

мамлакатларининг вазияти тубдан ўзгармоқда. 19. Мехмонлар хонага кириб, бир оз дам олишлари мумкин.

- 703-майқ. Қуйидаги суҳбатни ўрғанинг, сўз ва ибораларини ёдланг:

قبل السفر

إبراهيم: ما هو موعد قيام الطائرة يا أخي ممدوح؟

ممدوح: الساعة الثانية إلا ربعًا.

إبراهيم: ومتى يجب علينا أن نكون في المطار؟

ممدوح: في الساعة الواحدة إلا ربعًا وذلك لوزن الحقائب ولعمل الإجراءات اللازمة.

وفي هذه الحالة يجب أن تتحرك من هنا حوالي الساعة الثانية عشرة إلا ثلثًا على أكثر تقدير.

إبراهيم: لا... لا... السيارة تقطع المسافة في عشر دقائق فقط.

ممدوح: يظهر أنك تحب القيادة السريعة يا أخي إبراهيم.

إبراهيم: نعم، نحن في عصر السرعة.

ممدوح: ولكن المثل العربي يقول: «في التأي السلامة».

إبراهيم: نعم، وأنا أقول «وفي البطء الندامة».

ممدوح: هل تستطيع أن تقول هذا لضابط الجوازات أو لمفتش الجمرك أو لعسكري

المرور؟

إبراهيم: معك حق. إذن هيا بنا! من يركب في سيارة نيكسيا هذه؟ ومن يركب في

سيارتي؟

ممدوح: خذ معك نبيلة طبعًا! وكذلك أحمد. أما السيد فؤاد والسيدة خديجة وسميرة

فيركبون معي.

704-машқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

- Ассалому алайкум, биродар. Сиз тўқимачилик фабрикасига кетаяпсизми?
- Ҳа, ўша ерга кетаяпман.
- Сиз фабрикада ишлайсизми?
- Ҳа, ўша ерда ишлайман.
- Ким бўлиб ишлайсиз?
- Муҳандис бўлиб ишлайман.
- Кўпдан буён ишлайсизми?
- Ҳа, олти йил бўлди. Тошкент енгил саноат институтини тугатганимдан сўнг шу ерга ишга юборилганман. Сиз нима иш билан фабрикага кетаяпсиз?
- Синглимни кўргани.
- Синглингиз фабрикада ишлайдими?
- Ҳа, ўрта мактабни тугатгач, шу фабрикага ишга кирган.
- Ўзингиз нима иш қиласиз? Ёки ўқийсизми?
- Ўқийман. Наманган университетида ўқийман. Келажакда иқтисод бўйича мутахассис бўламан.
- Университет қаерда жойлашган?
- Шаҳар марказида, Чорсу бозори яқинида.
- Ҳа, мана фабрикага ҳам етиб келдик. Хайр, саломат бўлинг.
- Хайр, менга ҳамроҳлик қилганингиз учун миннатдорман. Раҳмат.

§ 181. КЕСИМ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапнинг кесими вазифасида келган эргаш гап кесим эргаш гап дейилади. Кесим эргаш гап ҳам бош гапга эга эргаш гап боғланган воситалар ёрдамида боғланади. Буларни фақат бош гапнинг англатган маъносига қарабгина фарқлаб олиш мумкин. Масалан:

أُولَئِكَ الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ - Ушалар биз китобни нозил қилган одамлардир (Ушалар шуларки, биз уларга китобни нозил қилганмиз).

هَذَا مَا قَرَأْتَهُ فِي الْأَسْبُوعِ الْمَاضِي - Мана шу ўтган ҳафта ўқиганимдир.

Бу ерда кесим эргаш гап бош гапга ма юкламаси ёрдамида боғланган.

Кесим эргаш гап сабаб-мақсадни ифодаловчи юкламалар ёрдамида ҳам бирикиши мумкин. Масалан:

ذَلِكَ لِتَعْلَمُوا الْقِرَاءَةَ وَ الْكِتَابَةَ - Бу сизлар ўқиш ва ёзишни ўрганишингиз учундир.

Амалий машғулот учун топшириқлар

705-машқ. Қуйидаги гаплардан бош ва кесим эргаш гапларни аниқланг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) الحاجة هي كل ما أستطيع أن أحصل عليه ولا يقدر أحد أن يفقدني إياه.
- 2) الحقيقة المجردة هي أنك لا تؤمن بغير نفسك ولا تكرم سواها ولا تقوى غير ميولها.
- 3) هذا ما يقوله هؤلاء الذين يقيسون ضمير العالم بمقياس ضمائرهم ويحللون مراد الوجود بالفكرة القصيرة التي يستخدمونها لحفظ وجودهم الفردي.
- 4) الأمر الذي يعيظني ويجول الدم في عروقي إلى نار محرقة هو أن ذلك العليل الخبيث يقتل الطبيب ثم يعود فيغمض

- عينية. 5) إذا رضي الآباء بموت أبنائهم من أجل الوطن فمعني ذلك أن انتصار الثورة حتمي. 6) في كلتي الحالتين فإن مهنته التي يعتز بها يلحقها عيب وهذا ما لا يرضاه أبدا. 7) هناك من يعمل الشهور الطويلة ولكن لا أحد ينتبه إلى ذلك. يعمل الليل والنهار. 8) المهم هو أن هذه المرأة استولت على نفسها أكثر من كل من حولها من نساء القرية. 9) ما أود هو أن يتعاون الناس ويعملوا، أن يعملوا بلا ثرثرة، هذا هو ما أتمنى. 10) لي رجاء أخير وهو أن لا يفهم المدرس من حديثك أي أرسلتك إليه. 11) هذا ما لا نساها أبدا. 12) إنهم هم الذين أطفأوا بالحرب حياة خالي الراحل. 13) هذا هو ما رأيته في نومي ليلة أمس. 14) هذا كل ما تركه صاحبي من أموال ونقود. 15) قصد الطالب النشيط أن يدرس كل المواد الدراسية جيدا. 16) هذه النصائح لتكونوا عقاء وفضلاء في المستقبل. 17) وطنك الحقيقي هو الذي وُلدت وبعثت فيه. 18) فخر المفاخر أن يضرب أخونا رقما قياسيا في الألعاب الأولمبية القادمة. 19) إذا لم تكن أنت الذي شتمتني فأبوك هو الذي شتمتني.

706-ماشқ. Юқоридаги машқдан фойдаланган ҳолда қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Сиз (мз.) учун янгилик шуки , неча йилдан буён тузалмаётган дардингизга даво топилди.
2. Энг муҳим нарса шуки, бу йигитда ҳамма нарсага қизиқиш етарли.
3. Ректоратдан келган буйруқ шуки, талабалар орасида маънавий тадбирларни кўпроқ ўтказишимиз керак.
4. Менинг бу ҳаётдан орзум шуки, ҳамма яхшилар ниятига етса.
5. Гапнинг рости шуки, Бухоро шаҳри қадимдан ислом цивилизацияси марказларидан бири бўлган.
6. Менинг саодатим шундаки, замонамизнинг машхур арабшуносларидан таълим олдим ва улар билан елкама-елка меҳнат қилдим.
7. Шуларнинг барчаси аввал куни Сиз (мн) ҳақингизда акамдан эшитганла-

римдир. 8. Ақлли йигитнинг вазифаси ота-онасини ҳурмат қилиш, ўзидан кичикка меҳрибон бўлишдир. 9. Бу қарсақ хонанда яна бир марта саҳнага чиқиши учундир. 10. Менинг энг ёқтирган нарсам шуки, барча оила аъзолари эрта тонгда ўринларидан туришса ва ҳар ким ўз иши билан машғул бўлса. 11. Менинг қалбимни ларзага солаётган, томирларимдаги қонни оловга айлантираётган нарса шуки, орамизда яшаб, орамизда бирга юрган айрим кимсалар ўзимизга тош кўтармоқдалар. 12. Очiq-ойдин факт шуки, сизлар (мз.) режада кўзда тутилган барча ўқув предметларига бир хил назар билан қарамаяпсизлар.

§ 182. ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапнинг тўлдирувчиси вазифасида келувчи эргаш гап тўлдирувчи эргаш гап дейилади. Тўлдирувчи эргаш гап ҳам тўлдирувчи жавоб бўлган саволларга жавоб бўлади.

Араб тилида тўлдирувчи эргаш гап бош гапдан кейин келади ва бош гапга қуйидагича боғланади:

1. Ўзидан олдин келган **أَنْ** юкламаси ёрдамида. Бунда тўлдирувчи эргаш гапнинг эгаси тушум келишигида келади. Масалан:

سَمِعْتُ أَنْ هَذَا الطَّالِبُ شَابٌ مُهَذَّبٌ - Эшитдимки, бу талаба одобли йигитдир.

عَرَفْتُ أَنْ الْعِلْمَ نَافِعٌ - Илмнинг фойдали эканини билдим.

2. Агар бош гапнинг кесими **قَالَ** феълидан ёки шу феълнинг бирор формасидан иборат бўлса, **أَنْ** юкламаси вазифасида **إِنْ** юкламаси ишлатилади. Масалан:

يَقُولُ الَّذِينَ الْإِسْلَامِيُّ إِنَّ اللَّهَ وَاحِدٌ - Ислом дини айтадики, Оллоҳ ягонадир.

قَالَ صَدِيقِي إِنَّهُ مَرِيضٌ - Дўстим айтдики, у касал эмиш.

3. Агар бирор сабаб билан тўлдирувчи эргаш гапнинг эгаси бош гапдан узоқда бўлса ва у эргаш гапнинг кесимидан кейинга ўтган бўлса, **أَنْ** (**إِنْ**) юкламасига III шахс музаккар бирлик қўшилувчи олмоши қўшилади ва у таржима қилинмайди. Масалан:

أَخْبَرَنِي الْمَعْلَمُ أَنَّهُ تَوَجَّهَ فِي غُرْفَةِ الدَّرْسِ تِلْكَ كَثِيرًا مِنَ الطَّوَالَاتِ وَ الْكِرَاسِيِّ

-Ўқитувчи менга маълум қилдики, ўша аудиторияда кўпгина стол ва стуллар мавжуддир.

4. Агар бош гапнинг кесими ўзидан кейин предлог талаб этадиган феълдан иборат бўлса, **أَنْ** юкламаси ўша предлогдан кейин келади. Масалан:

فَكَرَرْتُ فِي هَذِهِ الْمَشْكَلَةِ طَوِيلًا - Бу муаммо ҳақида узоқ ўйладим.

فَكَرَرْتُ طَوِيلًا فِي أَنْ هَذَا الْكِتَابَ طُبِعَ فِي السَّنَةِ الْمَاضِيَةِ - Бу китобнинг ўтган йили нашр этилгани ҳақида узоқ ўйладим.

5. Тўлдирувчи эргаш гап баъзан бош гапга **أَلَدِي** ва унинг вариантлари ёрдамида ҳам боғланиши мумкин. Бу нисбий олмошлар тўлдирувчи эргаш гапнинг эгаси билан мослашади. Масалан:

إِنِّي لَا أَسَى الَّذِينَ سَاعَدُونِي فِي أَيَّامِي الصَّعْبَةِ -Қийин кунларимда менга ёрдам қилганларни унутмайман.

6. Тўлдирувчи эргаш гап бош гапга **أَنْ** юкламаси ёрдамида ҳам боғланиши мумкин. Бунда тўлдирувчи эргаш гап феъл кесимли гап бўлиши керак. Масалан:

أَرِيدُكَ أَنْ تَكْتُبَ لِي رِسَالَةً - Менга хат ёзишингни хоҳлайман.

Эслатма. Юқоридаги мисолларнинг ўзбекча варианты кўпинча қўшма гап эмас, балки содда гапдир. Лекин булар араб тилида тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап сифатида талқин қилинади.

Амалий машғулот учун топшириқлар

707-машқ. Қуйидаги гаплардан бош ва тўлдирувчи эргаш гапларни аниқланг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) نحن ما برحنا نردد كلامك الذي يدل على أن الإنسان ليس إلا العوبة في يد القوة غير المعروفة.
- 2) أنا واقف أرى ما لم تر عين الإنسان وأسمع ما لم تعه أذن بشري.
- 3) إني أسهر بالليالي مترقيا ما لا أعرفه ومصغيا إلى ما لا أسمع ومحدقا إلى ما لا أراه ومفكرا بما لا أفهمه وشاعرا بما لا أدركه.
- 4) زال عن الأم استنكارها إذ عرفت الزائرة وتذكرت أنها معها على موعد لتذهبها سويا إلى زيارة والديهما.
- 5) احتضنتها نفيسة وراحت تقبلها قبلات مليئة بما تكنه لها من ود.
- 6) حدثت العجوز طويلا عما يشغلها ولكن البنت أدركت بحدسها أن النفي المقتضب الذي أجابت به العجوز يدل على أن شيئا ما يشغل نفسها فاستدرجتها قائلة: ...
- 7) كيف أعودها على العمل؟ كيف أعود من بلغت الثامنة عشرة من عمرها؟
- 8) لا تبكي يا أمي، الثورة الآن انتهت، ألا تذكرين تلك الأيام السوداء التي عشناها؟ من ظن أننا نحيا حتى الآن!
- 9) شكرت الضيفة الأم وابنتها و أكدت لها أنها لا تستطيع البقاء لتناول الغداء.
- 10) لقد قلت منذ حين إنك لا تحسنين الطبخ.
- 11) إنما لم تفكر في أن تتزوج بالبادية و تحيا فيها حياتها فذلك أسفل ما يمكن أن ينزل إليه حياها.
- 12) إن الحياة التي نحياها الآن بين أهلها لا تختلف عما قرأته بخصوص عصور ما قبل

التاريخ. 13) أنظر إلى أمي وأعمل مثل ما تعمل مسكينة هذه العجوز الطيبة! إنما لا تدري أنني لا أريد أن أكون مثل أمي. 14) تهتدت بأسى مما جرى في نفسها من أفكار. 15) لاحظت العجوز لأول مرة أنها أمام امرأة لا تعرف مثيلا لها في هذه القرية. 16) أحست العجوز أنها تكتشف هذه الفتاة لأول مرة وشعرت أن قبولها الزواج من ذلك الفتى ليس يسيرا. 17) كم هي جميلة هذه الأنعام، لكأنها عذر لما يبدو عليها من فقر، إنما بصفاتها وعذوبتها تجعل فراغ القرية أجمل مما أبدعه العمران. 18) أ تريدون أن يترك هذا الراعي غنمه ويلتحق هنا بهؤلاء الذين تركوا أعمالهم وأتوا لتعمير المهدي. 19) لاحظ أحمد ما يجري بينهما من تبادل نظرات مغتظة فسر غاية السرور وأدرك أن حيلته نجحت جزئيا. 20) كان الشيخ بعد وقوع الحادث متأكدا من أن السلطة الاستعمارية ستعقم أبشع انتقام ولكن لم يكن يدري أن تكون هذه القرية هي محل سخطها.

708-ماشқ. Қуйидаги гапларни тўлдирувчи эргаш гапли қўшима гап шаклида арабчага ўғиринг:

1. У (мн) қўлини кўтарсин ва янги мавзуни тушунмаганлигини ўқитувчига айтсин. 2. Ўзбек халқи шуни яхши биладики, барча юртлардаги оддий одамлар бутун дунёда мустақкам тинчлик бўлишини хоҳлайдилар. 3. Тошкентда ўтган ойда ташкил этилган халқаро кўргазма шуни кўрсатдики, Шарқий Осиё мамлакатларида электроника ва компьютер саноати кундан-кунга ривожланмоқда. 4. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантирадики, чекиш саломатлик учун хавфлидир. 5. Биринчи курс толибаси араб тилида ўқиш ёзишдан кўра қийинроқ эканини айтди. 6. Университетимизнинг ректори ўтган ҳафтада вазирликка бориб келганлигини

биламиз. 7. Биз Миср Араб Республикасининг араб мамлакатлари орасида энг ривожланган, замонавий маданиятни тўла эгаллаган давлат эканлигини биламиз. 8. Сиз (*мн*) билан бир гурӯҳда ўқиётган дугонангиз айтдики, араб тилини университетга кирмасингиздан илгари мустақил ўрганган экансиз. 9. Биз эртага Имом Бухорий макбарасини зиёрат қилиш учун Самарқандга кетаётганимиз ҳақида гуруҳ раҳбарингизни огоҳлантирганман. 10. Институтимизга араб тилидан дарс бериш учун Кувайтдаги араб тили марказидан устоз келган ва бир-икки ҳафтадан кейин Саудия Арабистонидан ҳам яна бир устоз келади деб эшитганман. 11. Биз инглизча журналда ўқидикки, Кувайт ҳудуди жиҳатидан араб мамлакатлари ичида энг кичиги экан. 12. Машҳур инглиз ёзувчиси ёзадики, араб тили ўрта асрларда илмфан тили ҳисобланган. 13. Акам айтадики, Сиз (*мз.*) Қоҳира университетининг филология факультетида акам билан бирга ўқиган экансиз. 14. Кимдандир эшитдимки, уйимизда ўтирган меҳмоннинг акаси ўтган йили иқтисодиёт университетини тугатипти. 15. Ошхонада бизга овқат тайёрлаётган онам сездиларки, биз дарсга жуда шошилиб турибмиз. 16. Ректоратдан маълум қилишларича, университетимиз учун янги ўқув корпуси қурилиши келаси йилда бошланармиш.

709-машқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг:

Смир: هل تعرف أطول كلمة في اللغة العربية يا كريم؟

Кريم: دعني أفكر... هل هي كلمة «المستشفيات»؟

Смир: لا.

Кريم: لا أعرف. قل لي أنت.

Смир: كلمة «جميلة».

Кريم: ولكن هذه الكلمة فيها خمسة حروف فقط، فكيف تكون أطول كلمة عربية؟

Смир: لأن بين الحرف الأول والحرف الأخير «ميل».

710-машқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўзиринг:

- Хайрли тонг, Саодат.

- Хайрли тонг, Нафиса.

- Сиз қаердан келяпсиз?

- Мен дугонам билан озиқ-овқат магазинига борган эдим. Ҳозир у дорихонага дорига кириб кетди.

- Сиз қайси магазинга бордингиз?

- Биз Навоий кўчасидаги магазинга бордик. У теле-студия биноси яқинига жойлашган.

- Биламан, у катта магазин. Мен ҳам у магазинга тез-тез бориб тураман. У ердан олма, нок, узум каби мевалар сотиб оламан. Сиз ҳам мевалар харид қилганга ўхшайсиз-а?

- Ҳа, биз ҳам олма, узум олдик. Бу магазиннинг қандолат бўлими ҳам жуда бой экан.

- Тўғри, аммо Пушкин кўчаси бошланишидаги магазиннинг қандолат бўлими яна ҳам бой. У ерда доим янги турли хил конфетлар бўлади. Биз у магазинга ҳам тез-тез бориб турамиз.

- У ерга сиз нимада борасиз?
- Биз метрода борамиз. Сиз-чи?
- Бизнинг уйимизга метро бекати анча узоқ, шунинг учун мен автобусда бораман.
- Ана, дугонам келяпти. Дорини тез олипти.
- Сиз ётоқхонага кетаяпсизми?
- Йўқ, Дилфуза келмоқчи эди, мен уни кутиб тураман. Биз у билан чеварга бормоқчи эдик.
- Хайр бўлмаса, биз ётоқхонага кетдик.
- Хайр, саломат бўлинг, яхши боринг.

§ 183. ШАХСИ НОМАЪЛУМ ГАП

Эгаси мавжуд бўлмаган ва кесим ифодалаган иш-ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум бўлган гап шахси номаълум гап дейилади. Шахси номаълум гап учун муҳими ўша иш-ҳаракатнинг бажарувчиси эмас, балки унинг бажарилиш фактидир («Темирни қизиғида бос, дейдилар» каби).

Араб тилида шахси номаълум гапнинг кесими ўтган ва ҳозирги-келаси замонда бўлиши мумкин ва у қуйидагича ифодаланади:

1. Кесим III шахс кўплик музаккар феъл билан ифодаланади. Масалан:

يَقُولُونَ إِنَّهُ يَعْرِفُ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ حَقَّ الْمَعْرِفَةِ - Айтадиларки, у араб тилини жуда яхши билади.

كُتِبُوا أَنْ كُلِّ مَوْلَانِهِ سَتُنَشْرُ فِي الْوَقْتِ الْقَرِيبِ - Ёзишларича, унинг барча асарлари яқин вақт ичида нашрдан чиқади.

2. Кесим III шахс бирлик музаккар мажҳул нисбатдаги феъл билан ифодаланади. Масалан:

Бу мақолада Яқин Шарқдаги сўнгги воқеалар ҳақида гапирилади.

Форс кўрфазиддаги уруш операциялари ҳақида кўп гапирилди.

3. Баъзан бундай гапларда кесим бўлиб келган феълнинг аниқ нисбат сифатдоши гапнинг формал эгаси бўлиши мумкин. Бунда феъл музаққар бирлик аниқ нисбатда бўлади. Масалан:

Сўралдики... – سَأَلَ سَائِلٌ أَنْ... , ... – Айтилдики... – قَالَ قَائِلٌ إِنَّ...

Амалий машғулот учун топшириқлар

711-машқ. Қуйидаги гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) يقولون لي: ما نكبة بلادك سوى جزء من نكبة العالم وما الدموع والدماء التي أهرقت في بلادك سوى قطرات من نهر الدماء والدموع المتدفق ليلاً ونهاراً في أودية الأرض وسهولها. (2) كُتِبَ في هذه المقالة أن عدد سكان جمهورية مصر العربية ازداد في السنوات الأخيرة بكثير. (3) أذيع بالتلفزيون الجمهوري أنه سيصل رئيس الحكومة السورية إلى طشقند في الأسبوع القادم. (4) قيل في نشرة الأخبار الأخيرة إنه سيحتفل الشعب الصيني غداً بعيدة الوطني وهو عيد الاستقلال. (5) قد يقال إن هذه الكتب غير معروفة لهم. (6) يقولون إنه يعرف اللغة العربية حق المعرفة. (7) يحسبون أن القضية يمكن حلها بطريق هيئة الأمم المتحدة فقط. (8) يُعتبر أنه عالم كبير. (9) يقال في هذه المقالة عن الحوادث الأخيرة في تركيا. (10) أرحف المرجفون أن الزوجة دبرت مؤامرة لزوجها.

712-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. «Ўзбекистон» нашриётида яқинда чоп этилган ўша китобда Ўзбекистонинг нефть ва газ саноатида кўлга

киритган ютуқлари ҳақида гапирилади. 2. Саудия Арабистонининг энг нуфузли газеталаридан бирида ёзилишича, бу йил ҳаж зиёратига келувчилар сони аввалги йиллардагидан анча ошади. 3. Айтадиларки, илмий-назарий конференцияда маъруза қилган ўша толиба қиз инглиз ва француз тилларини жуда яхши билади. 4. Ўтироқ этилишича, Англия Фанлар Академиясидан маъруза қилиш учун келган доктор атом физикаси соҳасидаги энг йирик олимлардан биридир. 5. Ёшлар телеканалидан хабар беришларича, Ўзбекистоннинг футбол терма командаси Бирлашган Араб Амирлигида ўтказилган футбол мусобақасида барча командалар усти-дан ғолиб келиб, чемпионликни қўлга киритган. 6. «Машъал» радиостанциясидан ўқилган сўнгги ахборотда маълум қилинишича, йигирма йилдан буён давом этаётган афғон уруши фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти комиссияси томонидангина ҳал этилиши мумкин. 7. Республиканинг иқтисодий сиёсати ҳукуматнинг ўз ички иши ҳисобланади ва четдан бунга аралашшига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. 8. Ҳар йили 1 сентябрь куни биз нишонлайдиган Мустақиллик куни республикамизнинг энг катта ва энг нуфузли миллий байрами ҳисобланади.

§ 184. ШАРТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошиш шартини билдирувчи эргаш гап шарт эргаш гап дейилади. Араб тилида кўпинча шарт эргаш гап бош гапдан олдин келади.

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошиш шarti реал («Яхши ўқисанг, тушунасан» каби) ва нореал

(«Яхши ўқиганингда эди, тушунардинг» каби) бўлиши мумкин:

1. 1. Реал шартни билдирувчи шарт эргаш гап олдидан **مَنْ، مَتَى، إِذَا،** **إِنْ** юкламаларидан бири келиши мумкин:

مَنْ، مَتَى، юкламалари иштирок этганида, эргаш гапдаги феъл ҳам, бош гапдаги феъл ҳам ёки ўтган замонда, ёки шарт майлида келади. Лекин бу гапдан англашилган шарт маъноси ҳозирги ёки келаси замонга тегишли бўлади. Масалан:

إِنْ خَرَجْتَ مِنَ الْغُرْفَةِ خَرَجْتُ مِنْهَا - Агар сен хонадан чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

إِنْ تَخْرُجَ مِنَ الْغُرْفَةِ أَخْرَجْتُ مِنْهَا - Агар сен хонадан чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

إِنْ تَسْأَلُوا كَثِيرًا تَعَلَّمُوا كَثِيرًا - Кўп сўрасангизлар (мз), кўп биласизлар.

مَتَى تَخْرُجَ أَخْرَجْتُ - Қачон сен чиқсанг, мен ҳам чиқаман.

مَنْ زَرَعَ الْمَعْرُوفَ حَصَدَ الشُّكْرَ - Кимки эзгулик экса, таҳсин теради.

2. **إِذَا** юкламаси ишлатилганида, ҳар икки гапдаги феъл ўтган замон шаклида келади. Лекин шартнинг маъноси ҳозирги ёки келаси замонга тегишлилигича қолади. Масалан:

إِذَا دَخَلْتَ الْغُرْفَةَ رَأَيْتَ الْقَنْدِيلَ فِيهَا - Сен(мз) хонага кирсанг, ундаги қандилни кўрасан.

3. Баъзан бош гапнинг мазмунига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, бош гап эргаш гапдан олдин келиши ҳам мумкин. Масалан:

أَغَارَ مَن كَسَالَ مَن دَسَامَ، - Агар мен касалман десам,
муболаға қилмаган бўламан.

Куйидаги ҳолларда бош гап олдидан **فَ** юкламаси
кўйилади:

1. Бош гап от кесимли гапдан иборат бўлса.
Масалан:

إِن لَّمْ تَرَ هَذِهِ الْكَارِثَةَ فَأَنْتَ سَعِيدٌ - Агар сен бу фалокатни
кўрмаган бўлсанг, бахтлисан.

2. Бош гапдаги феълдан буйрук, илтимос, хожиш-
истак маънолари англашилса. Масалан:

إِذَا لَمْ يَعِشْ حُرًّا بِمَوْطِنِهِ الْفَتَى فَسَمَّ الْفَتَى مَيِّتًا وَ مَوْطِنَهُ قَبْرًا - Агар инсон
ўз ватанида эркин яшамаса, уни ўлик, ватанини қабр
хисобла.

3. Бош гапдаги феъл **قَدْ**, **سَوْفَ**, **سَاءَ** каби юкламалар
билан, шунингдек, **لَنْ** ёки **لَنْ** инкор юкламалари билан
бошланган бўлса:

إِن تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ فَلَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ - Агар сен улар учун кечирим
сўрасанг, Оллоҳ уларни ҳеч қачон кечирмайди.

II . Нореал шартни билдирувчи шарт эргаш гап
одидан **لَوْ** юкламаси кўйилади ва бу гапдаги феъл
кўпинча ўтган замон шаклда келади. Масалан:

لَوْ زُرْنَا الْمَسْرُوحَ شَاهَدْنَا فِيهِ تَمَثُّلًا رَائِعًا - Агар театрга
борганимизда эди, унда ажойиб спектакль томоша
қилган бўлар эдик.

Бундай гапларда бош гап олдидан **لَوْ** юкламаси ҳам
кўшилиши мумкин. Бу юклама гапнинг маъносига
таъсир ўтказмайди. Масалан:

Вақтим бўлганида - لَوْ كَانَ عِنْدِي وَقْتُ لَكْتُبْتُ مَقَالََةً لِجَرِيدَةِ الْخَانِطِ
эди, деворий газетага мақола ёзган бўлардим.

Баъзан норéal шартни ифодалашда бош гап бирикма олмош билан ў юкламасидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Масалан:

لَوْلَاهُ لَكُنْتُ تَعْسًا - Агар у (мз) бўлмаганида эди, мен бахтсиз бўлган бўлар эдим.

لَوْلَاكَ لَهْتُ فِي الطَّرِيقِ - Сен бўлмаганида эди, йўлда адашган бўлардим.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТОПШИРИКЛАР

713-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, ундаги бош ва реал шарт эргаш гапларни топинг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) إن كان بقائي يوجب فناء سواي فالموت إذن ألد لديّ وأحب. (2) الحياة امرأة عاهرة ولكنها جميلة ومن ير عهرا يكره جماها. (3) اسكت يا قلبي حتى الصباح فمن يتربح الصباح متجلدا يعاتقه الصباح مشتاقا. (4) هز الطبيب رأسه قائلا: من العباوة أن نستأصل الضرس إذا كان بإمكاننا تطيبه. (5) إذا قال لي "صباح الخير" يحمّر وجهه.
- 6) — المثل يقول: "لا تمشي الأرجل إلى حيث يحب القلب" وأنا أحبكم. — إن كنت تحبينا فاقعدي معنا حتى الغداء. (7) إنما صارت الآن امرأة أي في سن الزواج فإن لم تعلم الطبخ والشؤون المنزلية فأين تعلم؟ (8) إذا لم يعجبنا طعام فأى طعام يعجبنا إذن؟ (9) هل قريتنا ومدينة الجزائر متساويتان؟ الرجال هنا كالوحوش يلتهمونك بأعينهم إن رأوك.
- 10) طبعاً لم تكن عداوقما صريحة بينهما فهما إذا التقيا لا يبدو عليهما ما يوحي بعداوة. ولكن كل واحد منهما يحس بعدم ارتياح إذا وجد نفسه أمام الآخر. (11) إن رأيت مصوغاتي تكفي لتسديد المبلغ المطلوب فبها. أما إذا بعنا الغنم فلم يعد لبقائنا هنا أي مبرر.

12) الولد الصالح مثل الأرض الصالحة إن لم تريحك الريح الكثير فلن تحسرك. (13) هو لا يلعب دائما ولكنه إذا لعب فإما أن يخسر إلى النهاية أو يربح أيضا إلى النهاية.

714-ماشқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, ундаги бош ва нореал шарт эргаши гапларни аниқланг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) إحدى وعشرون لوحة بهذا السقف! لو كان به ثمانى عشرة لوحة فقط لبقيت ثغرة فيه أو لو كانت الألواح أعرض قليلا مما عليه لكفت الثمانى عشرة لوحة... (2) لو قضيت هذه العظلة في الجزائر لاستطعت أن ألقى صديقي ذلك. (3) أنا أتعجب ممن لا يحب القهوة! إنني لو لاها لما استطعت القيام ولا القعود. (4) لو كان بيدي مال لتصدقت كل جمعة بالطعام. (5) لولا هذا الناي لظننا القرية خلت من سكانها منذ سنين. (6) إنني مشغولة بمراجعة دروسي يا خالتي، ثم إنني لو حاولت أن أتعلم صنع ما تصنعين هنا من الأواني لكسرت كلها. (7) لا أحد يدري كيف كانت تبدو هذه القرية الفقراء لزاثيرها لو لم يكن فيها هذا الراعي الطيب الذي يملأ سماءها أنغاما. (8) منذ أن كانت الدنيا كان الموت وكانت الحياة فلو أوقف الناس قلوبهم عند موتاهم الأعرزاء لتوقفت الحياة. (9) لو فكّرت البلدية في إنشاء ورشات للعمل ولو فكّرت في بناء دار للتربية والثقافة الشعبية ولو فكّرت في تعبيد طرق هذه القرية والقرى التابعة لها ولو فكّرت في شق انجاري... لو فكّرت في كل ذلك لما بقي فقر ولا جهل ولا ذباب. (10) لو كان الناي معه ولم يكن بهذا المكان القريب من الدار لأخذه وعزف أرقّ الألحان لهذه الآمال الغامضة. (11) لو أحدثك عن كل ما وقع في تلك السنة من مأس ورزايا لما كفتني أيام بلياليها. (12) النار... النار... لو لاها لما استطعت صنع آنية واحدة! (13) هو الوحيد من جيله الذي شارك في الحرب العالمية الأولى وكاد أن يضيع فيها حياته لو لا لطف الأقدار. (14) الشفاه الرقيقة، الأنف المستقيم، البسمة الساحرة... كالقمر، كهلال العيد! أنا لو أوما لي بإماعة واحدة ذهبت معه إلى حيث يريد. (15) لو كنت سنبله من القمح نابتة في تربة بلادي لكان الطفل الجائع يلتقطني

ويزيل بحباتي يد الموت عن نفسه. لو كنت ثمرة يانعة في بساتين بلادي لكانت المرأة الجائعة تتاولني وتقضمني طعاما. لو كنت طائرا في فضاء بلادي لكان الرجل الجائع يصطادني ويؤذي بجسدي ظل القبر جسده.

715-ماشқ. Қуйидаги реал ва нореал шарт эргаш гапли қўшма гапларни арабчага ўғиринг:

1. Агар университетга мен билан бормоқчи бўлган бўлсангиз (мз.), мен боришга тайёрман. 2. Агар Муҳаммад дарсларидан сўнг бу хонага кирса, мени стадионга кетди деб айтинг (мн). 3. Агар сизлар (мн) Миср маданий марказига борсангизлар, ҳозирги замон сиёсатининг актуал муаммоларига бағишланган маърузада қатнаша олмай-сизлар. 4. Агар дугонам касал бўлмаганида эди, биз билан ҳозир тўртинчи курсда ўқиган бўлар эди. 5. У (мн) меҳнатдан қочмаганида эди, эрта тонгда кийиниб, бу ерга етиб келган бўлар эди. 6. Ҳурматли меҳмон, агар Сиз (мз.) Фарғона водийсига ташриф буюргангизда эди, Ўзбекис-тоннинг ҳақиқий жамолини кўрган бўлардингиз. 7. Агар биз шаҳримизнинг шимолий қисмидаги тузар - жой масканидан янги квартира олганимизда эди, унга мос бўлган янги чиройли мебель ҳам сотиб олган бўлар эдик. 8. Мисрлик устоз бу илмий-назарий конференцияда иштирок этганида эди, ота-боболаримиздан қолган расм - русумлар, урф-одатларимиз ҳақида кўп янги маълумотлар эшитган бўлар эди. 9. Агар тўққизинчи синф ўқувчилари уй вазифаларини бажармаганларида эди, янги мавзунини тушунмаган бўлар эдилар. 10. Агар биз Наманган - Тошкент поездига бугун билет ололмасак, эртага Тошкентга жўнай олмаймиз. 11. Сизлар (мз.) бўлмаган

нингизда эди, мен бу офатдан кутулолмаган бўлардим. 12. Бу матни таржима қилишда ёрдам бермаганларида (мз.) эди, бугун бу ерда сизлар (мз.) билан ўлтирмаган бўлардим. 13. Тўнғич опам янги ҳовли сотиб олса, мен албатта янги мебель совға қиламан. 14. Қачонки улар (мз.) мени чорлашса, мен ўша пайтда «лаббай» деб жавоб бераман. 15. Сиз (мз.) қаерда бўлманг, мен Сизни албатта қидириб топаман. 16. Агар сизлар (мз.) Миср Араб Республикасига борсангизлар, албатта Луксор ва «Води-л-мулук» ёдгорликларини бориб кўринглар. 17. Агар у (мз.) уйига кечаси кеч қайтса, менга телефон қилмасин. 18. Агар бу йил ёзда Нанай қишлоғига борсак, у ерда тўрт ҳафта турамыз. 19. Агар Сиз (мн) бугунги «Ал-Аҳром» газетасини ўқиган бўлсангиз, демак Сиз Қоҳира ҳақида кўп янги маълумотларни биласиз. 20. Агар мен келаси йили университетни тугатсам, албатта икки йил Бирлашган Араб Амирликларида ишлайман.

716-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг:

Офарин!; бу дунё; турар-жой маскани; Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси; духтурлар жамоаси; тарихий ёдгорликлар; заковатли йигит; худо номи билан қасам ичаман; Сиз (мн) ноҳақсиз; отамнинг соқоли ҳақи; мутасаввиф олим; соф муҳаббат; Шимолий Фарғона канали; эрталабки бадантарбия машқлари; соғлиқни сақлаш вазирлиги; элчи жаноблари; кекса ўқитувчилар; иктисодий тараққиёт; ҳар меванинг ўз мазаси бор; сизлардан (мз.) ўтиниб сўрайман; Ўзбекистон Мадҳияси.

وادي فرغانة

إن هذا الوادي الذي اكتسى بالرداء الأخضر في وسط صحارى آسيا المركزية الواسعة الصفراء والذي تتوفر فيه فاكهة الصيف والشتاء دون انقطاع اشتهرت شهرته في العالم العربي بفضل رواية "عروس فرغانة" للكاتب المصري الشهير جرجي زيدان...

سُمي السائحون هذا الوادي في العهود القديمة باسم "لؤلؤة آسيا المركزية" وفي الحقيقة إن هذا الوادي من قديم الزمان كان يجذب انهباء الملوك و السلاطين والقادة العسكريين في العالم كله وذلك لأراضيه الخصبه و مياهه التي تتدفق في أنهاره وجداوله ولعادات سكانه الذين يتلذذون بمسابقاتهم في الكرم والسخاء ولسنا مبالغين إذا قلنا إن القائد اليوناني العظيم إسكندر ذا القرنين وقائد الجيش المغولي تشينجيزخان والقيصرة الروس عندما استهدفوا غزو آسيا المركزية كان هدفهم الرئيسي هو الاستيلاء على وادي فرغانة والسيطرة على ثرواته الموجودة فوق أراضيه وتحتها.

وفي كثير من آيات القرآن الكريم تُسمى البساتين التي تجري من تحتها الأنهار بالجنة والفردوس في الآخرة... أليس من حقنا أن نطلق على هذا الوادي اسم "فردوس الحياة الدنيا"؟!

إن هذا الوادي الجميل الرائع محاط بجهال تيان شان شمالا و جهال حصار آلاي جنوبا وطوله من الغرب إلى الشرق حوالي 300 كم وعرضه من الشمال إلى الجنوب حوالي 170 كم. أما ارتفاعه عن سطح البحر فهو في المناطق الغربية 330 مترا وفي المناطق الشرقية حوالي 1000 متر.

والمصادر الرئيسي للمياه في وادي فرغانة هو نهر "سردريا" وهو يقوم برى جميع حقول هذا الوادي وكذلك يشرب جميع السكان من هذا النهر العظيم ولغرض توسيع شبكة الري في الوادي أنشئت في بداية القرن العشرين قناة فرغانة الشمالية. أما في منتصف هذا القرن فقد تم افتتاح قناة فرغانة الكبيرة وقناة فرغانة الجنوبية وفي السبعينيات تم إنشاء قناة نمنغان الكبيرة ومع ذلك أسست بحيرة "قيراق قوم"، المملوءة حاليا بالمياه وكل هذه الشبكات تساعد في توسيع الأراضي الزراعية وارتفاع مستوى المعيشة لسكان هذا الوادي.

وفي الوادي توجد سبع مدن كبيرة وهن مدينة فرغانة ومرغلان ونمنغان وخوقند وأنديجان وأوش وخوجند وسكان تلك المدن يشتهرون بمروءتهم وسخاوتهم. إن فتياته الجسر وفتياته ذوات الحياء والأخلاق الحميدة ونساء الحثاثة وشيوخه العقلاء الفضلاء والأجداد المحترمين والجدات هم أعظم وأعلى ثروة هذا الوادي. فكل بيت في هذا الوادي محترم مكرم بوجودهم فيه وكل مدينة وقرية مزدهرة بدعائهم وكل من يسكن هذا الوادي سواء كان شابا أو شيخا، فتاة كانت أو امرأة يفتخر بأنه واحد من سكان هذا الوادي العظيم!

أيها القارئ العزيز وأيتها القارئة المحترمة إننا نتمنى لكم زيارة وادي فرغانة فسترون كل ما أخبرناكم به بأعينكم وستأكدون عندئذ أن قولنا وكلامنا لا مبالغة فيه...

717-машқ. Йигирма олтинчи матнни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг, сўзларини ўрганинг ва ўзбекчага ўғиринг.

718-машқ. Йигирма олтинчи матндаги гапларни синтактик таҳлил қилинг.

719-машқ. Йигирма олтинчи матндан аниқловчи эргаш гапли, эга эргаш гапли, кесим эргаш гапли қўшма гапларни топинг ва уларнинг қандай шаклланганини тушунтиринг.

720-машқ. Йигирма олтинчи матндан тўлдирувчи эргаш гапли, шарт эргаш гапли қўшма гапларни ва шахси номаълум гапларни топинг ҳамда уларнинг шаклланиш қондасини тушунтиринг.

721-машқ. Йигирма олтинчи матндан фойдаланиб, ўзингиз яшаб турган водий (воҳа) ҳақида араб тилида баён ёзинг.

722-машқ. Қуйидаги бирикмаларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:

أنعام الناي، يد القوة غير المعروفة، تلك الأيام السوداء، معاد قيام الطائرة، ضابط
الجوازات، القيادة السريعة، عصر السرعة، نهاية الكلام، إعداد القهوة، إدراك أسرار
هذه الأرض، عدم ارتياح من هذه المقابلة، انكماشات رقيقة، ذلك الفق القروي، حرارة
الطقس، الطريق الموصلة إلى مزرعة القطن، هذه هي المرة الأولى، مطالعة بعض الكتب،
الشئون المنزلية، تسديد المبلغ المطلوب، الولد الصالح، مراجعة الدروس، ورشات
للعمل، الثقافة الشعبية، تعبيد الطرق، شق المجاري.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ҚИСМ
ЯНГИ ИБОРАЛАР

ابن الأطرش Ибн ул-Атраш

أغنية التوم алла

بالتفصيل муфассал

بغت السور хурсандлик сабаб-
чиси

بنت البحر сув париси, русалка

خزانة مائة молиявий хазина

ذقة القلب юрак уриши

(тепиши)

رجل عمل тадбиркор

سواد Суод

سكنة الليل тун сокинлиги

شده النشاط ўта ҳаракатчан

قضى لوعة кийналиб жон бермок

كل عام وأنتم بخير янги йилингиз

(байрамингиз) муборак

بۇلسин! (жавоби *بخير*)

ليس من العدل أن...
эмаски,...

ما شاء الله! қандай ажойиб!

محصنة الصبح самимий масла-

хат бермок

مذكور أعلاه юқорида зикр

этилган

مساء الخير хайрли оқшом!

(тилақ)

مساء الثور хайрли оқшом!

(жавоб)

مسحة من الجمال шунчаки гўзал-

лик

مع شديد الأسف минг афсус!

مقتبل الحياة умрнинг гуркира-

ган пайти

من هو ذا у ўзи ким?!

مهما كان الحال нима бўлса ҳам

نوبة حمى безгак хуружи

هو على موعد у кўришиши

керак, унинг учрашуви

бор

يوسف الفخري Юсуф ал-Фахрий

§ 185. ТҮСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Тўсиқсиз эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг амалга ошишига тўсқинлик қилади, лекин шунга қарамай, бош гапдаги иш-ҳаракат амалга ошган бўлади ёки амалга ошади.

Араб тилида тўсиқсиз эргаш гап бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам, бош гапнинг ўртасида ҳам келиши мумкин ва тўсиқсиз эргаш гап олдидан қуйидаги ёрдамчи сўзлар келиши мумкин:

1. وَإِذَا، وَلَئِن، وَإِنْ Масалан:

إِنَّا نَعْرِفُ جُغْرَافِيَا الْبِلْدَانِ الْعَرَبِيَّةِ وَإِنْ لَمْ نَزُرْهَا – Биз бормаган бўлсак ҳам, араб мамлакатлари географиясини биламиз.

2. بِالرَّغْمِ مِنْ أَنْ، بِالرَّغْمِ مِنْ أَنْ، مَعَ أَنْ. Бу юкламалардан кейин эргаш гапнинг эгаси тушум келишигида келади. Масалан:

مَعَ أَنْ أَلْفَعَةُ الْعَرَبِيَّةِ صَعْبَةٌ نُحِبُّهَا جِدًّا – Араб тили кийин бўлса ҳам, биз уни жуда севамиз.

بِالرَّغْمِ مِنْ أَنَّهَا جَاوَزَتْ السَّبْعِينَ كَانَتْ مَمْلُوءَةً بِالنَّشَاطِ – У (мн) етмишдан ошган-лигига қарамай, серҳаракат эди.

رَغْمَ أَنِّي كُنْتُ مَشْغُولًا جِدًّا حَضَرْتُ هَذِهِ الْحَفْلَةَ – Мен жуда банд бўлишимга қарамай, бу тантананда иштирок этдим.

3. وَأَوْ، مَهْمَا – юкламалари. Бу юкламалардан кейин феъл ўтган замонда ҳам, ҳозирги-келаси замонда ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

أَنَا لَنْ أَعُودَ إِلَيْكَ مَهْمَا اسْتَرَحَمْتَ دَقَاتِ قَلْبِي – Мен сен томон ҳеч қачон қайтмайман, гарчи юрагим тепкилари ўтиниб сўрасалар ҳам (Қўшиқдан).

4. Булардан ташқари қуйидаги олмошлар ҳам тўсиқсиз эргаши гап олдидан боғловчи вазифасида ишлатилиши мумкин: **أَيَّمَنَ** – ким бўлса ҳам, **أَيَّمَا** – нима бўлса ҳам, **كَيْفَمَا** – қандай бўлса ҳам, **حَيْثَمَا** – қаерда бўлса ҳам, **مَتَى** – қачон бўлса ҳам. Масалан:

هَمْ يُعْجِبُونَ النَّاسَ كَيْفَمَا لَعِبُوا – Қандай ўйнамасинлар, одамларга улар ёқаверадилар.

أَيَّمَنَ سَافَرْنَا مَعَنَا كَانَ مُسَوِّطًا – Ким биз билан сафар қилмасин, мамнун бўлади.

حَيْثَمَا كُنْتُمْ كُنْتُ مَعَكُمْ – Сизлар қаерда бўлманг, мен ҳам сизлар билан бўламан.

Амалий машғулот учун топшириқлар

723-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, ундаги бош ва тўсиқсиз эргаши гапларни топинг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) لم ينجح رضا في الامتحان بيد أنه لا يتخلف عن دروسه. 2) أما وقاري فهو مستمد من جمال تراه كيفما حوّلت عينيك. 3) اليوم قد خفّ الهواء وغمر النور الطبيعة وسكنت الأمواج وانقشعت الغيوم فكيفما نظرت أراك وأري أسرار الحياة محيطة بك كاهالات التي يحدّثها جسم العصفور على وجه البحيرة الهادئة عندما يتحجم بمائها الهادئ.
- 4) ينادونني «الصغيرة» لست أدري لماذا؟ بيد أنني أكبر من بعضهم جسما وسنا. 5) مهما يكن من أمر فإن صاحب البيت اليوم مسرور، شديد النشاط لاستقبال ضيوفه. 6) كانت نفيسة ترفع بصرها بين الحين والآخر نحو مالك الذي كان ينظر إلى الأرض مجتهدا أن لا تنزلق منه أية نظرة نحوها بالرغم من أنه كان يحس وجودها أكثر مما ينبغي ويمجد لذلك لذة خفية لا تقدر. 7) أفكر في موضوع وأتحدث عن آخر دون أن أعرف هذه الرابطة العجيبة

بين نفسي ولساني. 8) أخذ الطاهر لقصة «الوسادة الخالية» فمسكها بين يديه مدة دون أن ينظر إليها أو يفتحها. 9) هناك شيء آخر يتعلق بحياة الحاج أحمد: أيامه لا تقصر ولا تطول مهما اختلفت الفصول. 10) قولي له يا أمي لن أتزوج ولن أنقطع عن دراستي سأعود إلى الجزائر مهما كان الحال. 11) ضحكت الفتاة من هذا العطف الغريب الذي أبداه لها الراعي وتعجبت من انفتاح نفسه لها مع أمها لأول مرة تحدته. 12) إن الأرض مهما كانت جميلة أو قاحلة لا أهمية لها بلا بشر. 13) كانت الرسوم سوداء من صبغة أعدتها هي لا تزول مهما قدمت الآنية واستعملت. 14) جلست العجوز تستريح بيد أن الجلوس لم يرحها. 15) إن الفناجين والكؤوس ولو أمها متشابهة في الظاهر فهي لدى عمي الحاج ذات شخصيات مستقلة. 16) مهما كانت عيوب هذا الرجل فهناك خصلة يتميز بها لا يمكن أن يناقش فيها أحد وهي أنه رجل عمل وإقدام. 17) كانت رحمها الله تحب أن تكون دائما سببا في بعث السرور والأمل مهما اشتدت الرزايا. 18) إن هواء المدن يضيء على صاحبه مسحة من الجمال ولو لم يكن جميلا. 19) ولكنك من جهة الصلة الدموية أنت القريب الوحيد ويجب أن تتولى ما خلفته الفقيدة ولو كان قليلا. 20) ولما وصلت الطالبة إلى الجملة المذكورة أعلاه توقفت عن المطالعة بالرغم من أن المقال لم ينته.

724-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Агар Сиз (мз.) телефон рақамимни билсангиз, банд бўлсангиз ҳам, эртага эрталаб соат саккизда менга телефон қилинг. 2. Талаба дўстларимиздан ҳали ҳеч ким етиб келмаган бўлса ҳам, бошқа шаҳардан келган меҳмонлар залда кўпчилик эди. 3. Поезднинг чиптаси чўнтагимда бўлса ҳам, мен вокзалга жуда эрта етиб келдим. 4. Мен ишдан қанчалик чарчаб қайтмайин, фарзандларимни кўриб, барча чарчоқларим чиқиб кетади. 5. Гуруҳимизга бу йил бошида қўшилган янги толибани ичимиздан ҳеч ким ёмон кўрмаса ҳам, у бизга

кўшилиб кетол-мади. 6. Бу ўқув предмети жуда қийин бўлса ҳам, мен уни дилдан севиб қолдим. 7. Бобом етмиш ёшдан ошган бўлсалар ҳам, анча тетик ва бардам кўринадилар. 8. Синглим бемор бўлиб, ҳарорати анча баланд бўлишига қарамай, мактабга кетди. 9. Ёмғир тинмай ёғиб турганига қарамай, футбол мусобақасини кўргани стадионга жўнадик. 10. Араб тилини қанчалик яхши билмайлик, биз шуғулланишни давом эттиришимиз керак. 11. Ўзбекистон фуқароси қаерда бўлмасин, ўз юртининг манфаатини ҳимоя қилиши керак. 12. Сиз (*ми*) унга (*мз.*) бу ҳақда ҳеч нарса деманг, гарчи у бунинг Сиздан қаттиқ туриб талаб қилса ҳам. 13. Мен Тошкентда икки йилдан буён яшаётган бўлсам ҳам, Санъат музейини бориб кўрганим йўқ. 14. Мен қанчалик ҳаракат қилмайин, эртага эрталаб соат тўққизда сиз (*мз.*) билан учраша олмайман. 15. Мен араб тилидан дарс берадиган устозимни жуда ҳурмат қилсам ҳам, устознинг айрим фикрларига кўшилмайман. 16. Мен Сиз (*мз.*) ҳақингизда жуда кўп эшитган бўлсам ҳам, Сиз билан учрашиш менга насиб этмаган эди.

§ 186. ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдирувчи эргаш гап пайт эргаш гап дейилади. Араб тилида пайт эргаш гап бош гандан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. Пайт эргаш гап қуйидаги ёрдамчи сўзлар билан бошланади:

1. *حِينَ، إِذَا، لَمَّا، عِنْدَمَا، حَيْثَمَا* - бу ёрдамчи сўзлар бош гап билан эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бир вақтда содир бўлганлигини билдиради. Масалан:

عِنْدَمَا قَرَأْتُ الْكِتَابَ كَانَ صَدِيقِي يَكْتُبُ الرِّسَالَةَ لِي - Мен китоб ўқиётганимда, дўстим онасига хат ёзаётган эди.

لَمَّا اقْتَرَبَ مِنِّي حَسَنْتُ أَنَّهُ سَكْرَانٌ - У менга яқинлашганида, унинг маст эканлигини сездим.

2. كَلَّمَا - ёрдамчи сўзи ҳам шу маънодаги эргаш гапни билдиради. Лекин у эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бир неча марта такрорланганлигини билдиради. Масалан:

كَلَّمَا جِئْتُ إِلَيْهِ كَانَ يَقْرَأُ كِتَابًا أَمْ مَجَلَّةً - Ҳар сафар уникага келганимда, у китоб ёки журнал ўқиётган бўларди.

Шу маънода فِيمَا ёрдамчи сўзи ҳам ишлатилади, лекин бунда пайт эргаш гап от кесимли гапдан иборат бўлиши керак. Масалан:

فِيمَا نَحْنُ خَارِجَ الْقَرْيَةِ رَأَيْنَا النَّهْرَ - Биз қишлоқдан ташқари-далигимизда дарёни кўрдик.

3. مِنْذُ أَنْ، بَعْدَ مَا، بَعْدَ أَنْ - ёрдамчи сўзлари бош гапдаги иш-ҳаракат эргаш гапдаги иш-ҳаракатдан кейин содир бўлганлигини билдиради. Масалан:

تَعَرَّفْتُ بِهِ بَعْدَ مَا وَصَلْتُ إِلَى طَشْقَنْدَ - Тошкентга келганимдан кейин у билан танишдим.

4. Бош гапдаги иш-ҳаракат пайт эргаш гапдаги иш-ҳаракатдан олдин содир бўлса, قَبْلَ أَنْ، قَبْلَ إِلَى каби ёрдамчи сўзлар ишлатилади. Масалан:

قَبْلَ أَنْ قُلْتُ لَهُ عَنِ هَذَا فَكُرْتُ طَوِيلًا - Буни унга айтишдан олдин узоқ ўйладим.

5. مَا أَنْ...حَتَّى - ёрдамчи сўзи пайт эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг тугаши биланоқ бош гапнинг иш-ҳаракати

бошланишини билдиради ва *مَا أَنْ* қисми пайт эргаш гап,
حتى қисми бош гап олдига қўйилади. Масалан:

– *مَا أَنْ سَمِعُوا عَنْ هَذِهِ الْمُبَارَاةِ حَتَّى ابْتَدَوْا الْإِسْتِعْدَادَ لَهَا* – Бу мусобақалар ҳақида эшитишлари биланок, унга тайёргарликни бошлаб юборишди.

6. Баъзан пайт эргаш гап бош гапга вақтни билдирувчи *يَوْمٌ*, *سَنَةٌ*, *سَاعَةٌ*, *دَقِيقَةٌ*, *لَيْلَةٌ* каби сўзлар билан ҳам боғланади. Бунда мазкур сўзлар ноаниқ ҳолатда танвинсиз тушум келишигида келади. Масалан:

– *كَانَ فَجْرًا بِاسْمًا فِي مَقَلَّتِي يَوْمَ أَشْرَفْتَ مِنَ الْغَيْبِ عَلَيَّ* – Ғайбдан олдимга ҳозир бўлганинг куни кўзларим олдида кулиб турган тонг эди (Кўшиқдан).

Амалий машғулот учун топшириқлар

725-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, ундаги бош ва пайт эргаш гапларни аниқланг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

1) *يأتي المساء فتضم الزهرة أوراقها وعندما يأتي الصباح تفتح شفتيها لاقبال قبلة الشمس.* 2) *قد اصفرّت أوراق الأشجار ونثرها الهواء كأنه يريد أن يكفن بها أزهارا* قضت لوعة عندما ودّعها الصيف. 3) *من هذه العناصر المتحاربة بعنف سوف تجني يا حبيبي الأزهار الجميلة عندما يجيء نيسان.* 4) *في تلك الساعة المملوءة طهرا وجمالا بينما كان الإنسان مستترا طي لحف الكرى تتابه الأحلام تارة واليقظة أخرى كنت متوسدا الأعشاب أستفسر كل ما أرى عن حقيقة الجمال.* 5) *بينما كنت على هذه الحالة مرّ النسيم بين الأغصان متنهدا تنهد يتيم يائس.* 6) *أين أنت الآن يا رفيقي؟ هل أنت ساهرة في سكينة الليل نسима أحمله دقائق قلبي وخفايا جوارحي كلما هب نحوك؟* 7) *عندما أكمل*

الليل تنمى ثوب السماء بجواهر النجوم تصاعدت من وادي النيل حورية محفوفة بأجنحة
 غير منظورة. (8) لما أخذ الحب يد حبيته ونظر إلى عينيها حملت الرياح والأمواج هذه
 المناجاة إلى جميع الأقطار. (9) الذي أحبته عندما كنت صبا ما زلت أحبه الآن والذي أحبه
 الآن سأحبه إلى نهاية الحياة. (10) عانق النوم أرواح البشر فبقيت وحدي مستيقظا لأن
 الشوق يتشلمني كلما أغرقني العاس واغبة تدنيي إليك عندما تقصيني الهواجس. (11) كم
 رقصت حول بنات البحر عندما كن يطلعن من الأعماق ويجلسن على الصخور ليفرجن
 على النجوم. (12) عندما ملّت نفسي البشر وتعبت أجفاني من النظر إلى وجه النهار سرت
 إلى تلك الحقول البعيدة. (3) أنا مثلك أيها الليل ولن يأتي صباحي حتى ينتهي أجلي.
 (14) كلما ظهر في الشرق مرض جديد يكشف له أطباء الشرق مخدرا جديدا. (15) كان
 يوسف الفخري في الثلاثين من عمره عندما ترك العالم وما فيه وجاء ليعيش وحيدا مترهدا
 صامتا في تلك الصومعة المنفردة القائمة على كنف الوادي في شمال لبنان.

726-ماشқ. Қўйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Янги ўқув йили бошланганида, биз ҳаммамиз турли шаҳар ва қишлоқлардан Тошкентга келиб бўлган эдик. 2. Юсуф Ал-Фахрий қирқдан ошганида, ўзи туғилган шаҳарга қайтиб келди. 3. Фарида иш кунини тугатган ондаёқ, кийимларини алмаштиради ва уйига жўнай-ди. 4. Тоғам дам олиш учун Кавказга кетаётган кун барча қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари унинг уйига тўпланишди. 5. Талаба йигитлар университетнинг асосий эшиги ёнида туришганида, Фотима уларнинг ёнидан шошилиб ўтиб кетди. 6. Бир ҳафтадан кейин дўстимнинг уйига келганимда, уни уйда учратолмадим. 7. Қуёш тоғлар ортидан кўтарилмай туриб, биз нонушта қилиб бўлган эдик. 8. Акам Каримжон ҳарбий хизматга кетгач, онам бир ойча бошқачароқ бўлиб

юрдилар. 9. Навфал эндигина кўлига пиёлада сутли қахва олган эди, таржимон қиз уни сўраб қолди. 10. Ўқитувчи опа аудитория ёнидан ўтиб кетаётганида, талабалар уни ўраб олдилар. 11. Аҳмад келиб кўча эшигини тақиллатганида, соат тундаги бирдан чорак ўтган эди. 12. Салима сув тўлдирилган пақирни жойига қўйган чокда, ичкаридан чакалоқнинг йиғиси эшитилди. 13. Бир куни мактабдан қайтиб келсам, ҳовлимизда иккита бегона одам турипти. 14. Мен теплоходга чиққан пайтимда, турли миллат вакиллари мени ўраб олишди. 15. Мен ўша собиқ толиба билан қўл бериб сўрашганимдан кейин, қишлоқдаги ҳаёти, иши, турмуш шароити ҳақида сўрадим.

§ 187. ҲОЛ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Ҳол эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракат объекти ёки субъектининг шу иш-ҳаракат бажарилаётган пайтдаги ҳолатини бил-диради. Шунингдек, эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бош гапдаги иш-ҳаракат билан бир вақтда содир бўлаётганлигини ифодалайди. Ҳол эргаш гап бош гапдан кейин келади. Ҳол эргаш гап бош гапга бирор ёрдамчи сўз орқали ёки бевосита бирикади:

1. Эргаш гап билан бош гапнинг эгаси битта шахс ёки предмет бўлса, эргаш гап *وَ* боғловчиси ва эгага мос келувчи кишилиқ олмоши билан бошланади ва бунда эргаш гапдаги феъл ҳозирги-келаси замонда бўлади. Масалан:

خَرَجَ مِنَ الْكَلْبَةِ وَ هُوَ يَحْمِلُ الْكِتَابَ فِي يَدِهِ – У қўлида китоб ушлаганича факультетдан чикди.

2. Агар эргаш гап билан бош гапнинг эгаси битта шахс ёки предмет бўлмаса, эргаш гап وَ боғловчиси ва قَدْ юкламаси билан ўтган замон феъли шаклида келади. Масалан:

قَالَ وَ قَدْ لَمَعَتْ عَيْنَاهُ بِفِكْرَةٍ أُخْرَى – Кўзлари бошқа бир хаёл билан чакнаган ҳолда деди:...

3. Ҳол эргаш гап от кесимли гапдан иборат бўлса, бош гап билан وَ боғловчиси ёрдамида бирикади. Масалан:

جَرَتْ هَذِهِ الْوَقَائِعُ وَ الْحَرْبُ قَائِمَةٌ – Бу воқеалар уруш кетиб турган пайтда содир бўлди.

قُلْتُ وَ دَمَعِي جَارٍ عَلَى خَدَّيْ – Кўз ёшим юзимга оққани ҳолда дедим:...

4. Агар ҳол эргаш гапдаги феъл ҳозирги-келаси замонда бўлса, وَ боғловчиси ишлатилмайди. Масалан:

دَخَلَتْ عَلَيْهِ تَبْكِي – У (мн) йиғлагани ҳолда унинг (мз) олдига кирди.

Амалий машғулот учун топшириқлар

727-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, ҳол эргаш гапларни топиб, уларнинг қандай шакланганини тушунтиринг, гапларни ўзбекчага ўгиринг:

1) بَكَى الْفَتَى لَوْحَدْتَهُ وَانْفَرَادَهُ ثُمَّ مَرَّتْ سَاعَاتٌ حَبَهُ أَمَامَ عَيْنَيْهِ مَرُورَ الْأَشْبَاحِ فَقَالَ وَغَوَاطِفَهُ تَسِيلُ مَعَ كَلِمَاتِهِ وَدَمُوعِهِ... (2) كَيْفَ لَا نَبْكِي وَيدَ الْإِنْسَانَ الْقَاسِيَةَ سَوْفَ تَفْصَلُنَا عَنِ وَطَنِنَا الْحَقْلُ؟ (3) أَرَى بَعِينِكَ حَزْنَا يَا حَبِيبِي أَمْحُزْنَ وَأَنْتَ بَقْرِي؟ (4) هَلْ تَجْلِسُ

الأم بجانب سرير رضيعها مرتلة بمدوء أغاني النوم وهي لا ترتجف وجلا مما سيحلبه الغد؟
 (5) إن العالم بحاجة ماسة إلى أمثالك وليس من العدل أن تعترل عن الناس وأنت قادر على
 نفهمهم. (6) خطرت بباله فكرة قديمة وهو يرى نافذة حجرة نفيسة ما تزال مغلقة.
 (7) فتحت العجوز الباب فرأت سعادا تبكي. (8) بقيت البنت في فراشها وشعرت بلذة
 غريبة تشبه ما تجده الأم وهي ترضع صغيرها. (9) قالت ذلك وانصرفت إلى شؤونها وهي
 تتمتع بينها وبين نفسها. (10) كانت زليخة كالوردة ذهبت حياتها وهي في مقتبل الحياة
 ذهبت ضحية بريئة. (11) فكّرت جدتي أن تنصرف فوضعت يديها على الأرض لتستعين
 بما على القيام وقالت وهي منحنية: ... (12) كانت تتحدث إلى العجوز وعضلات وجهها
 تنقبض وتنطلق مما زاده حيوية وسحرا. (13) ليس هناك فتاة فيمن تعرف لها حاجبان
 كثيف شعرهما بهذه الصورة! ومع ذلك فهما في هذا الوجه نموذج فذ للجمال! وحركات
 يديها وهي تتكلم... (14) خرج الرجلان واتفقا على أن يلتقيا في الغد وقال أحدهما وهو
 يودّع الآخر: ... (15) إن أبا بكر أحس وهي تنظر إليه أنها تكن له الكثير من الإعجاب.
 (16) دخلت المضيفة تحمل بين يديها فنجان قهوة.

728-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Синглим қаерга боришини ва нима қилишини билмай, ўтирган жойида хаёл сура бошлади. 2. Қўлида коптоги билан кўчага бир бола-кай чикди, орқасидан туфлисини ушлаганича онаси югурди. 3. Опасингилларингга ёрдам бериш қўлингдан кела туриб, улардан ўзингни чеккага тортишинг (мз.) хар ҳолда яхши эмас. 4. Дўстим ўзича гўлдираганича нариги хонага кириб кетди. 5. Мен бу ёши улуғ одамга тикилар эканман, беихтиёр раҳматли дадам эсимга тушдилар. 6. Укам юзларидан тер окқани ҳолда, менга яқинлашди ва қўлидаги сумкани менга узатди. 7. Қўлда сув совук

бўла туриб, чўмилишни орзу қилаяпсизми (мз.)?
 8. Мева-чева тўла пақирни кўтаргани ҳолда, кўшним бо-
 зордан чиқаётган эди. 9. Хижолатдан юзлари қизарган
 ҳолда, укам жим турарди. 10. Ўқитувчимиз эшикни ёпа
 туриб, талабалардан сўради: «Ҳаммангиз шу ердами-
 сизлар?». 11. Тун қоронғуси тарқамай туриб, дехқонлар
 далаларига отланадилар. 12. Она ўғлининг икки юзидан
 ўпар экан, севинчдан кўзлари ёшга тўлди. 13. Бобом
 кўзларини юмгани ҳолда, ёшлик йилларини хотирла-
 мокда эдилар. 14. Мен эрталаб нонушта қилаётиб, кеча
 факультетимизда бўлиб ўтган адабий кечани кўз
 олдимга келтирдим. 15. Дўстларимдан бири учинчи
 курс талабаси бўла туриб, халқаро илмий конферен-
 цияга таклиф этилди.

729-машқ. Қуйидаги суҳбатни ўрганинг, сўз ва
 ибораларини ёдланг:

- مساء الخير يا توفيق!
- مساء النور يا أسامة، أهلا وسهلاً!
- كيف حالك؟ أ مسرور أنت؟
- أشكرك، الحمد لله، أنا مسرور جدا بقدمك إلينا.
- ما أجل هذه الطفلة. من هي؟ هل لك بنت؟
- لا، ليست لي بنت. هذه هي بنت عمي، جاءت إلي أُمس.
- ما شاء الله! مع من جاءت؟
- جاءت مع أخيها الكبير.
- من هو أخوها؟
- أخوها طبيب في المستشفى، يعمل هناك منذ ستين.
- من أي معهد أو جامعة تخرج أخوها؟

- هو خريج معهد الطب في سمرقند.
- من هي زوجته؟
- زوجته مربية في روضة الأطفال.
- أين يسكنون؟
- هم يسكنون في شارع الاستقلال.
- بيم يشتغل عمك؟
- عمي يعمل في مصنع الأجهزة الكهربائية. مالك، تنظر إلى ساعتك؟ هل أنت على موعد مع أحد؟
- نعم، أنا على موعد مع صديقي بهرام في النادي.
- ماذا تفعل هناك معه؟
- سأبحث معه في بعض المسائل المهمة وبعد ذلك سأقرأ مجلات وجراند وسألعب بالشطرنج.
- ألا تسمع فيه المحاضرة؟
- أية محاضرة؟
- المحاضرة عن الأحداث العالمية الأخيرة.
- لا، لأن هذه المحاضرة قد أُلغيت. هل تذهب معي إلى النادي؟
- لا، مع شديد الأسف ليس لي وقت للذهاب إلى هناك.

(Б.З. Халидовнинг «Учебник арабского языка» китобидан айрим ўзгартишлар билан).

730-машқ. Қуйидаги суҳбатни арабчага ўғиринг:

- Сиз эрталаб нечада турасиз, дўстим?
- Мен ҳар куни соат олтида тураман.
- Гимнастика билан шуғулланасизми?

- Албатта, хонани шамоллатиб, сўнг тоза ҳавода гимнастика қиламан. Ёз ойларида эса, ҳовлига чиқаман.
- Эрталаб қай вақтда нонушта қиласиз?
- Соат ўн минут кам еттида нонушта қилишга ўтираман.
- Дарс машғулотларингиз эрталабми ёки пешиндами?
- Биз эрталаб ўқиймиз.
- Дарс тайёрлаш учун неча соат ажратасиз?
- Дарс тайёрлаш учун икки соат, баъзан ундан ҳам кўп вақт ажратаман.
- Кутубхонага ҳам борасизми?
- Албатта. Тушдан кейин икки-уч соат кутубхонада бўламан.
- Кечки овқатдан сўнг нима қиласиз?
- Кечки овқатдан сўнг дарс тайёрлайман, бадий китоб ўқийман, баъзан телевизор томоша қиламан.
- Қайси фанларга кўпроқ қизиқасиз?
- Мен араб адабиёти тарихига қизиқаман. Шунинг учун бу фанга доир китобларни кўп ўқийман.
- Сиз кун тартибига риоя қиласизми?
- Ҳа, мен кун тартибига риоя қиламан.

731-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг:

Янги квартирага мос бўлган янги мебель; отабоболаримиздан қолган урф-одатларимиз; «Води-л-мулук» ёдгорлиги; актуал муаммо-ларга бағишланган маъруза; Англия Фанлар Академияси; Бирлашган Араб Амирлиги; нефть ва газ саноати; бу йилги ҳаж зиёрати;

озик-овқат магазини; магазиннинг қандолат бўлими; университетимизнинг янги ўқув корпуси; халқаро кўр-газма; чекиш саломатлик учун хавфли-дир; Шарқий Осиё мамлакатлари; ота-онани ҳурмат қилиш; томирларимдаги қонни оловга айлантираётган нарса; замонамизнинг машҳур арабшунослари; суғориш тармоги; йўл ҳаракати полицияси; Сизларнинг шарофатингиз билан; кўли билан.

§ 188. ЎРИН ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдирадиган эргаш гап ўрин эргаш гап ҳисобланади. Ўрин эргаш гап араб тилида бош гапдан кейин келади ва **حَيْثُ** каби ёрдамчи сўзлар воситасида шаклланади. Масалан:

دَرَسَ أَحْمَدُ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ فِي طَشَقَنْدَ حَيْثُ وَجَدَ مُدْرَسِينَ مَاهِرِينَ – Аҳмад араб тилини Тошкентда – маҳоратли ўқитувчиларни топган жойда ўрганди.

بَعْدَ فُطُورِي تَوَجَّهْتُ إِلَى حَيْثُ ذَهَبَ مُحَمَّدٌ – Нонуштадан кейин Муҳаммад кетган томонга йўл олдим.

Амалий машғулот учун топшириқлар

732-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, бош ва эргаш гапларни топинг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) هذه الخصلة الكشيفة الناعمة المرسلّة على الجهة اليسرى من الصدر حيث تنفوس قليلا ثم تنزل إلى الحزام الأبيض اللامع الجميل.
- 2) تسلسل الراعي من مجرى الوادي حيث

يتكاتف ظل الأشجار. (3) بدون أن يشعر الفتى الصياد إلى الربوة الواقعة في الضفة المقابلة حيث الكوخ الذي تام فيه أمه. (4) كان القمر قد توسط السماء فلم تبد له مغامرة اقتحام السور هينة ورجع إلى مكان ظليل حيث تلتمح زاوية غرفة صديقه مع زاوية غرفة أخرى واكتشف أن الدخول من هنا أيسر بكثير من اقتحام السور. (5) انجبت عمي إلى الصندوق الأسود حيث تخزن كل ما هو ثمين عندها. (6) هو ورفاقه استشهدوا وآخرون غادروا القرية إلى المدينة حيث استأنفوا حياة جديدة. (7) لنجلس بقرب تلك الصخرة حيث يخشى البنفسج تحت الورود البيضاء والحمراء. (8) على ضفة ذلك النهر في ظل أشجار الجوز والصفصاف جلس ابن زراع يتأمل المياه الجارية بسكينة وهدوء. رُبِّي هذا الفتى بين الحقول حيث يتكلم كل شيء عن الحب، حيث الأغصان تتعانق والأزهار تتمايل والطيور تتشبه، حيث الطبيعة بأسرها تركز بالروح. (9) فتى وفتاة أتيا من جهة الحقول حيث أكوخ الفلاحين في المزارع. (10) محضني النصح والنصح طيف يسير بالنفس إلى مرتع الخيرة ويقودها إلى حيث الحياة جامدة كالتراب. (11) هل تذكرين يا حبيبتي ذلك الروض حيث وقفنا وكلانا ناظر وجه حبيبه. (12) في شمس إبريل سحر ليس تعرفه بقية الشهور لا سيما في المدن المكتظة بالسكان حيث يقضي الناس الشتاء وكأهم في حصار. (13) حدّث الشيخ للطلبة عن عيشة الفلاحين في قريته البعيدة من حيث جاء إلى العاصمة منذ أسبوعين. (14) بعد فطوري توجهت إلى حيث قد ذهب محمد. (15) هو لا ينوي العودة من حيث أتى. (16) إذا أردت أن تشتري التذاكر لقطار طشقند - ثمغان فاذهب إلى محطة السكة الحديدية حيث يمكنك أن تعرف كل المعلومات عن موعد ذهاب هذا القطار بالفضيل. (17) بعد التخرج من جامعة الدراسات الشرقية سنذهب إلى حيث يدعونا الوطن. (18) يجب عليك أن تصل في الساعة الثامنة صباحا إلى حيث نجتمع لنقوم بالرحلة إلى ضواحي مدينتنا.

1. Биз Карим туғилиб, вояга етган шаҳар ҳақида гапирганимизда, у бу шаҳарнинг мамлакатимиздаги энг йирик саноат марказларидан бири эканини қайта-қайта таъкидлайди. 2. Яқинда Ўзбекистон ёзувчиларидан ташкил топган делегация буюк шоиримиз Алишер Навоий яшаб ижод этган Ҳирот шаҳрига борди ва у ердан олам-олам таассуротлар билан қайтди. 3. Бу йил ёзда буюк алломаимиз Имом Бухорий шарафига улкан меъморий мажмуа бунёд этилган зиёратгоҳга бормоқчи бўлиб турипмиз. 4. Ҳозир иккинчи курсда ўқиётган дўстимиз Жаъфар ўзи туғилган қишлоқ ҳақида жуда кўп гапиради. 5. Машгулотлардан кейин гуруҳимиз талабалари «Ўткан кунлар» янги фильми намойиш этилаётган «Баҳор» кинотеатрига кетишди. 6. Хотира кунни жамоатчилик вакиллари мустақиллик йўлида қурбон бўлган ота-боболаримиз дафн этилган қадам-жоларни зиёрат қилишди ва у ерга гуллар қўйишди. 7. Қаерда тинчлик, осойишталик ҳукм сурса, ўша ерда ривожланиш, тараққиёт бўлади. 8. Катта кема қаёққа юрса, кичик кема ҳам шу ёққа юради. 9. Мен қаерга борсам, Сиз ҳам, Зиёвиддин, ўша ерга борасиз, биз доим бирга бўламиз. 10. Кўз қаерда бўлса, меҳр ҳам ўша ерда бўлади.

§ 189. САБАБ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Сабаб эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдиради. Сабаб эргаш гап бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин ва унинг олдидан қуйидаги ёрдамчи сўзлар келади:

لَأَنَّ وَاذِ، بِمَا، لِمَا، لِي، لَأَنَّ ва ҳ.з. Масалан:

بَادَرْنَا إِلَى السَّيَّارَةِ لِأَنَّ الظُّرُوفَ طَلَبَتْ مِنَّا هَذَا – Биз машинага шошилдик, чунки вазият биздан шуни талаб қиларди.

وَ إِذْ كَانَتْ حَالَتُهُ صَعْبَةً قُمْتُ بِمُسَاعَدَتِهِ حَالًا – Унинг ахволи оғир бўлганидан, дарров унга ёрдам қилдим.

سَابَابٌ عَرَّاشٌ غَاظٌ بَاشٌ غَاظٌ يَا نَفَضِلْ أَنْ – шарофати билан, سَبَبٌ أَنْ – сабабли, نَظَرًا أَنْ - ...га кўра каби ёрдамчи сўзлар ёрдамида ҳам бирикиши мумкин. Масалан:

صَارَ إِطْلَاقُ الْإِنْسَانِ إِلَى الْفَضَاءِ مُمَكِّنًا بِسَبَبِ أَنْ الْعُلُومَ التَّكْنِيكِيَّةَ تَطَوَّرَتْ تَطَوُّرًا سَرِيعًا – Техника фанлари жуда тез ривожлангани сабабидан инсоннинг фазога чиқиш имконияти пайдо бўлди.

Амалий машғулот учун топшириқлар

734-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, бош ва эргаш гапларни топинг, гапларни ўзбекчага ўгиринг:

- 1) قالت الوردة للعندليب: اجلس بجانبى يا حبيبي واسمعي، ابتمس لأن ابتمامتك هي رمز مستقبلنا وافرح لأن الأيام قد فرحت من أجلنا. (2) أحببت هذا الفتى و كنت مخلصا له لأنني رأيت حمامة ضميره تغالب نسر سياته. (3) التفت نحو الأزهار فرأيتها تذرف من عيونها قطرات الندى دموعا فسألت: لماذا البكاء يا أيتها الأزهار الجميلة؟ فرفعت واحدة منهن رأسها اللطيف وقالت: نهكي لأن الإنسان سوف يأتي ويقطع أعناقنا ويذهب بنا إلى المدينة ويبعنا كالعبيد ونحن حرائر. (4) اسمعي قصتي الموجهة يا أختي وابكي من أجلي لأن دموع الشفقة كالإحسان لا تذهب سدى، لأنها متصاعدة من أعماق نفس حية شاعرة. (5) قد أحببت الحرية أكثر من كل شيء لأنني وجدتها فتاة قد أضناها الانفراد. (6) أنتم لا تعون صراخنا لأن ضجيج الأيام يملأ آذانكم أما نحن فنسمع أغانيكم لأن همس الليالي قد

فتح مسامعنا. 7) من يشارك أهله بالأسى والشدة يشعر بتلك التعزية التي يولدها الاستشهاد بل يفخر بنفسه لأنه يموت بريئا مع الأبرياء. 8) لي رأي في الرابطة الأمية قد يحسبه بعض المفكرين غريبا لأن أصوله ونتائج ليست من الأمور المحسوسة. 9) لقد كانت بإمكانني عبادة الله وأنا بين خلقه لأن العبادة لا تستلزم الوحدة والانفراد وأنا لم أترك العالم لأجد الله لأنني كنت أجد في بيت أبي وفي كل مكان آخر. 10) إني طلبت الخلوة لأنني مللت مجاملة الخشن الذي يظن اللطف ضربا من الضعف والتساهل نوعا من الجبانة والترفع شكلا من الكبرياء. 11) هنا يا بُني لا يضرنا شرب القهوة لأنها عزيزة عندنا لا نشربها في كل وقت ثم ليس عندنا ما نشرب سواها. أما في المدن ربما تضر لأنهم يشربونها في كل وقت بمناسبة وغير مناسبة. 12) شكرت العجوز الأم وابتها و أكدت لهما أنها لا تستطيع البقاء لتناول الغداء إذ أنها أوصت أحد الجيران ليشتري لها من السوق بعض الأشياء. 13) من يرعى الغنم مكان هذا الراعي؟ هل الغنم تصوم اليوم لأن القرية في احتفال؟ 14). عندما أحفر الطين لا أفكر في الغد القريب ولكن في الغد البعيد، البعيد... لأن التراب يجب أن يبس ثم يدق ثم يبل ثم تُبنى الأواني. 15). صحيح أنه توهمه غيبا ولذلك لم يشعر بأي ضيق أمامه. 16). قال أحد الفلاحين في تحد: أنت و الإقطاعية أعداء، نعرف هذا، لأنك تخاف على أرضك أما نحن الذين لا نملك شيئا فلا نخاف الإقطاعية ولا غيرها. 17) لم تنتظر الأخت إتمام الحديث الجاري بين أبيها فما سمعته كان كافيا لذلك كل منبع للأمل في نفسها. 18) بعد لحظات عاد إليها وعيها كاملا فأدركت أنها بمجرد مجرمتها وقد كان مغمى عليها ولذلك كانت أمها إلي جانبها تسعفها.

735-маишқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Дўстим факультетга ҳар куни иккита автобусга ўтириб келади, чунки у ота-онаси, ака-укалари билан шаҳар четида яшайди. 2. Мен икки йилдан буён спорт билан шуғуллана олмаяпман, чунки бунга саломатлигим имкон бермай қўйди. 3. Худойберди, мен Сизни бу

таклифга розисиз деб ўйлабман, чунки Сиз унга қарши ҳеч нарса демадингиз. 4. Қурувчилар сўнгги пайтларда фидокорона меҳнат қилганлари сабабли бу улкан ҳашаматли сарой муддатидан ярим йил олдин қуриб битказилди. 5. Кеча биз футбол томоша қилгани стадионга бо-ролмадик, чунки кун бўйи ёмғир тинмади. 6. Бу йил киш чўзилиб кетгани сабабли апрель тугаётган бўлса ҳам, дарахтларда барглар кўринмаяпти. 7. Дўстим Аҳмад касал бўлиб, касалхонада анча муддат даво-ланди, шунинг учун уни университетда кўрмайсиз (мз.). 8. Бу дугонангиз (ми) қоқоқ бўлса ҳам, имтиҳон-лардан муваффақиятли ўтди, чунки унга дугоналари ёрдам беришди. 9. Боксинг саломатлик учун фойдаси жуда катта эканини билганим боис, мен у билан ҳар куни икки-икки ярим соат шуғулланаман. 10. Мен Мисрнинг қадимги тарихини яхши ўрганишни истаيمان, чунки шу мавзуда мен келажакда илмий иш қилмоқчиман. 11. Ҳаво жуда иссиқ бўлганидан, соат бешга режалаштирилган концерт кеч саккизга кўчирилди. 12. Университетимиз ректори илмий анжуманда иштирок этиш учун хорижга жўнагани сабабли, ўрин-босарларидан бири ҳозир ректорлик қилмоқда. 13. Уни-верситет ётоқхонаси узоқда жойлашгани сабабли, кўпчилик талабалар биринчи соатга кечикиб келмоқ-далар. 14. Бугун якшанба бўлгани сабабидан, кўчада транспорт анча кам, одамлар ҳам жуда кўп эмас. 15. Олма-ноқлар кўп мева қилганидан, дарахтларнинг шохлари синай-синай деб турипти.

§ 190. МАҚСАД ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилишидан кўзланган мақсадни билдирувчи эргаш гап мақсад эргаш гап дейилади. Мақсад эргаш гап бош гапдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. У бош гапга бирикиши учун қуйидаги ёрдамчи сўзлар ишлатилади:

كَيْلَا، أَلَا، لَيْلًا، حَتَّى، لِكَيْ، كَيْ، لِأَنَّ، لِي

Масалан:

تَوَجَّهَ الطُّلَّابُ إِلَى مِصْرَ لِيَدْرُسُوا هُنَاكَ أَلُّغَةَ الْعَرَبِيَّةِ – Араб тилини ўрганиш мақсадида талабалар Мисрга жўнашди.

لِكَيْ تَفْهَمَ هَذَا الْمَوْضُوعَ يَجِبُ عَلَيْكَ أَنْ تَقْرَأَ كَثِيرًا – Бу мавзуни тушунишинг учун кўп ўқишинг керак.

تَظَنَّتْ زَيْنَبُ إِلَى سَاعَتِهَا لِئَلَّا تَتَأَخَّرَ عَنِ الْمِعْيَادِ – Зайнаб учрашувга кечикмаслик учун соатига қаради.

Амалий машғулот учун топшириқлар

736-машқ. Қуйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, бош ва эргаш гапларни топинг, гапларни ўзбекчага ўгиринг:

1) جاء إلى المقهى لا يشرب القهوة ولا بغاية الجلوس فيها مع روادها بل ليسمع ماجد من جديد في حياة القرية التي يسكن فيها أو بالقوى المجاورة. 2) لكي تقوم البلدية بكل ما ذكرت يجب أن تصير حكومة لها خزانة مالية. 3) قام من مصلاه واتجه إلى الدار فأمر زوجته أن تيقظ ابنه ليذهب إلى دار ابن الأطرش ويطلب منهم أن يأخذ راعيهم غنمه مع غنمهم للرعي في ذلك اليوم. 4) أنا آتية، أصلح للماء، للطعام، للزهور ... انظروا إلى النار التي تلتهمني ... إنها تصهربي لأزداد جمالا! 5) من تصور يوما أنه يترك رعي الغنم بين عشية وضحاها فجأة وبلا سبب؟ لم يعطني حتى مهلة أسبوع لأبحث عنم يعوضه. 6) أكتب

